

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЎРТА АСР ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ВА МАНТИҚ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 247 - сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:**

Ф.ф.н. доцент Д.Файзихўжаева  
ф.ф.н., доц. Д.М.Бозаров

**Такризчи:**

ф.ф.н., доцент М.Шарипов  
ф.ф.н., доцент Х.Тўхтаев

*Ўқув -услубий мажмуда ЎзМУ кенгашиниң 2018 йил 30 августдағи 1 – сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>15</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>82</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>108</b>
<b>VI. МУСТАҶИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>114</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>126</b>
<b>VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>129</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастурда ўрта асрда шарқда фалсафа ва мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши, ундаги ғоялар ворисийлиги ва буюк мантиқшунос олимларнинг таълимотларини ўрганиш орқали Шарқ мутафаккирларининг жаҳон фалсафий тафаккури ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлашга эътибор қаратилади. Шарқ фалсафаси ва мантиғидаги ғояларнинг ёшларда тафаккур маданиятини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида урғу берилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **“Ўрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ” модулини ўқитишдан мақсад:**

олий ўқув юртларидаги фалсафа фани бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали фалсафа мутахассислиги йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, фаннини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, бу соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари**

#### **ТИНГЛОВЧИ:**

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илмининг ривожланиш тенденциялари, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишларини;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми соҳасида республикамиз ва хорижий мамлакатлар эришаётган ютуқларини;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илмининг замонавий илмий муаммоларига оид тадқиқотларнинг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми билан шуғулланувчи фан ёки фанлар тизимини;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши керак.

**ТИНГЛОВЧИ:**

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориши;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми ривожига илмий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериси;

машғулотларни олиб бориша кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш кўнималарига эга бўлиши лозим;

**ТИНГЛОВЧИ:**

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илмининг таркиби ва тизимидағи ўзгаришларни амалда қўллаш;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми фанининг бошқа фалсафий фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажратса олиш;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илмининг фалсафа, мантиқ, этика ва эстетика, фуқаролик жамияти, миллый ғоя ва бошқа фанларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

**ТИНГЛОВЧИ:**

мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий –иқтисодий салоҳияти, таълим тизими, ўзаро муносабат жараёнларининг ривожланишида ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми тушунчаларни амалиётда қўллаш;

ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми ўзаро муносабатларининг моҳияти, унинг бир бутун жараён эканлигини талабаларга етказиш ва ижтимоий оқибатларининг прогнозини амалга ошириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Ўрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмуман бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирум оғизида мақсадга мувофиқ.**

Курсни ўқитиши жараённида кичик гурухларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун фалсафани ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикализнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Үрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Каспий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми фани йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда фалсафий фанларни ўқитиш самараси, ва республикамида бу фанининг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Үрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ” ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда ўрта аср шарқ фалсафаси ва мантиқ илми фани соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларида фалсафа фанининг мазмунини бойитишга хизмат қиласди.

### **“Үрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ” модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақилият таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	жумладан					
			Назарий	Дома	Амалий	Кучма			
1.	Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ва мантиғининг назарий манбаалари	8	6	2	4				
2.	IX-XII асрларда яқин ва Ўрта Шарқда фалсафа ва мантиқнинг ривожланиши	8	6	3	4				
3.	XII-XIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи	8	6	2	4				
4.	XIV-XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи	6	8	3	4		2		
	<b>Жами: 30 соат</b>	30	26	10	16			4	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- мавзу. Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ва мантиғининг назарий манбаалари**

Қадимги Хитойда фалсафанинг шаклланиши(эр.ав.8-баср). Асосий фалсафий мактаблар ва улар томонидан мантиқ масалаларининг ишлаб чиқилиши. Қадимги Хитойда мантиқий талимотлар ривожининг ўзига хос жихатлари. Қадимги Хиндистон ижтимоий ҳаётида оммавий бахсларнинг ўтказилиши ва бахс-юритиш қонун-қоидаларининг ишлаб чиқилиши. Буддизм мантиғи. Будда мантиқшуносарининг таълимотида психология, эпистемология ва мантиқ масалаларининг ўзаро боғланганлиги.

Жайн мактабининг мантиқий таълимоти, унда жузъий мулохазаларга кенг ўрин берилишининг сабаблари. Дигнага (эр. VI-VII асрлар)нинг мантиқий таълимоти. Мантиққа оид «Билиш тарихи» асарининг ахамияти. Исботлаш тўғрисидаги таълимоти. Ҷармакирти (эр. VII-VIII асрлар) нинг мантиқий таълимоти. «Мантиқ томчиси» асари. Ҷармакирти «ўзи учун» ва «бошқалар учун» хulosаси чиқариш тўғрисида. Нъяя мактабининг хulosаси чиқариш ва исботлаш тўғрисидаги таълимоти. Нъяя мактабига хос беш таркибли силлогизм. Қадимги Хиндистондаги мантиқий таълимотларнинг мантиқ тарихидаги ўрни.

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ўрганилиши ва тарқалишига таъсир кўрсатган омиллар. Юон мантиқий тафаккурининг араб дунёсига ўтиш шарт-шароитлари Қадимги хинд, форс, юон илмий- фалсафий асарларининг араб тилига таржима қилиниши, илмий, фалсафий атамаларнинг яратилиши. Табиий –илмий ва фасафий фанлар ривожи. Аббосийлар сулоласи даврида мантиқий тадқиқотлар.

### **2-мавзу: IX-XII асрларда яқин ва Ўрта Шарқда фалсафа ва мантиқнинг ривожланиши**

Мутазилитлар таълимотининг ғоявий асослари, рационалистик моҳияти. Рационализм ва иррационализм. Калом фалсафасида мантиқ масалалари. Ал-Киндий (800-870) биринчи араб мантиқшуноси. Ал-Киндий томонидан араб тилида фалсафа ва мантиқ атамаларининг ишлаб чиқилиши. Ал-Киндийнинг Аристотель асарларига ёзган шархлари.

Форобий (873-950) нинг мантиққа оид асарлари. Мантиқ илмининг тил, грамматика, фалсафа билан ўзаро алоқадорлиги. Мантиқ илмининг редмет ива вазифаси. Тушунча, унинг турлари. Таърифлаш ва тавсифлаш. Хукм ва унинг турлари. Форобий хulosаси чиқариш учун асос бўлувчи билимлар тўғрисида. Силлогизмнинг таркиби, фигуранлари ва модуслари. Исботлаш, унинг турлари. Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

**Ибн Сино** (1080-1037)нинг ижодий меросида мантиқ илми. Ибн Синонинг илмий меросида мантиқ масалалари. Мантиқ илмининг ўрганишнинг мақсади. Мантиқ илмининг предмети ва вазифалари Мантиқ илми ва тил. Тушунчалар ва уларнинг турлари. . Тушунчаларни таърифлаш

усуллари. Хукм, тузилиши ва турлари. Модал хукмлар.Ибн Сино силлогизмнинг тузилиши, фигуralари ва модуслари хақида. Индукция ва аналогия.Исботлаш тўғрисидаги таълимоти. Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

### **Бахманёрнинг мантиқий қарашлари.**

Бахманёрнинг фалсафий- мантиқий асарлари. Зиддиятсизлик қонунининг метафизик ва илоҳий талқини. Тушунча, турлари, таърифлаш усувлари. Якка ва умумий тушунчалар. Хукм ва хulosса чиқариш.

### **Абу Хомид Ғаззолий мантиқ илми ҳақида.**

Абу Хомид Ғаззолий (1059-1111)нинг ҳаёти ва асарлари. Илм, таълим бериш ва илм олиш фазилати, унинг ақлий ва нақлий далиллари. Илмлар тизимида мантиқ. Ақлнинг ҳақиқати ва қисмлари. Мунозара шартлари ва одоби. Мантиқий хulosса, турлари, қўлланиш соҳалари.Аналогия-диний ва дунёвий билимларни эгаллаш усули сифатида.

## **3-мавзу: XII-XIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

### **Ибн Рушднинг мантиқий қарашлари**

Ибн Рушд (1126-1198) нинг ҳаёти ва асарлари. Ибн Рушд билиш жараёнида мантиқ илмининг ахамияти тўғрисида. Тушунча, хукм, хulosса чиқариш тўғрисида. Модал хукмларнинг классификацияси. Ибн Рушднинг “Раддияга раддия” асарида мантиқ масалалари.

Ибн Сино ва Ибн Рушд мантиқий таълимотларининг Европа фалсафаси ва мантиғига таъсири

### **Фахриддин Розийнинг мантиқий таълимоти**

Фахриддин Розий (1148-1210)нинг ҳаёти ва ижодий мероси. Фахриддин Розий мантиқ илмининг предмети ва вазифалари тўғрисида. Хulosса чиқаришнинг таркибий қисмлари бўлган тушунча ва хукм, уларнинг турлари. Модал хукмлар. Хulosса асослари бўлган дастлабки билим турлари Хulosса чиқаришнинг турлари.

Насриддин Тусий (1201-1273)нинг ҳаёти, ижодий мероси. Сўзнинг белги сифатида тушунчага ва англатадиган маъносига нисбатан муносабати. Тафаккур қонунлари ва хукмлар. Хукмларнинг модаллига кўра турлари. Силлогизм ва унинг турлари. Индукция ва аналогия. Исботлаш ва исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

## **4-мавзу: XIV-XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

### **Сайдуддин Маъсуд Тафтазонийнинг мантиқий қарашлари**

Тафтазоний (1322-1390)нинг мантиққа оид асарлари.Мантиқ илмининг предмети, ўрганадиган масалалар доираси. Тушунча, жинс ва тур тушунчалар.Хукм ва унинг турлари. Хulosса чиқариш, силлогизм ва индукция.

### **Миршариф Журжонийнинг мантиқий қарашлари**

Миршариф Журжоний (1340-1407)нинг ҳаёти, мантиқий-гносеологик қарашлари, асарлари. Мантиқ, унинг предмети, қисмлари ва вазифалари. Тушунча ва категориялар. Хукм, унинг тузилиши ва турлари. Модал хукмлар ва уларнинг турлари. Хулоса чиқариш, силлогизм ва индукция. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари мантиқий қарашларининг Европа фалсафаси ва мантиғига таъсири.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- мавзу. Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ва мантиғининг назарий манбаалари**

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ўрганилиши ва тарқалишига таъсир кўрсатган омиллар. Юнон мантиқий тафаккурининг араб дунёсига ўтиш шарт-шароитлари Қадимги хинд, форс, юнон илмий- фалсафий асарларининг араб тилига таржима қилиниши, илмий, фалсафий атамаларнинг яратилиши. Табиий –илмий ва фасафий фанлар ривожи. Аббосийлар сулоласи даврида мантиқий тадқиқотлар.

### **2-мавзу: IX-XII асрларда яқин ва Ўрта Шарқда фалсафа ва мантиқининг ривожланиши**

Калом фалсафасида мантиқ масалалари. Ал-Киндий (800-870) биринчи араб мантиқшуноси. Ал-Киндий томонидан араб тилида фалсафа ва мантиқ атамаларининг ишлаб чиқилиши. Ал-Киндийнинг Аристотель асарларига ёзган шархлари. Форобий (873-950) нинг мантиққа оид асарлари. Мантиқ илмининг тил, грамматика, фалсафа билан ўзаро алоқадорлиги. Мантиқ илмининг редмет ива вазифаси. Тушунча, унинг турлари. Таърифлаш ва тавсифлаш. Хукм ва унинг турлари. Форобий хулоса чиқариш учун асос бўлувчи билимлар тўғрисида. Силлогизмнинг таркиби, фигуранлари ва модуслари. Исботлаш, унинг турлари. Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар. Ибн Сино (1080-1037)нинг ижодий меросида мантиқ илми. Ибн Синонинг илмий меросида мантиқ масалалари. Мантиқ илмининг ўрганишнинг мақсади. Мантиқ илмининг предмети ва вазифалари Мантиқ илми ва тил. Тушунчалар ва уларнинг турлари. Тушунчаларни таърифлаш усуллари. Хукм, тузилиши ва турлари. Модал хукмлар. Ибн Сино силлогизмнинг тузилиши, фигуранлари ва модуслари хақида. Индукция ва аналогия. Исботлаш тўғрисидаги таълимоти. Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

### **3-мавзу: XII-XIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

Ибн Рушд (1126-1198) нинг ҳаёти ва асарлари. Ибн Рушд билиш жараёнида мантиқ илмининг ахамияти тўғрисида. Тушунча, хукм, хулоса чиқариш тўғрисида. Модал хукмларнинг классификацияси. Ибн Рушдининг “Раддияга раддия” асарида мантиқ масалалари.

Ибн Сино ва Ибн Рушд мантиқий таълимотларининг Европа фалсафаси

ва мантигига таъсири

Фахриддин Розий (1148-1210)нинг ҳаёти ва ижодий мероси. Фахриддин Розий мантиқ илмининг предмети ва вазифалари тўғрисида. Хулоса чиқаришнинг таркибий қисмлари бўлган тушунча ва хукм, уларнинг турлари. Модал хукмлар. Хулоса асослари бўлган дастлабки билим турлари. Хулоса чиқаришнинг турлари.

Насриддин Тусий (1201-1273)нинг ҳаёти, ижодий мероси. Сўзнинг белги сифатида тушунчага ва англатадиган маъносига нисбатан муносабати. Тафаккур қонунлари ва хукмлар. Хукмларнинг модаллига кўра турлари. Силлогизм ва унинг турлари. Индукция ва аналогия. Исботлаш ва исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар.

#### **4-мавзу: XIV-XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

Тафтазоний (1322-1390)нинг мантиққа оид асарлари. Мантиқ илмининг предмети, ўрганадиган масалалар доираси. Тушунча, жинс ва тур тушунчалар. Хукм ва унинг турлари. Хулоса чиқариш, силлогизм ва индукция.

Миршариф Журжоний (1340-1407)нинг ҳаёти, мантиқий-гносеологик қарашлари, асарлари. Мантиқ, унинг предмети, қисмлари ва вазифалари. Тушунча ва категориялар. Хукм, унинг тузилиши ва турлари. Модал хукмлар ва уларнинг турлари. Хулоса чиқариш, силлогизм ва индукция. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари мантиқий қарашларининг Европа фалсафаси ва мантигига таъсири.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал

**балл-0,8 балл.**

**Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўкув қўлланмалар рўйхати**  
**Расмий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2015. 76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. / Халқ сўзи. 2006 йил 27 август
3. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари.**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз – Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т. Ўзбекистон, 2011. – 56 б.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

**Ўкув адабиётлари**

1. Файзихўжаева Д. Мантиқ илми ривожи тенденциялари. Ўкув қўлланма. (қўллўзма ҳуқуқида), 2016.
2. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. Ташкент, 1981.

**Кўшимча адабиётлар**

1. Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал- машрикийа// Избранное. Т.1. Ашгабат 2003.

2. Абу Али Ибн Сина. Даниш-намэ//Избранное произведения. Душанбе, 1980.
3. Абу Али Ибн Сина. Указания и наставления..//Избранные произведения.-Т.1. Душанбе, 1980.
4. Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал-машрикийа. //Избранное т.1. Ашгабат, 2003.
5. Абу Хомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. //Илм китоби. 1-китоб.Т., 2003.
6. Абу Хомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. Тошкент, 2005.
7. Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
8. Аль-Фараби. Диалектика// Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата, 1985.
9. Аль-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, 1975.
10. 10.Аль-Фараби.Философские трактаты. Алма-Ата, 1973.
- 11.11.Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
12. 12.Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т..1974.
- 13.13.Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ Ҳоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент, 1995.
- 14.Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе, 1965.
- 15.15.Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока.Москва, 1961.
16. Койре А. Очерки истории философской мысли. – М.: Прогресс, 1985.
17. 17.Мантиқ ҳақида сабоқлар. (ёки Исогўжий шархи). Тошкент, 2008.
18. 18.Насыров Р.Н. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. Ташкент,1988.
19. 19.Роузентал Ф. Торжество знания. Москва 1978.
- 20.20.Радхакришнан. История индийской философии. т.1,2. М.,1956
21. Усманов М. Закарий ар-Рази // Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока-Т.: 1972-С, 199-233.
- 22.Файзихўжаева Д. Абу Наср Фаробий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида. Т.: NISHON-NOSHIR, 2013.
23. 23.Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари- Тошкент,1963.
24. 24.Хайруллаев М.М. Муталибов С.А. Теория суждения Фараби и ее влияние на логические воззрения Ибн Сины // Общественные науки в Узбекистане 1979.-8-сон, 15-24.
25. 25.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971.
- 26.26.Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Т., 2010.(ўқув қўлланма)

### **Диссертациялар**

1. Наимов Н. Философские и логические взгляды Фахриддина Рази. Автореферат канд. дисс. Т., 1971.

2. Муртазаев С. Мировозренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Сафиуддина Тафтазани. Автореферат канд. дисс. Т., 1975
3. Қодиров М. Философские воззрения и логика Мир Саида Джурджани. Автореферат канд. дисс. Т., 1977.
4. Сайдахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Автореферат, ф.ф.н. дисс. Тошкент, 2009.
5. Файзиходжаева Д.И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиқка оид қарашларида исботлаш муаммолари. Автореферат. ф.ф.н., дисс. Тошкент, 1999.

### **Интернет ресурслар**

basesoflogic.narod.ru  
www.dissercat.Com  
ru.wikipedia.org

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

**“Ўрта аср Шарқ фалсафаси ва мантиқ”** фанини ўқитишида замонавий педагогик технологияларнинг фан хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда деярли барчаси тадбиқ этилиши мумкин. Хусусан, маъруза ва семинарлар “Ақлий хужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Меню”, “Б/Б/Б”, “Мунозара”, “Резюме” сингари методлар, слайдлар, мультмедиа намойшлари билан ўтказилади. Бу таълим ўз моҳиятига қўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тулаконли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлик ўқиш мақсадларидан келиб чиккан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

**Шахсга йуналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига қўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлик ўқиш мақсадларидан келиб чиккан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йуналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини акллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йуналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилганнатижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилишорқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўкув жараёнига қўллаш.

**Ўқишининг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитиши ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гурух.

**Ўқитиши воситалари:** ўқишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳдили асосида ўқитиши диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргалиқдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс оҳирида тест топшириқлари ёки ёзма иш варианtlари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1- мавзу. Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ва мантигининг назарий манбаалари**

**Таянч тушунчалар:** номлар, Цзи мулохазалар, Шо (мухокама), бян (бахс).

Қадимги даврлардан бошлаб одамлар ўз фикрларини тўғри қуриш ва асослаш усусларига қизиққанлар, фикрларининг ниҳоятда ишончли кўринишга эга бўлишига эътибор берганлар. Шу боис, табиийки, мулохазаларни тўғри қуришнинг муайян қоида, қонунларини ишлаб чиқишига эҳтиёж пайдо бўлган. Кейинчалик бу қонун, қоидалар асосида турли таълимотлар, назариялар яратилган, тадқиқот йўналишлари шаклланган. Бу ўз навбатида мантиқ илмининг вужудга келишига сабаб бўлган.

Фан тарихида ўз услуби ва фикрлаш структурасини ўрганиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи икки хил мантиқий система-ҳинд мантиғи ва қадимги юонон мантиғи маълум. Биринчи мантиқ системаси Хитой, Япония, Мўғулистан, Корея, Индонезия мамлакатларида кенг тарқалди, ривожланди. Қадимги Юнонистонда вужудга келган мантиқ фани асосида Ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ, шунингдек Марказий Осиё мантиқшунослари ўз таълимотларини яратдилар.

Қадимги Хитойда фалсафий мактаблар кўп бўлган. Бу мактаблар фалсафий, диний масалаларнинг ечими ҳусусида ўзаро рақобатда бўлишган. Бу холат Қадимги Хитой манбаларида «100 мактаб рақобати» деб кўрсатилади. Мактаблар ўртасидаги бахс-мунозаралар мантиқ илмига оид билимларнинг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Хитой мутафаккирларидан Дэн Си (эр. ав. 545-501), Конфуций (эр. ав. 551-501), Мо Цзи (эр. ав. 490-403), Сюн Цзи (эр. ав. 313-338), Хан Фей Цзи (эр. ав. 280-233) лар мантиқ масалалари билан шуғулланишган. Мантиқ масалалари билан кўпроқ номлар (мин-цзи), қонунчилар (фац-зя) ва конфуцийчилар (энүц-зя) мактаби вакиллари шуғулланганлар ва тўлиқ мантиқий таълимот яратганлар. Мантиққа оид билимлар турли трактатлarda ёйилган холда баён қилинган эди. Кейинчалик бу билимлар маоистлар томонидан жамланиб Мо Цзи таълимоти асосида «Мо бян» (Мо Цзи мулохазалари) номли энциклопедик трактат тузилган.

Қадимги Хитойда асосан қўйидаги мантиқий масалалар ўрганилган:

1. Номлар назарияси.
2. Цзи мулохазалар назарияси.
3. Шо (мухокама) ва бян (бахс) назарияси.
4. Тафаккур қонунлари.

Қадимги Хитой мантиғида хулоса чиқариш масалалари нисбатан кам ўрганилган. Номлар ва мулохазалар билан боғлиқ бўлган масалалар чуқур

үрганилган. Ном ва мулохазалар кўпроқ грамматик жиҳатдан тахлил қилинган, улар ўртасидаги тафовутга эътибор берилмаган. Хитой мантиғида тафаккур шакллариға нисбатан мазмунига кўпроқ эътибор берилган. Чунки, Қадимги Хитойда мантиқ турли сиёсий ва ахлоқий таълимотлар таъсирида бўлган. Қадимги Хитойда мантиқ Қадимги Гречиядан аввалроқ шаклланишига қарамай, илк Цин давридаёт ривожланишдан тўхтаган. Кейинчалик бу ерда буддизм мантиғи ўрганилган.

Инсон онги, тафаккури Хитой фалсафасида эр.аввалги IV асрнинг охирлариға келиб маҳсус тадқиқ этила бошланди. Бу вақтга қадар тафаккур ҳақида баъзи фикрлар билдирилган, холос. Билим ва унинг манбаи ҳақидаги масала асосан қадимги китобларни ўрганиш, аждодлар тажрибасини ўзлаштириш билан боғлиқ холда кўриб чиқилган. Қадимги Хитой мутафаккирлари билишнинг мантиқий категориал асослари билан қизиқмаганлар. Биринчи бўлиб, “Мо-цзи” китобида мантиқ масалалари баён қилинган. Хитой фалсафасида соғ холда билиш (гносеология) ва мантиқ масалалари ўрганилмаган. Билиш ва мантиққа оид фикрлар ижтимоий-ахлоқий масалалар билан боғлиқ холда баён қилинган.

Бу холат Қадимги Хитойнинг йирик мутафаккири Конфуций асрларида яққол кўзга ташланади. У қадимги йилнома ва битикларни билишнинг асоси деб, эътироф этган. Конфуций “туғма ғоялар мавжуд” деган тезисни илгари суради ва уни “олий билим” деб, инсоннинг бевосита тажрибаси натижасида вужудга келган билимларни эса энг қуий даражадаги билим деб ҳисоблади. Мутафаккир мавжуд билим ва тажрибани ўрнатилган анъаналар, авторитетларга мослаштириш йўли билан қабул қилиш усулини тарғиб этган. Унинг “Қадимгиларга тақлид қиласман, тўқимайман, қадимгиларга ишонаман ва яхши кўраман”, шунингдек, ходисаларни мавжуд таъриф ва тушунчаларга мослаштириш (номларни тўғрилаш) ҳақидаги фикрлари тафаккурнинг одатий тамойиллари бўлиб қолди. Конфуцийлик давлат идеологияси сифатида икки минг йил давом этган бўлса, ушбу тамойиллар ҳам шу вақт давомида сақланиб қолди. Конфуцийча тафаккурлаш инсоннинг замон муаммоларига бўлган муносабатини, тажрибаларининг натижасини ўтмиш аждодларнинг, доно хукмдорларнинг авторитетлариға мос таърифлар орқали ифода қилинишини талаб қилган. Хитой мутафаккирлари асрлар давомида ўз қарашларини қадимги китоб ва манбаларни шархлаш орқали баён қилишган. Шундай қилиб, конфуцийча фикрлаш тарзи фан ривожига жиддий тўсқинлик қилган.

Мо-цзи таълимоти ва унинг илк ва кейинги мактаблари конфуцийликка зид бўлган. Моистларнинг қарашлари эр.аввалги III-Чарлар хитой тафаккури ютуқларини умумлаштириш билан бирга, XIXаср охирига қадар хитой фалсафасининг гносеология ва мантиқ соҳасидаги энг юқори чўққисини ташкил этган. Мо-цзи ва моистлар биринчи бўлиб билишнинг манбаи, мақсади ва амалий аҳамияти, ҳақиқатнинг мезони, инсоннинг ўзини ва дунёни билиш йўллари ҳақидаги саволларни қўйиб, унга жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Мо-цзи таълимоти кўп жиҳатлари билан Конфуцийнинг туғма ғояларига, унинг традиционализмига қарши қаратилган эди. Мо-цзи ўз

даврининг хурофотларидан қутила олмаган бўлса ҳам, билишнинг табиати ва манбаларини аниқлашга ҳаракат қилиши ва билишда ходисаларнинг сабабий боғланишларини аниқлашнинг аҳамияти ҳақидаги ғоялари унинг буюк хизмати бўлган. Мо-цзининг таъкидлашича, қуидагилар инсон билишининг предметини ташкил этади:

- Ўтмиш аждодларнинг тарихий тажрибаси, доно ”ван”(хукмдор)нинг ишлари;
- Оддий одамларнинг таассуротлари ва кузатишлари, кўпчилик одамлар кўрган ёки эшитган нарсалар;
- Мамлакатни бошқариш принциплари;
- Одамлар ўртасидаги муносабатлар;
- Муҳокама юритиш қобилияти.

Бундан кўринадики, инсоннинг атрофидаги барча нарсалар билиш предмети ҳисобланади. Мо-цзи Конфуций каби қадимги “Ши цзин”, “Шу цзин”, “Чжоу ли” ва бошқа китобларнинг авторитетини эътироф этган, лекин билишни фақат шу китобларни ўрганиш билан чеклаб кўймаган.

Ўша даврда одамларнинг воқеликни билиш имкониятлари чекланган бўлиб, уни кенгайтириш ва билимларнинг чинлигини аниқлаш учун хизмат қилувчи воситалар бўлмаган. Шунинг учун ҳам Мо-цзи шахсий кузатиш, хиссий тажрибага асосланган фикрларни борлиқнинг реаллигини тасдиқловчи ягона мезон деб билган. У замондошларининг табиий-илмий кузатишларига (эмпирик тажрибага) катта эътибор берган.

Унинг таъкидлашича, ”Бирор нарсанинг бор ёки йўқлиги ҳақидаги билимни текширишнинг қоидаси – кўпчилик одамларнинг эшитган ёки кўрганларини асос қилиб олишдир”. Мо-цзи инсонларнинг ҳаётини яхшилаш билим ниҳоятда зарур дейди. У ўз фикрларини асослаш учун хунармандларнинг тажрибасидан мисоллар келтиради, оламни ўрганиш асосида хосил қилинган билимларнинг амалий қимматига катта эътибор берган. Мо-цзининг таъкидлашича, инсон ўзининг шахсий кузатишларини тадқиқ қилиш йўли билан бошқа одамларнинг фикри, тажрибаси, доно ванларнинг ишлари ва китобларини таққослаш орқали билимга эга бўлади. Шунга фикрга асосланиб, “туғма билимлар”нинг мумкинлигини рад этади. Билиш қобилияти ҳаммада бир хил эмас, дейди у. Энг қўп тажриба ва билимга эга одамларни, у, “мукаммал доно” деб ҳисблайди.

Мо-цзи биринчи бўлиб, хитой фалсафасида билишни ходисалар сабабини очиш жараёни сифатида кўриб чиқишига, буюмларнинг жинсига кўра бўлинишини кўрсатишга ҳаракат қилди. Моистларнинг фикрича буюмларнинг жинсини (лэй) ва унинг сабабини (гу) аниқлаш, билимларни, фактларни тўплаш, таққослаш ва уларни умумлаштиришнинг узок давом этиши натижасидир. Бу жараён ўз ифодасини тушунчаларда (ча) тўпланган фактларни тадқиқ қилиш ва фикрлаш (бянь), турли фикрларни таққослаш орқали хулосаларни асослашда ўз ифодасини топади. Кўриб ўтганимиздек, Мо-цзи фақат “бу нима” деган саволга эмас, “нима учун бу шундай, бошқача эмас” деган саволга ҳам жавоб излаган.

Мо-цзи жинсни билиш деганда, буюмларнинг ўхшашлик ва тафовутини, тушунчаларнинг зидлик ва нозидлигини аниқлашни тушунади. У билимларнинг чинлигини текширишнинг учта қоидасини ишлаб чиқади.”Ҳар қандай мулоҳаза,-деб ёзади у, - учта қоидага мос келиши шарт. Уч қоида нима? Буларнинг моҳияти: асос бўлиши керак, манба бўлиши керак, қўллаш мумкин бўлиши керак. Асос нима? Қадимги ўта доно ванларнинг ишлари энг олий асос бўлади. Манба нима? Оддий одамлар кўрган ёки эшитган фактлар билишнинг бирламчи манбаидир. Қўлланиш нима? Мулоҳазалар оддий одамларнинг манфаатидан келиб чиқсан холда мамлакатни бошқаришда қўлланиши зарур.”

Мо-цзи ғояларини сўнгги моистлар янада ривожлантирилар. Уларнинг билишга оид таълимотида мантиққа оид ғоялар кўплаб учрайди. Эр.ав.IV асрдан ўрталаридан бошлаб Хитой фалсафасида билишнинг табиати, тушунча ва воқеликнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги масалалар баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Бирон-бир мактаб бу баҳсдан четда қолмади. Баҳс “билимлар воқеликнинг “ном” (сўздар) шаклидаги инъикосими ёки бизнинг билимларимиз унинг объектив мазмунига боғлиқ бўлмаган тафаккурнинг мустақил маҳсулими” деган муаммо юзасидан олиб борилди. Сўнгги моистлар билимлар воқеликнинг “ном” (сўздар) шаклидаги инъикоси, билишнинг предмети ва ҳақиқатнинг манбай ташки оламдир деган фикрни ҳимоя қилдилар. Улар тушунчаларни умумий, жузъий ва жинс тушунчаларга ажратдилар. Буюм, борлиқ, ноборлиқ, билим, ақл, сабаб, зарурият, макон ва замон, умумий ва жузъий, бутун, услугуб, айнанлик ва тафовут, муносабат, таъсир каби қатор фалсафий тушунчаларни таърифладилар. Улар мулоҳазалар (ҳукм)ни баён қилганда, унинг бошқа мулоҳазалар билан ўхшаш жинс белгиларини аниқлаш зарур, акс холда фикр хато бўлади, деб таъкидлайдилар. Сўнгги моистлар 1) мулоҳазанинг сабаби, яъни асоси, предмети бўлиши; 2) мулоҳаза далилланган бўлиши; 3) улардан хуроса чиқариш учун бир-бирларига жинсга кўра ўхшаш бўлишлари керак, деб таъкидлайдилар. Улар муҳокама юритишнинг етти усулини кўрсатадилар: эҳтимоллик, фараз, асл нусҳага тақлид, таққослаш, аналогия, мисол, кенгайтириш. Ҳар бир усулни таърифлаб, амал қилиш доирасини ва қоидаларини ишлаб чиқдилар. Билиш жараёнига тўсқинлик қилувчи ва хатоларни келтириб чиқарувчи холатларни аниқладилар. Хуроса қилиб айтиш мумкинки, Қадимги Хитойда мантиқ масалалари эписемеология билан биргалиқда ўрганилган, кейинчалик буддизм мантиғи тарқалган.

Ҳинд фалсафасида мантиқий билимларнинг ривожланиши милоддан олдинги VI-V асрларга тўғри келади. Эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб тафаккур тузилиши ҳақида турли фикрлар ҳосил бўлди. Эрамизнинг бошларига келиб, II-IV асрларда чорвак, вайшешика, нъяя, локаята каби фалсафий мактабларнинг вужудга келиши билан мантиқ илми мустақил фан сифатида шаклланди. Бу жиҳатдан ҳинд файласуфлари Дигнага (VI), Ҳармакитри (VII), Ҳармоттари (IX) ва Ратнакирти (X) ларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дигнага “Билиш манбалари ҳақида” асарида мантиқий формалар, хусусан хulosса чиқаришни кенг талқин этади. Унинг шогирди Ҳармакирти эса мантиққа оид еттига китоб ёзиб қолдирди. Бу асарларда бошланғич мантиқий билимлар, мантиқий хатолар ва айниқса асосий фикрлаш шакли-хulosса чиқариш ҳамда исботлаш ҳар томонлама тахлил этилган.

Ҳармакиртидан сўнг ҳам бир неча аср давомида ҳинд мантиғи ривожланди ва қўшни мамлакатларда фалсафий билимларнинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ҳинд мантиғининг муҳим хислати фикрлаш шаклларини бевосита конкрет мазмун билан боғланган ҳолда тахлил этиш бўлди. Ҳинд мантиғи учун хусусан беш қисмдан ташкил топган силлогиз ҳақидаги, умумий асосни конкрет мисол билан боғлаб бериш тўғрисидаги таълимот хосдир. Бундан ташқари, ҳинд мантиғида ҳукм фикрнинг мустақил шакли сифатида берилмасдан, хulosса чиқаришнинг элементи сифатида баён этилган. Ундан ташқари, идрок фикрлашнинг бошланғич шакли сифатида фойдаланилган. Бу жиҳатдан Ҳинд мантиқий системаси математик аксиомалар билан боғлиқ бўлган қадимги юонон мантиқ илмидан фарқ қилган.

Ҳинд мантиғининг ўзига хос ривожланишига ижтимоий ҳаётда доимий ҳодиса бўлиб қолган фалсафий баҳс, мунозаралар катта таъсир кўрсатди. Шарқшунос олим В.Васильевнинг қайд этишича, баҳс мунозара ўтказиш Ҳиндистанда кенг расм бўлган, баҳс майдонлари қурилган, ҳакамлар сайланган. Баҳс халқ ўртасида, давлат арбоблари шохларнинг кузатувида ўтказилган<sup>1</sup>. Ғолиб чиққан баҳс иштирокчиси мукофотланган, мағлуб бўлгани эса ғолибнинг қулига айланган ё унинг эътиқодини қабул қилган.

Айтиш мумкинки, қадимги Ҳиндистанда мантиқ илми дастлаб нотиқлик санъати билан боғлиқ ҳолда шаклланган. А.О.Маковельский “Мантиқ тарихи” асарида Ҳинд мантиғи, жумладан нотиқлик санъатининг ўзига хос хусусиятларини батафсил баён қилган<sup>2</sup>. Унда айтилишича, Ҳиндулар нутқни олти турга бўлганлар: 1. Ички нутқ; 2. Чиройли нутқ (бадиий сўз) 3. Баҳсларда қўлланиладиган нутқ; 4.Хато, ёлғон таълимотларни баён этувчи “ёмон” нутқ; 5.Тингловчиларга ҳақиқий билим берувчи тўғри нутқ; 6.Соф ҳақиқатни баён қилувчи нутқ. Биринчи иккинчи турдаги нутқ яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Учинчи ва тўртинчи нутқ турлари ҳамма вақт “ёмон” бўлиб, улардан фойдаланмаслик зарур. Охирги икки нутқ ҳамма вақт “яхши” бўлиб, улардан фойдаланиш мумкин.

Нутқнинг бундай бўлиниши формал мантиқдаги тушунчаларни бўлиш қоидаларига мос келмайди. Лекин нутқнинг бу каби бўлиниши Ҳинд нотиқлик санъатининг ўзига хос томонларини ифодалайди.

Ҳиндуларнинг таъкидлашича, нутқнинг қаерда ва кимга айтилишини билиш ҳам унинг таъсирчанлигига таъсир қиласди. Нутқ: 1.Шохлар ҳузурида; 2.Давлат арбоблари ҳузурида; 3.Халқ ўртасида; 4.Олимлар орасида; 5.Брахманлар ҳузурида; 6.Соф ҳақиқий таълимотни ештиши хохловчилар ҳузурида сўзланади. Ҳинд нотиқлик санъатида нутқни “безаш” билан боғлиқ

<sup>1</sup>.Васильев В. Буддизм, его доктрины, история и литература . Часть 1.СПб., 1857-1869. С.67-68

<sup>2</sup> Маковельский А.О. История логики .М.: Наука. 1967, С.20-24

масалаларга катта эътибор берилган. Уларнинг таъкидлашича нутқقا хос бўлган қуидаги хусусиятлар унинг чиройли, ёқимли бўлишини таъминлайди: 1.Нотиқнинг танқид қилаётган таълимотини ва ўз таълимотини мукаммал билиши; 2. Нутқ шаклининг мукаммаллигига эришиши;

Нутқ қўйол, саводсизларча тузилган иборалардан ҳоли бўлса, енгил, табиий, оддий, аниқ, равshan, изчил ва қизиқарли мазмунга эга бўлса мукаммал ҳисобланади.

Нотиқнинг юкори нуфузга, обрў- эътиборга эгалиги, яъни авторитети ҳам тингловчиларнинг хайриҳоҳлигига, нутқни диққат билан тинглашига таъсир кўрсатади. Нотик нутқининг таъсиранчиликни оширишда унинг товуши, сўз оҳанги, ташқи кўриниши, зеҳнининг ўткирлиги, хотирасининг кучлилиги ҳам аҳамиятга эга. Нотиқнинг етарли сўз бойлигига эга бўлиши, уялмасдан, дудукланмасдан баҳслашиши, чарчоини сездирмаслиги, кучли, ишончли аргументларни танлай билиш қобилияти ҳам нутқни безовчи ҳолатларга киради. Нотиқлардан баҳс давомида қизишмаслик, рақибини ҳақорат қилмаслик, қўполлик қилмаслик талаб қилинади. Ҳинд нотиқлик санъатида нутқнинг камчиликлари билан боғлиқ масалалар ҳам батафсил ишлаб чиқилган. Улар қуидагиларни ўз ичига олади:

- 1.Рақибининг тезисини тўғри деб тан олиш ва ўз хатосига иқрор бўлиш;
- 2.Рақиби томонидан нутқи рад этилганда, баҳсни давом эттиришдан воз кечиши, сукут сақлаш;
- 3.Пала-партиш, тартибсиз, ғазаб билан сўзлаш;
- 4.Мавҳум, тушунарсиз сўзлаш;
- 5.Ўта қисқа ёки жуда узоқ сўзлаш;
- 6.Маъносиз сўзлаш, яъни нотўғри ёки исботланмаган таълимотларга асосланиш;
- 7.Аргументларни тартибга келтирмасдан сўзлаш;
- 8.Ўз фикрига ўзи қарши сўзлаш ёки аввал айтган сўзларидан воз кечиши.

Ҳинд нотиқлик санъатида баҳс, мунозаранинг натижаси, унда қўзда тутилган мақсадга ҳам алоҳида эътибор берилади. Унда баҳсда қуидаги уч мақсад ажратиб кўрастилади:

- 1.Аввалдан, баҳс- мунозара бирор фойда келтириши мумкинми ёки йўқми деган саволга жавоб изланади. Агар баҳс ҳеч бир яхши натижа келтирмаса, унда баҳслашувдан воз кечилади;
- 2.Баҳс иштирокчиси халол ва холис эканлигига ишонч хосил қилиш керак. Агар у халол ва холис бўлмаса, баҳсдан ҳеч бир яхши натижа чиқмайди;
3. Баҳслашувчиларнинг баҳслашиши учун зарур бўлган билим ва қобилиятга эга эканликлари аниқланади. Агар баҳслашувчилардан бирортаси бу хусусиятларга эга бўлмаса, унда ҳам баҳс фойдасиз ҳисобланади.

Айниш мумкинки, Қадимги Хинди斯顿да баҳслашувдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам рақибини мағлуб қилиш эмас, балки ҳақиқатни аниқлаш бўлган.

Ҳақиқатни аниқлашда нутқнинг мантиқий мазмуни муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳинд мантиқшунослари баҳс жараёни икки таркибий қисмдан

иборат деб кўрсатадилар: тезис-яъни исботланиши талаб қилинган фикр ва исботлаш жараёни. Исботланиши керак бўлган фикр ё буюмнинг моҳиятига мавжудлигига ёки буюмнинг сифатига, атрибутига оид бўлади. Биринчи холати буюмнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги исботланса, иккинчи холатда бирор сифатнинг буюмга тегишли ёки тегишли эмаслиги исботланади.

Ҳинд мантиғида исботлаш жараёни саккиз қисмдан иборат<sup>3</sup>. Булар: мулоҳаза-тезис, асос, мисол, бир хиллик (ўхшашлик), ҳар хиллик (тафовут), бевосита ҳиссий қабуллаш, хулоса ва авторитет. Мулоҳаза-тезис баҳс иштирокчилари ўз ихтиёрига кўра танлаб олган, аниқ, тушунарли бўлган ва исботланиши талаб қилинган масаладир.

Асос-тезисни тушунтирувчи ҳолатларни ифодаловчи фикрдир. Унда ўхшашлик, тафовут, бевосита ҳиссий қабуллашга асосланиб тезисдаги ноаниқликлар ойдинлаштирилади. Мисолда қўпчилик томонидан қабул қилинган фикрлашни келтириш орқали назарда тутилган ва назарда тутилмаган ҳолатлар ифодаланади.

Бир хиллик, яъни ўхшашлик моҳиятига кўра, атрибутиларга кўра, сабабига кўра ёки оқибатига кўра бўлиши мумкин. Ҳар хиллик тафовут эса аввалгиларининг тескарисидир. Ўхшашлик ва тафовут орқали фикрни исботлаш учун қўшимча факлар анализ қилинда.

Бевосита ҳиссий қабуллашда буюм тўғри, қандай бўлса шундайлигича қабул қилинади. Хулоса чиқаришда юқоридаги босқичлар гўёки якунланади. Ҳинд мантиғида хулоса чиқаришнинг беш тури кўрсатилади:

1.Буюмнинг мавжудлиги ҳақида унинг мантиқий белгисига асосланиб хулоса қилинади. Масалан, тутуннинг мавжудлигидан оловнинг мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарилади; 2.Ҳиссий қабул қилинмайдиган нарсанинг мавжудлигини ҳиссий қабул қилинувчи нарсанинг мавжудлигидан келтириб чиқарилади, худди ҳозирга асосланиб ўтмишнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритилгандек; 3.Ҳаракатдан, таъсирдан унинг асоси ҳақида хулоса чиқарилади. Масалан: буюм ҳаракатсиз бўлса, жонсиз нарса, ҳаракат қилаётган бўлса, жонли нарса деб хулоса чиқарилади; 4.Тушунчаларнинг ўзаро қарама-қарши боғлиқлигидан хулоса чиқарилади. Масалан, яхшиликдан ёмонлик ҳақида, туғилишдан ўлим ҳақида ва ҳ.к.;

5. Сабаб ва оқибат боғланишларини ифодаловчи тушунчаларга асосланиб хулоса чиқариш. Айтиш мумкинки, ҳинд мантиғида ҳам хулоса чиқариш исботлаш шакли сифатида талқин қилинади. Хулоса чиқаришнинг юқоридаги усулларини таҳлил қилиб, ҳинд мантиғида ҳукмлар ўртасидаги муносабатга асосланиб хулоса чиқарилган десак бўлади. Шунингдек, 3- ва 4- хулоса чиқариш усуллари мулоҳазалар мантиғига хос бўлган хулоса чиқаришга, яъни мураккаб ҳукмларга асосланган хулоса чиқаришга мос келади. Ҳинд мантиғида авторитетларга мурожаат қилиш исботлашнинг якунловчи босқичи ҳисобланади. Баҳслашувчи томонлар ўз фикрининг тўғрилиги ҳақида олимларнинг фикрини, муқаддас китобларда ёзилган фикрлари орқали аудиториянинг хайриҳохлигига эришишга интиладилар.

<sup>3</sup> Маковельский А.О. История логики. С.22.

Хинд нотиқлик санъатининг ўзига хос томонларининг тахлилини якунлаб, қуидагиларни қайд этиш мумкин:

\* нотиқлик санъатига оид фикрларни кўпи бевосита мантиқ илмига боғлиқ бўлмаган.

\* бу масалага оид қарашлар кўпроқ эмпирик кузатишларнинг натижаси бўлиб, бир тартибга солинмаган ва назарий умумлаштирилмаган.

*a) Жайн мактабининг мантиқий таълимоти*

Хинд мантиқ фани диалектик таълимот сифатида ривожланган бўлиб, файласуфлар, нотиқлар, софистлар ва бахс юритувчиларнинг талабларини таъминлашга қаратилган. Шуни таъкидлаш лозимки, оммавий бахслар Қадимги Хинд ижтимоий ҳаётининг ажralmas хусусияти эди. Бахс қандай мавзуда ўтказилишига қараб мунозара воситаларига муайян талаблар қўйилган. Агар мунозарада қандай қилиб бўлса ҳам ютиб чиқиши мақсад қилиб қўйилган бўлса, унда ёлғон мухокамалардан фойдаланиш ва тушунчаларни турли маъноларда қўллашга рухсат берилган. Агар бахсдан мақсад ҳақиқатни аниқлаш бўлса, унда фақат қатъий ва аввалдан келишилган аргументлаш усулларини қўллаш талаб қилинган. Мантиқ асосан хатоларни таснифлаш, софистик шаклларни аниқлаш каби масалалар билан шуғулланган. Лекин секин-аста ҳинд мантиқ фанида тўғри тафаккурлашнинг қонунлари ва шакллари ҳақидаги билим, «воқеликни билиш ҳақидаги асосий билимлар» ажralа борди. Хусусан мантиқий муаммоларнинг шаклланиш жараёнида жайнизм фалсафа мактаби ва айниқса буддизм алоҳида ўрин эгаллади.

Жайнизм мактаби билиш назарияси билан шуғулланган. Жайнийлар билишнинг беш турини тан оладилар:

1. Мати – сезги органлари воситасида оддий билиш. (хиссий қабуллаш). а) хотира, б) таниш, в) кузатишга асосланган индукция, г) дедукциядан иборат. Матиджани-сезги ва ақл ёрдамида иборат.

2. Шрути – гувоҳлик – белгилар, символлар, сўзлар ёрдамида олинадиган билим. Билишнинг бу икки тури воситали билим-паракшадир.

3. Авархи – вақт ва фазода узоқда жойлашган буюмлари бевосита билиш. Бу башорат қилиш воситасида хосил қилинадиган билим.

4. Манаҳ-паръя – бошқаларнинг фикрини бевосита билиш, яъни телепатиядаги каби.

5. Кевала – замонавий билим-субстанция ва унинг кўринишларини қамраб олувчи билим. Бу ҳам вақт, ҳам фазо, ҳам объект томонидан чекланмаган билимдир, яъни ҳамма нарсани билишдир. Бундай билиш сезгилардан холи бўлган билиш бўлиб, уни фақат қалбан хис қилиш мумкин, лекин ифодалаш мумкин эмас. Бундай билим пок руҳли кишилар учун хосдир.

Билишнинг юқорида кўриб ўтилган қолган З тури бевосита билим, яъни Пратъякша, деб аталади. Мати, Шрути ва Авархи усуллри орқали олинган билимларда хатолик бўлиши мумкин.

Билишнинг ишончлилиги унинг амалий аҳамияти билан, яъни яхшиликка эришиш ва ёмонликдан қочишга имкон бериши билан белгиланади.

Биз атайлаб билишнинг барча 5 турини кўрсатиб ўтдик ва шу орқали жайнизм системасида мантиқ ва ақлий билиш қандай ўрин тутишини аниқладик. Бундан кўринадики ақлий билиш Мати ва Шрути қисмларида мавжуд бўлиб улар билишни қўйи шакли, яъни пракша-бевосита билим хисобланади.

Жайнизмнинг билиш назариясига кўра билимлар воситали (паракашка) ва бевосита (пратьякша) бўлади. Билимнинг Мати ва Шрути турлари воситали билим берса, Авархи, Манаҳ-паръял ва Кевали турлари эса бевосита билим беради.

### БИЛИМ

Паракша  
(воситал)

Пратьякша  
(воситасиз)

Мати, Шрути

Авархи, Манаҳ-  
паръял Кевала

Билимнинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги унинг қай даражада яхшиликка эришиш ва ёмонликдан қутулиш имконини беришига, яъни унинг амалий аҳамиятига боғлиқдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, билишнинг 5 туридан Мати ва Шрути қисмларидан ақлий билишни ўз ичига олади. Бундан маълум бўладики, жайнизм мактабининг вакиллари ақлий билишни-билишнинг қўйи босқичи (паракша-воситали билиш) деб ҳисоблаганлар.

Шунга қарамасдан ақлий билишнинг ҳар бир инсон учун ўз хатти-ҳаракатларини англашда, бошқаларнинг ҳаракатларига баҳо беришда, амалий мақсад ва вазифаларини аниқлашда нихоятда зарурлиги эътироф этилади. Ақлий билиш коинот, воеалик тўғрисида мукаммал билим бера олмайди. Лекин у пратьякша (бевосита) билимга томон бир поғона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жайнизмнинг асосчилари ва назариётчиларидан бири бўлган Махавирнинг 14 китобидан 8 таси «мати-жана» ва «шрути» нинг асосий шакллари ишлаб чиқилган. Унинг шогирдларидан биронтаси ҳам бу масалани ишлаб ўтмаган.

Мантиққа оид асарларда таққосланадиган ва таққосланмайдиган буюмларнинг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилади. Бунга кўра тушунчалар номлар авлодлар томонидан (яъни мукаддас китобларни тузувчилар) таққослаш, анализ қилиш воситасида шаклланган бўлиб, бизларга тайёр ўзгармаган ҳолда етиб келган.

Шунингдек бу асарларда билишнинг икки шакли мавжуд эканлиги ҳақида фикр билдирилади:

1. Прамана – буюмларни қандай бўлса, шундайлигича билиш

## 2. Ная – буюмларни уларнинг муносабатида билиш

Ная таълимоти жайнизм мантиғининг ўзига хос томонидир. Ная ўзига хос нуқтаи назар бўлиб, у асосида биз буюм ҳақида ўз фикримизни билдирамиз. Биз ўз нуқтаи назаримизни абстракциялар воситасида аниқлаймиз ва фарклаймиз. Бундай абстракция натижасида билишнинг нисбийлиги тан олинади. Бирор нуқтаи назарда туриш бошқаларни инкор қилиш ҳисобланмайди. Бирор мақсадда баён қилинган қуёш ер атрофида айланади деган бефойда фикр ҳисобланмайди, чунки воқеалик турли томондан аниқланади. Бу ўринда билимнинг нисбийлик принципи бўрттириб юборилган. Бирор нуқтаи назардан ҳақиқат ҳисобланган фикр, бошқа томондан хато бўлиши мумки эмас. Айрим томонлар ҳамма вақт ҳам бутун реаликка мос келавермайди. Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра ҳақиқат доимо нисбийdir. Воқеаликнинг умумий ҳарактери турли туман алоҳида қарашларда ифодаланади.

Ҳамма нарса шу жумладан мулоҳазалар ҳам аниқ бўлмайди, яъни эҳтимол бўлади. Биз ҳар қандай объектга нисбатан мутлоқ тасдиқ ёки мутлоқ инкор фикр билдира олмаймиз. Буюм ва ҳодисаларнинг чексиз мураккабликлари ҳақида бирор аниқ фикрнинг ўзи йўқ. Бу таълимот воқеаликнинг ниҳоятда мураккаб табиатини ва унинг ноаниқлигини таъкидлайди. У предикациялаш имкониятини инкор этмайди, аммо абсолют ёки қатъий предикацияни рад этади. Жайнизм билиш назариясига тараққиёт гоясини киритади. Унинг таълим беришига биз билаётган объектив олам доимий ўзгаришда бўлгани учун ўзгармас ҳақиқатларнинг бўлиши мумкин эмас (пратъякша-мутлоқ бевосита билишни истисно қилганда).

Оддий шароитда буюмни билиб бўлмайди, чунки ҳар бир буюм вақт ўтиши билан ўзгаради ва шунинг учун ҳам у ҳақидаги аввалги билимлар қониқарсиз бўлиб қолади.

Бундан келиб чиқкан ҳолда жайнизм ўз мулоҳазалар назариясини илгари суради. Бунга кўра ҳар бир мулоҳаза предметнинг фақат бир томонини, унинг ривожланиб кетишини акс эттиради, ваҳоланки ҳар бир предмет чексиз кўп томонларга эга бўлади. Мулоҳаза шу предметига нисбатан тўғри бўлади, чунки у маълум шароитларда мавжуд бўлгани учун, лекин бошқа шароитларда унга нисбатан тўғри бўлмайди. Шундан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир мулоҳаза, мантиқий аниқлик бўлиши учун «съят» («баъзи ҳолларда») сўзи билан чекланган бўлиши шарт.

### **б) Буддизм мантиғи. Дигнага ва Ҷармакирти**

**Ҷармакирти** (эр.VII)-буддизмда мантиқий масалалар билан шуғулланган йирик назариётчилардан биридир. У Хиндистоннинг жанубида брахман оиласида туғилган, ўзи ҳам брахманликни қабул қилган. Ҷармакирти мантиқ илмини Дигнаганинг шогирди Ишварадан ўрганган, мантиққа оид асаллар ёзган. Унинг мантиқий таълимотининг асосини нозидлик принципи ташкил этади. Ҷармакирти тафаккурлаш жараёнида ҳам, фикрни баён қилганда ҳам зиддиятга йўл қўймаслик зарурлигини

таъкидлайди, чунки бир вақтнинг ўзида ҳам бор бўлган, ҳам йўқ бўлган предметнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, Ҷармакирти нозидлик принципининг гносеологик ва онтологик мазмунига эътибор берган.

Ҷармакирти Дигнаганинг «Билиш манбалари тўғрисида» асарига шарх ёзган. Шунингдек «Билимнинг ишончлилиги тўғрисида», «Мантиқ томчиси», «Мантиқий асос ҳақида қисқача дарслик», «Мантиқий боғловчилар ҳақидаги тадқиқотлар», «Илмий баҳслар тўғрисида кўрсатмалар», «Тасаввурлар синтезидаги тафовутларни тушунтириш» каби асарлар ҳам Ҷармакирти томонидн ёзилган.

Ҷармакиртининг мантиқий таълимотида асосан қуидаги масалалар баён қилинган: 1)хиссий қабуллаш; 2)«ўзи учун» хulosса чиқариш; 3)«бошқалар учун» хulosса чиқариш; 4)мантиқий хатолар.

Ҷармакиртининг таъкидлашича, фақат хиссий қабуллаш ва хulosса чиқариш тўғри, ишончли билим беради. Билимнинг бошқа усуллари обьектни тўғри, аниқ билишга имкон бермайди. Мантиқ илмининг вазифаси тўғри билиш йўлларини, усулларини тадқиқ этишdir.

Ҷармакиртининг фикрича, бирон бир буюм ёки ходиса яққол, аниқ бўлгандагина, уни тўғри ҳиссий қабуллаш мумкин бўлади. Маълумки, буддизм фалсафасида обьектив оламни билиш мумкинлиги инкор қилинади ва инсоннинг билиш доираси унинг ички дунёси билан чегараланади. Хиссий қабуллашнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги будда мантиғида субъектив мезон билан ўлчанади. Буддизм мантигининг вакили сифатида Ҷармакирти: «Тўғри хиссий қабуллашнинг обьекти-яккалиkdir, яъни бир лаҳзалик хиссиёт-сезгидир», деб таъкидлайди. Бир лаҳзалик хиссиёт, сезгиларни бир бутун холда (қабул қилинувчи предмет сифатида) бирлаштириш ақлнинг вазифаси бўлиб, умумий тушунчалар тафаккурнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади.

Ишончли билим берувчи усуллардан яна бири-хulosса чиқаришdir. Хulosса чиқаришда умумий тушунчаларга асосланилади. Ҷармакирти хulosса чиқаришнинг икки шаклини: «ўзи учун» ва «бошқалар учун» ажратиб кўрсатади. «Ўзи учун» хulosса чиқарганда инсон ниманидир билади, лекин бу ҳақда бошқаларга хабар бермайди. Айтиш мумкинки, ҳар қандай хукм моҳиятига кўра «ўзи учун» хulosса ҳисобланади. Бу фикрни Ҷармакирти шундай изоҳлади: «Биз бирон бир кўк рангли буюмни хиссий қабуллаб, «бу буюм кўк рангда» деб мулохаза қиласиз. Аслида эса бу мулохаза хulosса ҳисобланади. Бунда биз «бу кўк рангли предмет, чунки шу рангдаги предметлар кўк рангни ифодаловчи умумий тушунчага мос келади» деган фикрга асосланамиз.

Ҷармакиртининг таълимотига кўра «бошқалар учун» хulosса чиқариш икки турга бўлинади: ўхшашлик ва тафовут силлогизми. Агар тутуннинг мавжудлигига асосланиб оловнинг борлиги ҳақида хulosса чиқарсан, ўхшашлик силлогизми кўринишида фикр юритган бўламиз. «Олов бўлмаган жойда тутун ҳам бўлмайди» десак тафовут силлогизми кўринишида фикр юритган бўламиз. Хulosса чиқаришнинг бу турлари айният қонунига ва

сабаб-оқибат муносабатларининг умумийлигига асосланади.

Дҳармакирти яна айният силлогизми (бу пальмадир, демак у ҳам дараҳтдир), оқибат силлогизми (мевали дараҳт бор бўлса, демак унинг меваси ҳам бор бўлади) ва инкор силлогизми (агар мен пальмани кўрмасам, унда у менинг кўз олдимда мавжуд эмас, чунки мен хис қилмаган нарсалар, менинг олдимда мавжуд бўлмайди) ҳақида фикр юритади. Унинг силлогизмлари икки аъзоли бўлиб, хулоса алоҳида қайд этилмайди.

Айтиш мумкинки, Дҳармакиртининг бу силлогизмлари шартли хукм кўринишида ифодаланади.

Дҳармакиртининг тъкидлашича, фикр юритишдги мантиқий хатолар мантиқий асоснинг хатолигидан келиб чиқади. Мантиқий асосга қўйидаги уч хусусият хосдир:

1. Мантиқий асос ва натижа зарурӣ алоқадорликда бўлиши шарт.
2. Мантиқий асос фақат бир турдаги объектларда мавжуд бўлиши зарур.
3. Мантиқий асос бир турда бўлмаган объектларда мавжуд бўлмаслиги керак.

Мантиқий асосга хос бўлган хусусиятлардан бирортасининг ўзгариши турли мантиқий хатоларни келтириб чиқаради:

1. Силлогизмда мантиқий асосга хос бўлган хусусиятлардан бири бўлмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади.
2. Бу хусусиятлардан бирортаси хато ёки шубҳали бўлганда ҳам мантиқий хатога йўл қўйилади.

Агар мантиқий асосга хос бўлган хусусиятларнинг биринчиси хато ёки шубҳали бўлса «ёлғон асос» деб номланувчи мантиқий хато келиб чиқади. Масалан кимдир оловнинг мавжудлигини исботлаш учун тутуннинг борлигини эмас, балки унга ўхшаш бўлган нарса (туман)га асосланса шундай хато юз беради.

Мантиқий асосга хос бўлган иккинчи хусусият хато бўлса, яъни асос қилиб олинган белги кўрсатилган турдаги объектлардан бошқа турдагиларида ҳам мавжуд бўлса, «ноаниқ асос» деб аталувчи мантиқий хато келиб чиқади.

Мантиқий асосга хос бўлган учинчи хусусият хато бўлганда ҳам худди шундай мантиқий хато юз беради.

Дҳармакирти шунингдек мантиқий асосга хос бўлган хусусиятлардан иккитаси хато ёки шубҳали бўлганда вужудга келадиган мантиқий хатоликларни ҳам қўриб чиқади. «Тескари асос» деб аталувчи мантиқий хато шу турдаги хатоликлардан биридир. Бунда келтирилган асос кўзда тутилган хулосани эмас, балки унга зид бўлган хулосани исботлайди. Масалан: кимдир «сўз абадийдир» деган фикрни асослаш учун сўз инсон иродасининг маҳсулидир деса, исботламоқчи бўлган фикринг тескарисини, яъни «сўз абадий эмас» лигини исботлаган бўлади.

Умуман олганда, Дҳармакиртининг мантиқий системасида мантиқий асосга хос бўлган хатоларнинг ёлғон, тескари ва ноаниқ бўлган турлари тахлил қилинади. Шу билан бирга мантиқий асоснинг аналогия, сабабийлик

ва инкор кўринишидаги учта тўғри тури аниқлаб берилади. Дҳамакирти таълимотида предметларнинг воқеликда мавжуд бўлган хақиқий холатлари мантиқий асос қилиб олинади. Дҳармакирти раддиянинг моҳиятини ҳам тахлил қиласиди. Унинг таъкидлашича, рад этиш исботлашда йўл қўйилган камчиликни топиш, яъни мантиқий асосдаги хатони аниқлашдир. Баъзан рад этишга ўхшаш бўлган холатлар ҳам учрайди. Бундай холатларда мавжуд бўлмаган хатоларга асосланиб, ноаниқ, мавзуга бевосита алоқадор бўлмаган фикрлар билдирилади.

Дҳармакирти мантиқий таълимотининг тахлили уни «Хинд Аристотели» деб аташ учун асос бўла олади.

Дҳармакиртиning шогирдлари қўп бўлган. Улар орасидан фақат Дҳармоттара устозининг таълимотини давом эттириб, янги ғоялар билан бойитган.

**Дигнага** (эр.VI аср) буддизм мантиқий таълимотини ишлаб чиқсан ва уни мустакил фан сифатида метафизикадан ажратган. Дигнаганинг мантиқ масалаларига бағишлиланган «Билимнинг манбалари тўғрисида» номли асари эр.VII асридаёқ хитой ва япон тилларига таржима қилинган. У билиш жараёнининг объектив ҳарактерини инкор этган.

Дигнаганинг таълимотига кўра инсон билими субъектив мазмунга эга бўлиб, тажриба доираси чегаралангандир.

Дигнаганинг таъкидлашича, хулоса чиқариш тафаккуримиз яратган тушунчаларнинг узлуксиз боғланишига асосланган бўлиб, бу боғланиш тафаккурнинг моҳиятини ташкил этувчи априор қонунларга бўйсунади. Шу фикрдан келиб чиқсан холда, у мантиқий асосни ажратиб кўрсатади. Мантиқий асос хулоса чиқариш объекти билан боғлиқ бўлиши (тоғда олов ёнди); бир турдаги объектлар билан боғланган бўлиши (тутун бор жойда олов ёнган бўлади); бир турда бўлмаган объектлар билан боғланмаган бўлиши (олов ёнмаган жойда тутун бўлмайди) керак. Мантиқий асосга хос бўлган бу хусусиятлардан бирининг тушириб қолдирилиши ёки хато бўлиши хулосанинг нотўғри бўлишига (мантиқий хатога) сабаб бўлади.

Дигнаганинг таълимоти буддизм мантифининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиш жараёнини якунлади.

### **в) Нъяя мактабининг мантиқий таълимоти**

Диний, фаласафий масалалар бўйича бахс мунозараларнинг кучайиши натижасида хинд фалсафасида турли йўналишлар ва бу йўналишларни ифодаловчи мактаблар вужудга келди. Ҳар бир мактаб ўз таълимотининг тўғри эканлиги ва бошқа таълимотларнинг камчилиги ҳақида бахс юритарди. Натижада ҳамма мактаблар томонидан эътироф этиладиган умумий қоидага эҳтиёж пайдо бўлди. Шундай қоидалар тўплами нъяя системасида мавжуд эди. Нъяя номинининг ўзи ҳам мазмунига кўра қоида, норма маъносини ифодалайди. Бу мактаб вакиллари бахс, мунозара жараёнода қулланиладиган, амал қилиниши зарур бўлган ўн олтига категорияни ишдаб чиқсанлар. Булар:

1. Бахслашувчи томонлар аввало ўз қуроллари, яъни мантиқий қоидаларни билишларини тасдиқлашлари зарур;
2. Бахслашув объектини кўриб чиқишилари;
3. Мухолифлардан бири бошқасининг илгари сурган тезисига қарши чиқиш;
4. Бу қаршиликнинг асоси (сабаби) мавжуд бўлиши;
5. Бахс бирон бир мисолга йўналтирилган бўлиши ва бахслашувчи томонлар уни қатъий эътироф этишлари талаб қилинади;
6. Сўнгра бахс мавзуси аниқланади;
7. Бахслашувчи томонлардан бири ўз фикрини исботлаш қоидаларига биноан асослайди;
8. Ва ўз фикрига зид бўлган қарашни рад этади;
9. Натижада хақиқат исботланади.

Нъяя системасида юқоридаги категорияларга қўшимча қилиб яна еттида категория кўрсатилади. Ўнинчи категорияда бахс жараёнида йўл қўйилган хатолар кўрсатилади. Бахс хақиқатни аниқлаш учун эмас, балки бахслашув ёқгани учун (ўн биринчи категория) олиб борилаётгани ва мақсад рақибни алдашдан иборат эканлиги (ўн иккинчи категория) кўрсатилади. Қолган тўртта категорияда эса исботлашдаги хатоликлар тахлил қилинади. Нъяя мактабининг юқоридаги категориялари ва мантиққа оид таълимотлари энг қадимги Готама (беш китобдан иборат) сушраларида баён қилинган.

Нъяя мактаби вакиллари брахманизм ва буддизмдан фарқли равища хиссий қабулланувчи предметларнинг реал мавжудлигини эътироф этади. Уларнинг таъкидлашича, хulosha чиқариш хиссий қабуллашга асосланади.

Нъяя мактабида хulosha чиқаришнинг уч тури кўрсатилади: 1. аввалгисидан кейингисига, яъни сабабдан оқибатга қараб хulosha чиқариш; 2. кейингисидан аввалгисига, яъни оқибатдан сабабга қараб хulosha чиқариш; 3. аналогия орқали хulosha чиқариш.

Нъяя мактабининг хulosha чиқариш хақидаги таълимоти асосида «сингиш» ғояси ётади. Бу ғояга кўра, белги билан белгининг ташувчиси ўртасида сингиш муносабати мавжуд. Белги сингувчи, белгининг ташувчиси эса сингдирувчидир. Масалан, тутун (белги) билан олов(белгининг ташувчиси) ўртасида сингиш муносабати бор. Бошқа хинд фалсафий мактабларида ҳам бу ғоя эътироф этилади.

Нъяя мактабининг иботлаш тўғрисидаги таълимотида беш таркибий қисмдан иборат бўлган силлогизмдан фойдаланилади:

1. тезис (тепаликда олов бор).
2. асос (тепалиқдан тутун чиқяпти).
3. мисол (қаерда тутун бўлса, ўша ерда олов бор, ўчоқдаги каби).
4. шу холатга нисбатан қўллаш (бу тепаликда тутун бор).
5. хulosha (демак, бу тепаликда олов бор).

Бу силлогизмнинг учинчи қисми Аристотель силлогизмининг катта асосига, иккинчи ва тўртинчи қисмлари кичик асосига, биринчи ва бешинчи унинг хulosасига тўғри келади.

Нъяя мактаби вакиллари ўзаро зид (контрадиктор) мулохазалар ҳар қандай бахснинг асосини ташкил этади ва бундай мулохазаларнинг бири чин бўлса, бошқаси хато бўлади деб таъкидлайдилар.

Нъяя мактабининг мантиқий таълимоти хақиқатни билишга қаратилган бўлиб, хақиқатга эришган инсон азоб-уқубатлардан озод бўлади деган ғояга асосланади.

IX-XI асрларда Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда фалсафий ва мантиқий таълимотларнинг ривожланишига қадимги юон, хинд мутафаккирлари асарларининг кўплаб таржима қилиниши ижобий таъсир кўрсатди.

Илмий, фалсафий тафаккурнинг ривожланишида таржима асарларининг аҳамияти бекиёсdir. Улар воситасида айrim халқ, миллатнинг илмий билимларидан бошқа халқлар баҳраманд бўладилар, натижада уларнинг ҳар бири умуминсоний маданиятнинг ривожланишига ўз хиссаларини кўшадилар.

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги илмий фалсафий фикрларнинг ривожланиши, уйғониш даврининг асоси ҳам айнан шундай таржима асарларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган.

Араб халифалигининг шаклланиш даврига келиб грек ва юон мутафаккирларининг суряя, форс тилларида қўп микдордаги таржима асарлари мавжуд эди.

VII-VIII асрларда соф араб адабиёти ва фани мавжуд бўлмаган. Ва айнан шу даврда антик муаллифларнинг асарларини араб тилига таржима қилган суряялик олимлар антик билимларни ўрта асрлардаги фан тарақиёти билан боғловчи бўғин сифатида муҳим роль ўйнаганлар.

Грек файласуфларининг асарларини араб тилига таржима қилиш дастлаб араб олимлари учун бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бу қийинчиликларни сабаби грек ва арабларнинг фикр юритиш усули, дини ва урф одатларидаги тафовут эди. Бундан ташқари араблар грек файласуфлари асарларининг асл нусхасини эмас, балки суряяликларнинг таржималари ва неоплатоникларнинг шарҳлари орқали ўрганардилар. Таржимонларнинг кўпчилиги суряяликлар бўлиб, улар араб тилини мукаммал билмаганлар ва VII-VIII асрлардаги уларнинг таржималари тўлиқ бўлмаган, қайта ишлашни талаб қилган. Кўпинча таржимон грек ва суряя тилларини яхши билгани холда, араб тилини мукаммал билмагани учун, араб тилини яхши билган ва фалсафий илмий адабиётларни тушинадиган лимни ёрдамга чақирган. Баъзан таржимонлар сўзлашув ва адабий тилни яхши билсалар ҳам, илмий тилни яхши билмаганлар. Баъзилари фанни яхши билмаганликлари учун шу фанга оид адабиётни тушуниб таржима қила олмаганлар. Айниқса мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг араб тилида нисбатан камлиги ҳам ўзига хос қийинчиликларга сабаб бўлган.

Буларнинг ҳаммаси араб илмий тилини яратиш тақазо этарди.

Таржима асарларнинг яратилишини биринчи даврида таржимонлар араб ва суряя тилларида грек сўзларига эквивалент бўлган сўзларни излашган.

Таржима жараёнида грек тилидаги оригиналнинг синтаксис структурасини сақлаб қолишга харакат қилишган. Натижада таржима кўпинча тушунарсиз бўлган.

Таржима асарлар яратилишининг 2-даври IX асрга тўғри келади. Бу даврга келиб аббосий халифалар дунёвий фанлар ривожланишига ҳомийлик қила бошладилар.

IX аср илмий таржима фаолиятининг энг юксалган даври хисобланади. Бу даврга келиб араб тили барча соҳаларда – фан, фалсафа ва хуқуқшунослиқда мустаҳкам қарор топади. IX асрда халифаликнинг маркази бўлган Боғдод йирик маданият марказига айланади. Бу ердаги кутубхоналар турли тилларда ёзилган кўплаб адабиётларга бой бўлиб, Ўрта Осиё, Эрон ва Суриялик олилар бу кутубхоналарда илмий марказларда тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Халифа Маъмун (813-833й) даврида илмий ва таржимонлик фаолияти айниқса гуллаб яшнади. Ал-маъмун юон фалсафсини таржима қилиш ва тарғиб этиш учун кўплаб маблағ сарфлади. У Боғдодда суриялик христианлардан юон фани ва фалсафасини таржима қилиш учун алоҳида таржимонлар жамоасини таъсис этди.

Бу таржимонлар мактабнинг раҳбари уста таржимон Хунайн ибн Исҳоқ(810-877) бўлган. Бу мактабда асосан грекча асарлар суря тилига таржима қилинган бўлса ҳам, Хунайн ибн Исҳоқ даврида араб тилига қилинадиган таржималар сони қўпайган.

Хунайн ибн Исҳоқ ва унинг уғли Исҳоқ ибн Хунайн(910-911й) яхши табиб бўлишган; араб, форс, суря, грек тилларини мукаммал билишган ва фалсафадан хабардор бўлишган.

Исҳоқ ибн Хунайн эвклид, Гиппократ, Архимед, Гален асарларини таржима қилган. У Аристотелнинг “Категориялар”, “Никомах ахлоқи”, “Метафизика”, “Жон хақида”, “Пайдо бўлиш ва емирилишхақида” асарларини, Афлотуннинг “Қонунлар”, “Софист”, “Тимей” асарларини таржима қилган. Шунингдек, у Порфирий Тирский, Александр Афродизийский ва Амоний Саккаснинг баъзи шарҳларини ҳам таржима қилган.

Бу даврда фалсафа, тиббиёт, табиатшуносликка оид адабиётлардан ташқари диний китоблар – Инжил, Таврот ва маздакизмга оид адабиётлар ҳам таржима қилинган. Ҳинд ва форс тилларидан ҳам таржималар мавжуд бўлган.

Таржимонлар Аристотель асарларини яхшироқ тушиниш учун унинг шархловчилари бўлган Теофраст, Аммоний, Александр Афродизийский ва Галеннинг асарларини ҳам таржима қилганлар. Шунга қарамасдан аристотелнинг асарлари арабларга бузилган кўринишида, унга ёт бўлган элементлар билан қўшилган холда кириб келди. Мантиқга оид асарларнинг таржимаси ахлоқ ва метафизикага оид асрларга қараганда оригиналга яқинлиги билан ажralиб турган.

Таржима асарлари яратилишининг учинчи даври X асрнинг ярмига тўғри келади. Бу вақтга келиб қадимги юон мутафаккирларининг асарлари,

умуман олганда, таржима қилиб бўлинган, таржимонлик фаолияти сусайган эди. Барча таржима асарлар юони тилидаги оригиналдан эмас, балки Хунайн ибн Исҳоқ мактаби томонидан суря тилига қилинган таржималардан араб тилига ўгирилади.

Бу даврда Яхё ибн Ади(947й в.э) номи билан боғлиқ бўлиб, у грек мутафаккирларидан Аристотелнинг “Категория”, “Метафизика”, “Поэтика” асарларини, Платоннинг “Софист”, “Тимей” ва “Қонунлар”ини ва бошқа кўплаб асарларни араб тилига таржима қилган. Баъзи тадқиқотчилар уни Форобийнинг устози, бошқалари эса шогирди, деб хисоблайдилар. Қандай бўлишидан қатъий назар, у Форобийнинг замондоши бўлган ва улар ўзаро алоқада бўлганлари шубҳасиздир.

Худди шу даврларда олимлардан Абу Башр Матта ибн Юнус(939й в.э.) ва Исо ибн Зурра (100 й в.э.)нинг номлари машхур бўлган. Улар Аристотелнинг қатор асарларини таржима қилишган ва ўзлари ҳам асарлар ёзган. Абу Башр Матта Форобийнинг ижодига катта таъсир кўрсатган.

Худди шу даврнинг таржимонлари ғарб фалсафасининг кейинги ривожида катта роль уйнадилар, чунки улар қилган таржималарнинг каттагина қисми Испанияга олиб кетилиб, аввал кастил тилига, сўнг лотин тилига таржима қилинган.

Х аср янги даврни – араб-мусулмон фалсафасининг шаклланиш дарини бошлаб берди. Аристотель асарларининг арбча таржималарини шархлаш ва қайта ишлаш бошланди. Табийки, бу даврда яшаган мутафаккирлар табий фанларни ўрганишни тарк этмадилар. Ал-Киндий, Ал-форобий ва Ибн Синолар ҳам файласуф, ҳам табиатшунос бўлганлар. Бу даврга келиб аристотелизм фалсафий фикрда хукмронлик қилди.

Шундай қилиб X асрга келиб араб халифалиги мамлакатларида таржима асарларининг кенг тарқалганлиги кузатилади. Хусусан XIII асрда яшаган биограф ва библиограф ал-Кифтининг маълумотига кўра Аристотелнинг биргина асари бир неча марта таржима қилинганлиги ва турли файласуфлар томонидан ҳар хил шарҳланганлиги кўрсатиб ўтилади.

Таржима асарларнинг яратилиши давр талабларига жавоб берувчи илмий тилнинг шаклланишига сабаб бўлди.

Илмий араб терминологиясининг ривожланиши ва такомиллашуви натижасида чет тиллардан ўзлаштирилган кўпгина сўзлар ташлаб юборилди ва арабча эквивалентлар билан алмаштирилди. Баъзилари эса араб эквивалентлари билан биргаликда қўлланилаверди.

IX-XI асрларда араб тилида ижод этган Ал-Киндий, Ал-форобий ва Ибн Синоларнинг илмий атамаларни ишлаб чиқишдаги хизматлари бекиёсdir. Улар асосан атамаларнинг ўзгартириш йўлидан эмас, балки фалсафий лугатни кенгайтириш йўлидан бордилар. Бу файласуфларнинг ҳар бири ўзини қизиқтирган муаммо билан шуғулланар экан, шу муаммога мос равишда атамаларни ҳам ишлаб чиқган. Ал-Киндий табиатшунос сифатида табий-илмий лугатни кўпроқ ишлаган. Форобийнинг фалсафий лугати анча кенг бўлиб, унда мантикий, ижтимоий-ахлоқий терминлар, жон билан боғлиқ тушунчалар, категориялар, умуман олганда, ал-Киндий ишлаб чиқмаган

терминология яратилган. Ибн Сино улардан ҳам илгари кетиб, фалсафий, айниқса мантиқий терминологияни ишлаб чиқган. Араб тилида ижод қилувчи ўрта аср файласуфларининг хизмати шундан иборатки, улар чет тилидан ўтган сўзлардан деярли бутунлай воз кечиб, араб тилида уларга мос эквивалентни топдилар, таржимонлар томонидан ноўрин қўлланилган атамаларни матндан олиб ташладилар, таржимонлар қўлламаган, лекин кейинги файласуфлар томонидан қўлланилган кўплаб неологизмларни яратдилар. Улардан баъзилари хозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Масалан, хозирги замон араб фалсафий луғатида Форобийнинг “Фазилатли шаҳар” термини “утопия” маъносига қўлланилади.

Форобий ҳам, Ибн Сино ҳам фалсафага, мантиқга оид атамаларни ишлаб чиқишида араб тилида ижод қилувчи олимлар амал қилган принципларга асосланганлар. Улар аввало грекча терминларни таржима қилиш йўли билан янги атамаларни яратганлар масалан, грекча “диалектика” яъни “сухбат, баҳс юритиш санъати” атамасини араб тилидаги “баҳс, мунозара” маъносини англатувчи “джадал” сўзи билан, “хато асослар ёрдамида хақиқатни рад этиш санъати” маъносини англатувчи грекча “софистика” атамасини “адаштириш” маъносини англатувчи арабча “муғалат” сўзи билан, грекча “риторика” атамасини “нотиқлик санъати” маъносини англатувчи “хатаба” сўзи билан, грекча “поэтика” атамасини арабча “шеър”-поэзия сўзи билан ифодалаганлар.

Ўша даврда мураккаб номлар бўлмаган. Лекин Форобий ва Ибн Синолар истисно тариқасига баъзи мураккаб сўзларни қўллайдилар: ноборлиқ-“ла ууджуд”, чексизлик-“ла нихайя” ва б. Баъзан улар грекчага тақлид қилиб, бир бутун ибораларни тузадилар:

масалан: умумий инкор хукм – куллии салиб кадийа,  
умумий тасдиқ хукм – куллии муджиб кадийа,  
жузъий инкор хукм – джузии салиб кадийа,  
жузъий тасдиқ хукм – джузии муджиб кадийа.

Шунингдек, улар кундалик турмушда ишлатиладиган сўзларга янги фалсафий маъно бериш, конкрет мазмунни мавҳумлаштириш (абстрактлаштириш) орқали ва араб тилидаги сўз ясаш системасидан фойдаланган ҳолда эски ўзаклардан янги сўзларни ясаганлар. Масалан: бутун маъносини англатувчи “куллийат” сўзидан “умумийлик” маъносини ифодалашда, қисм маъносини англатувчи “дзуж’ийат” сўзидан “айримлик” маъносини ифодалашда фойдаланганлар.

Форобийнинг бутун лексикаси арабча сўзлардан ташкил топган. Ибн Синода эса форсча сўзлар ҳам учраб туради. Баъзи ҳоллардагина улар грекча атамаларни арабчалаштирганлар. Бундай ҳоллар ниҳоятда кам бўлиб, бармоқ билан санарлидир.

Араб халифалиги худудида илмий тил сифатида араб тилидан фойдаланиш файласуфлар, табиатшунос олимларининг ўзаро илмий мулоқотларининг самарали бўлишига, бир-бирларининг асаллари билан танишишларига ва фикр алмашишларига сабаб бўлди.

## **Мантиқ илми ривожининг илк даври ва Ал-Киндийнинг мантиқий таълимоти**

Илк ўрта асрлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг дунёқараши қадимги юонон файласуфлариникидан фарқ қилган. Қадимги юонон ижтимоий ҳаётида ҳеч қандай ғоявий-маънавий, жумладан диний қарашлар фалсафий тафаккур билан рақобатга бемалол кириша олмаган, унга нисбатан мухолифлик қила олмаган. Шунинг учун инсон ва жамиятга бироз бўлса-да ўз таъсирини сақлаб қолишга умидвор ғоявий оқим, хоҳлайдими ёки йўқми, бундан қатъий назар фалсафий тарзда фикрлаши, фалсафий тафаккур қонун-қоидаларига амал қилиши шарт эди.

Илк ўрта асрлар даври мусулмон Шарқининг ижтимоий ҳаётига назар ташласак, тубдан фарқ қиласидан манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бундай жамиятда фалсафий тафаккур жамият аъзолари ахлокий-маънавий, интеллектуал идеалларини мустақил равишда шақллантириш мақомига эга эмас эди. Иймон далиллари билан ақл далиллари ўртасидаги алоқани ишлаб чиқмасдан туриб, унинг қабул қилиниши мумкин эмас эди. Мусулмон жамоаси учун иймон далилларининг асосий эканлигини таъминлай олмайдиган ҳеч қандай қарор қабул қилинmas эди. Абу Хайян ат-Таухидининг «Суҳбатлар»ида ҳам юқоридаги фикр таъкидланади. Суҳбат Абу Сулаймон ал-Мантиқий ас-Сижистоний номидан юритилади. Унда фалсафий тафаккурнинг жамиятдаги мавқеи хусусида шундай дейилади: дин асослари ҳақидаги баҳсада, эътиқод хусусида ҳеч ким файласуфларга мурожаат қилмайди. ...Фалсафа билан шуғулланишни хоҳловчилар диний таълимотлардан эътиборларини четга қаратадилар, иймон йўлини танлаганлар эса фалсафага қарамайдилар.

Айтиш мумкинки, мусулмон жамоаси учун иймон далиллари ақл далилларига нисбатан устун бўлган бу даврда, фалсафанинг жамиятга бўлган таъсири, маънавий ташаббуси маълум даражада чегараланган эди. Фалсафий тафаккурда иймон далиллари билан ақл далиллари ўртасидаги алоқани ишлаб чиқиши асосий вазифалардан бўлиб қолди, диний-фалсафий таълимотларда илгари сурилган ғоялар, принципларни мантиқий исботлаш муҳим аҳамият касб этди. Мантиқ илмидан бошқа билимларни эгаллаш, асослаш ва таснифлаш учун восита сифатида фойдаланишга кенг эътибор берилди. Бу даврда мантиқ илмига бўлган муносабат фалсафага бўлган муносабат каби бир мунча мураккаб эди.

Абу Райхон Беруний (973-1048) бунинг сабаблари хусусида фикр юритиб шундай деб ёзади: «...Мантиқ Аристотелга мансуб бўлиб, унинг қараш ва эътиқодларидан эса исломга мувофиқ келмайдиганлари қурилган эди, чунки унинг қарашлари назарий билимдан бўлиб, диндан эмас эди... Ҳа, мантиқ юононлар тилига ўхшаш алфозда ёзилган ва иборалари янги давр олимларига маълум бўлганига хилоф. Шунинг учун мантиқни тушуниш масаласи ўз-ўзидан нозик бўлиб, у яна қалтислашяпти, шу сабабли улар ундан узоклашяптилар. ...Улар ҳақлирлар, жиноят эса таржимонлар томонидан қилинган. Ҳақиқатан ҳам агар у исмлар арабчага таржима қилинса ва

«Кириш китоби», «Категориялар», «Иборалар», «Қиёс ва Исбот» деб айтилса эди, ҳамма уларни эътиroz билдиримай қабул қилишга шошилган бўларди».

Абу Райхон Беруний мантиқга оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-қоидаларидан, исботлаш усууларидан ўзининг илмий-амалий фаолиятида кенг фойдаланган, мантиқ илмининг билиш жараёнидаги аҳамиятини юқори баҳолаган. Беруний шундай деб ёзади: “Инсон нутққа эга бўлган ва ўзининг мухолифлари билан дунёвий ва охират ишлари ҳақида баҳс-мунозара юритганлиги сабабли ўз сўзларида “мезонга” муҳтож бўлди. Гап ўз зоти билан ростни ҳам, ёлғонни ҳам ўз ичига олиш эҳтимоли борлигидан мезон ёрдамида уни изчил текшириш ва шу йўсинда унинг шубҳали ерини тузатиш керак бўлган. Зероки, бу билан мубоҳасаларда сўзлардан тузилган силлогизмларнинг кишини адаштирувчи ёлғони ҳам, ҳақиқатни очувчи рости ҳам аён қилинган. Инсон шу мезонни топди. Уни мантиқ дейилади”.

Мусулмон илоҳиятчилари фалсафа ва мантиқ билан шуғулланиш яхшиликка олиб келмайди, деб ҳисоблаганлар. Фалсафа ва мантиқ билан шуғулланганларни дахрий деб атаганлар. Лекин, ўзлари ислом ақидаларини асослашда мантиқий далиллашдан фойдаланганлар.

Мантиқий далиллаш ал-Ашарий (935 й. в.э.) дан бошлаб диний билимларни асослашда қўлланила бошлаган. Ашарийнинг таъкидлашича, мантиқ, унинг қонун ва қоидалари мустақил қимматга эга эмас, мантиқ ислом ақидаларини асослаш учун хизмат қилувчи қурол, восита халос. У ўз таълимотида мантиқий исботлаш учун диний ақидалардан исбот талаб қилмайдиган, чинлиги аввалдан маълум бўлган хуласа асослари сифатида фойдаланган.

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий(1059-1111)мантиқни фалсафанинг таркибий қисмларидан бири, “бу илм далил ва унинг шартлари, ҳад ва унинг даражалари ҳақида баҳс юритади”- деб таърифлайди. У ўз асарларида мантиқий далиллашнинг бир тури бўлган қиёс (аналогия)дан кенг фойдаланган.

Шарқда биринчилардан бўлиб мантиқ илми билан шуғулланган, араб-мусулмон дунёсида перипатетизмга йўл очиб берган мутафаккир Ал-Киндийдир.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (тахм. 800 Басра – 870 Бағдод) – араб файласуфи ва олими. У қадимги грек, ҳинд ва форсларнинг фалсафий-мантиқий меросини яхши билган, араб тилида фалсафий атамаларни ишлаб чиқишида фаол қатнашган ва ўз даврида биринчи бўлиб фанларни таснифлашга уринган. Ал-Киндиининг дунёқарашида мантиқ илмига оид масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. У қадимги юон мутафаккирлари асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган.

Ўрта асрларда ёзилган “ал-Фихрист” номли библиографик асарда (муаллифи ибн ан-Надим, 995й вафот этган) ал-Киндиининг “Аристотелнинг ўнта категориялари ҳақида”, “Категориялар”даги Аристотелнинг мақсади ҳақида” номли асарлари тўғрисида маълумот берилади. Ан-Надимнинг таъкидлашича, ал-Киндий “Иккинчи Аналитика”га оид икки трактат ёзган:

“Мантиқий исботлашга доир қисқача рисола” ва “Исботлаш ҳақидағи рисола”. Шунингдек, ал-Киндий “Софистларнинг адаштирилишларига қарши огоҳлантириш” номли рисоласида Аристотелнинг “Софистика”сига бўлган муносабатини баён қилади. Ал-Киндийнинг “Шеър санъати ҳақида” номли асари Аристотелнинг “Поэтика”сига коментарий сифатида ёзилган.

У Аристотелнинг “Иккинчи аналитика”сини Евклид геометрияси билан солиштириш ғоясини илгари суради. Мантиқий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур, деб ҳисоблади. Унингча, факат шундагина Аристотелнинг яратган қоидаларини тушуниш мумкин. Ал-Киндий бирор бир буюмни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонмасдан туриб бошлиш мумкин эмас, дейди. Унинг фикрича, исботлашнинг мақсади буюмни ташкил этувчи шаклни ўрганишдан иборатdir.

Ал-Киндийнинг фалсафий ва мантиқий асарлари, унинг рационалистик йўналишдаги фикрлари Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Беруний ва бошқа прогрессив мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Унинг асарлари Ўрта асрларда ёқ Фарбий Европада кенг шухрат қозонди.

1. Кадимги Ҳиндистонда мантиқ илмининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
2. Буддизм мантиғининг шаклланиш даврлари қандай?
3. Кадимги Ҳинд мантиғида хулоса чиқаришнинг қайси турлари кўрсатилган?

## **2-мавзу: IX-XII асрларда яқин ва Ўрта Шарқда фалсафа ва мантиқнинг ривожланиши**

Мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган мутафаккир Форобийдир (873-950) дир. У Сирдарё буйидаги Утрор шаҳарчаси қалъасида, туркий ҳарбий оиласида дунёга келди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида билим олди. У қадимги юонон, ҳинд фалсафасини чукур ўрганди, илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан зиёд турли хажмдаги рисолалар ёзиб қолдирган, умрининг сўнгги йилларини Дамашқда ўтказди.

Форобий асарларининг катта қисми фалсафа ва мантиқ илмига оидdir. Форобийнинг фалсафий ва мантиқий таълимоти кўплаб файласуфлар, олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Форобийда мантиқий билимлар тизими “Исогучи” (кириш), “Мақулот” (Категория), “Ибора” (Хукм), “Қиёс” (силлогизм Биринчи Аналитика), “Бурхон” (сботлаш Иккинчи Аналитика), “Жадал” (мунозара, Топика), “Сафсата” (Софистик раддия), “Хитоба” (Риторика), “Шеър” (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, Форобий “Мантиқ илмига кириш”, “Ақл ҳақида”, “Шартли ҳукмлар”, “Силлогизм” каби асарларида ҳам мантиқ илмининг предмети, тузилиши, илмлар системасида тутган ўрни ва

аҳамияти ҳақида фикр юритади.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, “мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва ҳақиқат томон йуналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлади. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш имкониятига эга бўладилар”.

Форобийнинг мантиқий таълимоти гносеологик таълимоти билан узвий боғлиkdir. Унингча, фикрлар табиатдаги нарса ва ходисаларни сезгилар орқали билиш асосида вужудга келади. У билишда сезгиларнинг ролига жуда катта ўрин берган. Фикр шакллари ўртасидаги алоқа, муносабатлар реал муносабатларни ифодалаш жараёнида вужудга келишини таъкидлаган.

Мутафаккир мантиқ илмининг тил, грамматика фалсафа билан ўзаро алоқадорлигини қўрсатиб ўтди. У “фалсафани ўрганишдан аввал нималарни билиш керак” номли рисоласида фалсафий аргументация билан яъни фалсафий масалаларни асослаш, исботлаш усулларини билиб олиш зарур дейди.

Форобий айникса Аристотелнинг “Аналитика”сини ўрганишнинг аҳамиятини алоҳидаа таъкидлайди. Бу китобларни ўрганиш чин исбот билан хато исботни бир-биридан фарқлашга, мутлақо хато бўлган фикрни бир оз хато бўлган фикрдан ажратишга ёрдам беради.

Форобийнинг фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланади. Форобий тафаккурнинг асосий шакллари бўлган тушунча, ҳукм ва уларнинг турлари, хулоса чиқариш, силлогизм ва унинг фигуранлари, модусларини чукур тахлил қилиб, улар тўғрисида яхлит, изчил таълимот яратади.

У тўғри тафаккурлашнинг асосий тамойиллари: айнанлик, ҳукмларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги ҳар қандай хулосани етарлича асосланган бўлиши каби муҳим мантиқий масалаларни ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқди.

Форобий сўзларни икки гурухга: оддий ва мураккабга ажратади. Оддий сўзлар ё номни ё феълни ё қўшимчани ифодалайди. Ном мустақил мазмунни ифодаловчи “инсон”, “ўсимлик” каби сўзлардир. Номлар бир маъноли ва кўп маъноли бўлади. Номлар индивидуал буюмларни ёки икки ва ундан ортиқ бўлган буюмларни ифодалайди. Биринчиси якка индивидуал ном, иккинчиси умумий ном ёки унверсалия деб аталади. Умумий номлар умумий конкрет ва умумий мавхум бўлади.

Феъл маълум ғояни ифодаловчи сўз бўлиб, моҳиятига кўра шу ғоя мавжуд бўлган вақтни билдиради. У мустақил тушуниш мумкин бўлган сўздир. Масалан: “боради”, “борди” ва х.к.

Қўшимча - ўзи мустақил бирор маънони англатмайдиган сўздир. У номга ёки феълга қўшилгандагина бирор мазмунни билдиради.

Ном ҳам, эга ҳам кесим бўлиши мумкин. Масалан: “Зайд – инсондир” деганимизда, фикрнинг ҳар икки қисми номдан тузилади. Феълнинг фарқ килувчи белгиси шуки, у моҳиятига кўра кесимни ифодалайди. Баъзан у эга вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан: “юраётган инсондир” каби.

Кўшимчани эга ҳам, кесим ҳам бўла олмаслиги унинг фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади. У ё эгани ё кесимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Мураккаб тузилган сўзлар икки гурухга 1. Тўлиқ тузилган мураккаб сўз. 2. Тўлиқ тузилмаган мураккаб сўз.

Тўлиқ тузилган мураккаб сўзлар тугалланган фикрни ифодалайди: “Зайд инсондир”. Тўлиқ тузилмаганлари эса тугалланган фикрни билдирамайди: “Зайднинг дўсти”.

Юкоридаги фикрлардан келиб чикиб айтиш мумкинки, Форобий тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур тахлил килган.

У якка ва умумий тушунчаларнинг фарқини кўрсатиб берди. Ўзида кўпликни ифодаламаган тушунчалар якка тушунчалардир. Масалан: Соқрат, бу инсон, бу уй ва х.к. “Бу”, “у” каби сўзлар билан боғланган тушунчалар яккаликни ифодалайди.

Умумий тушунчалар ташқи олам предметларининг қўпчилиги учун чин бўлган тушунчалардир. Масалан: “инсон”, “уй” каби. Бу тушунчаларнинг ҳар бири кўплаб индивидуал якка предметларни ифодалайди. Ҳар қандай индивидуаллик учун умумий тушунча чин (предикат) ҳисобланади. Индивидуаллик умумийликнинг исботи ҳисобланади. Масалан: Зайд, Амр сўзларининг ҳар бири учун инсон тушунчаси чин (предикат) ҳисобланади.

Охирги иккита турдаги умумийликлар хозирги замон мантиқ илмида қайд қилинадиган ва қайд қилинмайдиган умумий тушунчаларни ифодалайди.

Форобий Аристотель каби категорияларнинг 10 турини қўрсатиб ўтади: субстанция, микдор, сифат, муносабат, ўрин, вакт, ҳолат, эгалик, фаолият, таъсир. Булардан факат субстанция ўзгармас моҳият бўлиб, қолганлари ўзгарувчан моҳиятлардир, яъни акциденциялардир.

Субстанция ва акциденциялар тушунчалар орқали ифодаланади.

Бу тушунчалар ўз мантиқий вазифасига кўра бир-биридан фарқланади. Улар ўртасидаги фарқ предикабилияларда, яъни қай турдаги мантиқий кесимни ифодалашида намоён бўлади.

Форобий предикабилиялар ва улар билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг таърифланишига оид масалаларни “Порфирийнинг “Киришига шарх” ва “Мантиққа кириш” асарларида батафсил тахлил қиласди.

Форобий “Мантиққа кириш” рисоласида “тасвирлашни мантиқшунослар предикат деб, тасвирланаётган нарсаларни субъект деб атайдилар” – деб ёзади.

Форобий фикрича индивидиум учун предикат бўлган умумий тушунчалар (унверсалиялар) ўзаро жинс ва турга кўра фарқланади. Масалан: “Зайд” учун “инсон” ва “ҳайвон” тушунчалари предикат ҳисобланади. Лекин “инсон” тушунчаси “ҳайвон” тушунчасига нисбатан хусусийроқдир, яъни хажми торроқдир. Жинс ва турга кўра, фарқ қилувчи умумий тушунчаларнинг ҳар бири “Бу индивидиум нима?” деган саволга жавоб бўлади.

Унверсалиялар орасида энг умумий ёки энг хусусий ҳарактердагилар бўлиб, ўртасида оралиқ занжирлар мавжуд бўлади. Икки унверсалиядан умумийроғи жинс, хусусийроғи тур бўлади. Ўзидан юкорида ҳеч нарса бўлмаган энг умумий унверсалия “юкори жинс”, ундан пасти бўлмаган

хусусий универсалия эса “охирги тур” дейилади.

Форобий бир-бирига бўйсунмайдиган жинсларнинг 4 турини кўрсатади:

1. Юқори олий жинслар.
2. Ҳар бири бошқа-бошқа олий жинсга бўйсунувчи оралиқ жинслар.
3. Бир-бирига нисбатан яқин тур бўлган жинслар.
4. Ҳар бири тур кўринишидаги оралиқ жинслар, уларнинг ҳаммаси битта жинсга бўйсунади.

Форобий таърифлаш ва тасвирилашни ўзаро фарқлаш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича “Таърифлаш мураккаб универсалия бўлиб, жинс ва фарқ қилувчи белгидан ташкил топади. Масалан инсон ақлли ҳайвондир. Тасвирилаш жинс ва хусусий белгидан ташкил топади ёки жинс ва бир ёки бир неча тасодифий белгилардан ташкил топади. Масалан: инсон куладиган ҳайвон, инсон ҳарид қиласидиган ва сотадиган ҳайвон. Тасвирилаш - тур ва тасодифий белгидан ташкил топади. Масалан: «Зайд-оқ одам».

Таърифлаш, тасвирилаш каби усувлар хозирда ҳам формал логика томонидан ўрганилади. Бу усувлар хозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва тафаккурнинг табиий шакл ва қонунларини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Форобий тушунчанинг мазмунини очишга қаратилган бундай усувларнинг мантиқий табиатини тўлиқ тушунтириб бера олмаган бўлса ҳам, келтирилган мисоллар мутаффакир бу усувларнинг моҳияти ва вазифасини тўғри тушунгандигини кўрсатади.

Билим ифодаланишининг яна бир шакли ҳукмдир. Форобий ниманидир тасдиқловчи ва нима ҳақидадир хабар берувчи муҳокамани ҳукм деб таърифлайди. Аристотел каби ҳукмнинг мантиқий эгасини субъект, мантиқий кесимини предикат деб атайди. Ҳукмларнинг уч турини фарқлайди: қатъий ҳукм, шартли-қўшувчи ҳукм ва шартли айиравчи ҳукм. Қатъий ҳукмлар биргина субъект ва предикатдан иборат бўлади. Уларда фикр тасдиқлаб ёки инкор этиб, қатъий баён қилинади. Шартли ҳукмларда фикр шартли ифодаланади. Шунга кўра ҳукмларнинг қуидагича ифодаланиш турларини кўриш мумкин:

1. Ҳукмнинг ҳар икки қисми универсал тушунчадан иборат бўлади (Инсон ҳайвондир). Бундай ҳукмлар фанда, баҳсларда, софистик санъатда ва бошқа кўплаб санъатларда қўлланилади.
2. Ҳукмнинг ҳар икки қисми индивидуал тушунча бўлади. (Бу турган Зайддир). Бундай ҳукмлар кам ишлатилади.
3. Ҳукмларнинг субъекти индивидуал, придикати универсал тушунча бўлади. (Зайд инсондир). Бундай ҳукмлар риторика, поэзия ва амалий санъатларда қўлланилади.
4. Ҳукмнинг субъекти универсал бўлиб, предикати бир ёки бир неча индивидуумларни ифодалайди (Инсон – бу Зайд ёки бу - Зайд, Амир ва Холиддир). Ҳукмларнинг бу уч тури аналогия ва индукцияда қўлланилади.

Қатъий ҳукмларнинг қисмлари сифатида олинган универсал мазмунлар орасида баъзилари оддий бўлади ва оддий иборалар воситасида кўрсатилади. Бошқалари эса мураккаб ва қўшма иборалар воситасида кўрсатилади. Бунда

уларнинг мазмуни тушунирувчи эмас, балки чекловчи ва шартли ҳарактерга эга бўлади. Масалан, «Инсон – ақлли ҳайвон» ҳукмининг предикатидаги «ҳайвон» тушунчаси «ақлли» тушунчаси билан чекланаяпти ва асосланаяпти. Форобий ўзидан аввалги мантиқшунослар каби оддий қатъий ҳукмларни мазмунига кўра тасдиқловчи ва инкор этувчи, хажмига кўра умумий, жузъий ва ноаниқ турларга бўлади.

Умумий ва жузъий ҳукмлардан фарқ килган ҳолда ноаниқ ҳукмлар миқдорий кўрсатгичга эга эмас. Худи шу ҳолат уларнинг ноаниқ бўлишига сабаб бўлади. Форобий бу ҳакда шундай деб ёзади: «Ноаниқ ҳукмларнинг ҳеч бири ҳеч қандай миқдорий кўрсаткичга, умумийсига ҳам, хусусийсига ҳам эга бўлмаган ҳукмлардир». Масалан, «инсон оқ» ва «инсон оқ эмас» дейилса, бу фикрнинг ҳамма инсонлар ёки уларнинг баъзилари ҳақида айтилгани номаълум.

Форобий Аристотель каби ноаниқ ҳукмларни жузъий ҳукмга эквивалент деб талқин қилди. У умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ, жузъий инкор ҳукмлар қатъий силлогизмнинг асослари бўлади деб, кўрсатади. Бу ҳам ҳозирги мантиқда оддий ҳукмларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган классификациясида ўз ифодасини топган.

Чинлигига кўра ҳукмлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш билишда муҳим аҳамиятга эга. Форобий бу масалага ҳам батафсил тўхталиб ўтади. У субъект ва предикатлари бир хил тушунчалар орқали ифодаланган, лекин миқдори ва мазмунига кўра фарқланувчи ҳукмларни ўзаро таққослаш мумкин, деб таъкидлайди. У қатъий ҳукмлар ўртасидаги контрапрлик ва контрадикторлик муносабатларини тахлил қиласи.

Мутафаккир фикрича, контрапр, яъни қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра фарқланувчи умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бир-бируни инкор этувчи ҳукм бир вақтда чин бўлмайди, лекин хато бўлиши мумкин. Улардан бири чин бўлса, бошқаси хато бўлади.

Бир-бируни инкор этувчи икки жузъий ҳукм бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин хато бўлолмайди.

Контрадикторлик, яъни зиддият муносабатлари миқдори ва мазмунига кўра фарқланувчи ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмлардан бири чин бўлса, иккинчиси албатта, хато бўлади.

Ҳукмларнинг чин ёки хатолигини аниқлашда Форобий зиддият қонуни ва учинчиси истисно қонунининг аҳамиятини таъкидлайди, лекин ўзаро бўйсуниш муносабатида бўлган ҳукмларни тахлил қилмайди.

Мутафаккир ҳукмларнинг чинлигини аниқлашда алмаштириш усулини ҳам қўллайди. Унинг таъкидлашича, берилган ҳукмнинг субъект ва предикатларининг ўрни алмаштирилганда, уларнинг мазмуни ўзгармаса ҳукм чин бўлади, мазмуни ўзгарса ҳукм хато бўлади. У жузъий инкор ҳукмни алмаштириб бўлмайди, чунки ҳукм алмаштирилганда ўз чинлигини сақлаб қолмайди, деб кўрсатади. Бу фикр мантиқ фанининг кейинги тараққиёти давомида тасдиқланди.

Форобий ҳукмларни модаллигига кўра зарурый (аподиктик), имконий ва ноимконий турларига ажратади. Имконий ҳукм ҳақиқатда мавжуд бўлган ёки

мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ифодалайди. Ноимконий ҳукм эса мавжуд бўла олмайдиган ҳукмларни ифодалайди.

Марказий Осиё мутафаккирлари хulosса чиқаришни «қиёс» сўзи билан ифодалашган. Бу атамани биринчи бўлиб Форобий қўллаган.

«Қиёс» таққослаш, ўлчаш деган маънони англатади. Шунга кўра айтиш мумкинки, хulosса чиқариш икки ёки ундан ортиқ ҳукмларни таққослаш орқали хulosса кўринишидаги янги ҳукмнинг хосил бўлишини ифодалайди. Бу атамани Форобий, Ибн Сино ва уларнинг издошлари ҳам кенг (хulosса чиқариш), ҳам тор (силлогизм) маъносида қўллаганлар. Улар бу ҳақда алоҳида рисолалар ёзганлар. Бу рисолаларда Аристотелнинг хulosса чиқариш ҳақидаги таълимотини янада ривожлантирганлар.

Форобий «силлогизм бирдан ортиқ ҳукмлардан ташкил топган мухокама бўлиб, улар ўзаро акцидентал эмас, балки моҳиятига кўра бирлаштирилса, зарурий равишда бошқа бир ҳукмни келтириб чиқаради», деб ёзди.

Мутафаккир мантиқни ўрганишдан асосий мақсад чин хulosса чиқаришни билишдир, хulosанинг чинлиги эса асосларнинг чинлигига боғлиқдир, деб таъкидлайди.

Форобийнинг фикрича силлогизм маълум бир талаб қилинган фикрдан бошланади. Бу фикр олдиндан назарда тутилган, қандайдир мақсадга йўналган бўлади ва силлогизмда чинлигини тасдиқлашга интилади. Талаб қилинган фикр айирувчи сўроқ гап шаклида ифодаланади: «Барча жисмлар ҳаракат қиласидими ёки барчаси ҳаракат қилмайдими?». Шунга кўра талаб қилинган фикрнинг таркибий қисмларидан бири ҳақиқий ҳисобланади. Бунда тасдиқловчи қисмнинг ёки инкор этувчи қисмнинг ҳақиқат бўлиши ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Муҳими, бу фикрлардан бири чин бўлса, иккинчиси албатта хато бўлади. Бу каби хulosса чиқаришда биз дастлаб мавжуд бўлган билимга эга бўламиз. Силлогизм бўлиши учун мавжуд ҳукмлар унинг таркибий қисмларини ташкил этишлари ёки шунга муносиб бўлишлари шарт. Шундагина улар хulosса асослари деб аталади. Хulosса асосларининг бир қисми (у ёки субъект бўлсин, ё предикат) термин (тушунча, сўз) деб аталади.

Кўп ҳукмлар мантиқий равишда силлогизмлардан келиб чиқади. Шунга кўра улар силлогизмнинг таркибини ташкил этади. Ҳукмлар силлогизмнинг натижаси бўлса хulosса, бошқа силлогизмлар учун таркибий қисм бўлса – хulosса асослари, деб аталади. Демак, бир силлогизмнинг хulosаси бошқа силлогизм учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Форобий силлогизмни ҳам асослардаги терминларнинг ўзаро боғланиши, ҳам асослар ва хulosанинг ўзаро боғланиши сифатида кўриб чиқди. У оддий силлогизмлар қатъий ҳукмлардан, шартли силлогизм эса шартли ҳукмлардан ташкил топади дейди. Силлогизм уч терминни ўз ичига олган хulosса асосларидан ташкил топади, булардан бири ҳар икки асос учун умумий бўлса, қолганлари ўзаро фарқ қиласи. Масалан “инсон-ҳайвон” ва “ҳамма ҳайвонлар сезиш хусусиятига эга” деган икки ҳукмда “ҳайвон” тушунчаси умумий бўлса, “инсон ва сезиш хусусиятига эга” тушунчалари эса

фарқ қилувчи тушунчалардир.

Шунга кўра, Форобий силлогизм терминлариға қўйидагича таъриф беради: икки ўзаро бирикувчи асослардаги умумий қисм ўрта термин деб аталади. Ўзаро фарқ қилувчи қисмлар эса четки терминлар деб аталади. Хулосанинг предикати бўлган қисми биринчи ёки катта четки термин деб аталади, хулосанинг субъекти бўлган қисми эса охирги ёки кичик четки термин деб аталади.

Форобий хулосанинг предикатини ташкил этувчи терминни ўз ичига олган асосни катта асос, хулосанинг субъектини ташкил этувчи терминни ўз ичига олган асосни кичик асос деб атайди. Ўрта термин хулоса асосларида уч хил: ҳар иккала асоснинг предикати ёки ҳар иккала асоснинг субъекти ёки бирининг предикати ва бошқасининг субъекти бўлиб жойлашади.

Илк ўрта асрларда шартли силлогизмлар назариясининг ишлаб чиқилиши, шубҳасиз, Форобийнинг хизмати ҳисобланади. Форобийнинг шартли силлогизмлар ҳақидаги таълимоти Аристотель мантикий таълимотини шунчаки тўлдириш эмас. Н.Решер “Аристотелнинг Биринчи Аналитикасига Форобийнинг қисқача шархи” номли тадқиқотида таъкидлаб ўтганидек, мутафаккир шартли силлогизмларга алоҳидаа эътибор беради ва бу масала билан боғлиқ қатор оригинал мулоҳазаларни баён қиласди.

Форобий шартли силлогизмлар тўғрисида шундай деб ёзади: ”Шартли силлогизм ҳам икки асосдан ташкил топади катта (шартли ҳукм бўлган), ва кичик (катъий ҳукм бўлган), улар истисно қилувчи қўшимчалар билан боғланган.”

Мутафаккир шартли силлогизмларни икки гурухга бўлади. Биринчи гурух шартли-катъий силлогизмларни ифодалайди. Уларни Форобий шартли-қўшувчи силлогизм деб атайди. Бу силлогизмнинг куйидаги икки модусини таърифлаб беради. 1. Кичик асосда шартли ҳукмнинг шарти (антecedent), хулосада натижаси (консеквент) тасдиқланади 2. Кичик асосда шартли ҳукмнинг натижаси (консеквент) инкор қилинади, хулосада эса шарти (антecedent) инкор қилинади.

Форобий фақат аниқ хулоса берувчи шартли силлогизмлар воқеликни билиш учун хизмат қиласди, деб кўрсатади. У шартли силлогизмнинг шарти чин бўлса, унда хулосанинг чин асосларидан келиб чиқиши шубҳасизdir, деб таъкидлайди.

Хозирги мантиқ илмида айирувчи-катъий деб аталувчи силлогизмларни Форобий шартли-айирувчи силлогизм деб атайди. У айирувчи-катъий силлогизмнинг уч модуси мавжуд деб таъкидлайди. Биринчи модусда айирувчи асосдаги бўлинмалар тўлиқ кўрсатилади. Масалан: «Бу сон жуфт ёки тоқ. Бу сон жуфт. Демак, бу сон тоқ эмас.” Хулоса чиқаришнинг бу кўринишида катта асос – айирувчи ҳукм, кичик асос қатъий ҳукмдир. Кичик асосда айирувчи ҳукм таркибидаги бўлинмалардан бири тасдиқланса хулосада иккинчиси инкор қилинади. Бу modus ponendo tollens, яъни тасдиқлаб, инкор этувчи модус деб аталади.

Айирувчи – катъий силлогизмнинг иккинчи модусида кичик асос инкор ҳукм бўлади. Унда айирувчи асосдаги бўлинмалардан бири инкор қилинади,

хulosada эса иккинчи бўлинма тасдиқланади. Бу modus tollendo ponens, яъни инкор этиб, тасдиқловчи модус деб аталади. Масалан: Бу сон жуфт ёки тоқ. Бу сон жуфт эмас. Демак бу сон тоқ.

Форобий иккидан ортиқ бўлинмадан иборат бўлган айирувчи ҳукмга асосланган силлогизмга алоҳидаа эътиборни қаратган. Унинг фикрича, хulosada битта бўлинма қолгунча бошқалари инкор этилади. Масалан: Бу сон катта, кичик ёки тенг. Бу сон кичик эмас. Унда у катта ёки тенг. Бу сон катта эмас. Демак, у тенг сон. У силлогизмнинг бу кўринишини учинчи модус деб билади.

Агар айирувчи асосдаги бўлинмалар сони тўлиқ олинмаган бўлса, унда биринчи модусдан фойдаланилади, иккинчи модус орқали эса бу каби силлогизмлардан хulosса чиқариб бўлмайди деб таъкидлайди. Масалан: Буюмларнинг ранги ё оқ, ё қизил, ёки кулранг. Буюм қизил рангда. Демак, буюм оқ ҳам, кулранг ҳам эмас.

Энтилеманинг тузилиши ҳақида фикр юритар экан, Форобий «энтилеманинг дастлабки қисмлари силлогизмнинг дастлабки қисмлари»-деб ёзди. У силлогизмнинг ҳамма фигураларидағи модуслар энтилема кўринишини олади, шартли силлогизмдан шартли энтилема келиб чиқади, деб кўрсатади.

Мураккаб силлогизмларни тахлил қилиб, Форобий унинг турли кўринишларда таркиб топиши мумкинлигини таъкидлайди. У мураккаб силлогизмни исботлашда кўлланилишини қуидаги мисол орқали тушунтириб беради:

- ҳамма жисм мураккабдир;
- ҳамма мураккаб буюмлар акциденциялар билан боғлик;
- ҳамма жисмлар акциденция билан боғлик;
- ҳамма акциденция билан боғлик бўлган нарсалар Яратувчи билан боғлик;
- ҳамма жисмлар Яратувчи билан боғлик;
- ҳамма Яратувчи билан боғлик бўлган нарсалар ўз Яратувчисидан аввал келмайди;
- ҳамма жисмлар ўз Яратувчисидан аввал келмайди;
- ҳамма ўз Яратувчисидан аввал келмайдиган нарсалар, Яратувчи мавжуд бўлиши билан вужудга келади;
- ҳамма жисмлар Яратувчи мавжуд бўлиши билан вужудга келади;
- ҳамма Яратувчи мавжуд бўлиши билан вужудга келадиган нарсалар вақтда мавжуд бўлади;
- ҳамма жисмлар вақтда мавжуд бўлади;
- ҳамма вақтда мавжуд бўлган нарсалар борликда яратилади;
- ҳамма жисмлар борлиқда яратилади.

Форобий индукцияни умумийлиқдан хусусийликга борувчи исботлаш шакли сифатида ўрганади ва уни билишнинг силлогизмдан кейинги иккинчи усули деб ҳисоблайди. Мутафаккир, «Ҳар қандай ҳаракат вақтда мавжуд»лигини исботлаш учун шундай муҳокама юритади: «Агар биз ҳар қандай ҳаракат вақтда мавжудлигини кўрсатмоқчи бўлсак, унда биз ҳаракатнинг якка турларини, яъни юриш, учиш, сузиш ва х.к. текширамиз ва

биз текширган ҳаракатнинг ҳар бир кўриниши вақтда мавжудлигини аниқлаймиз. Бундан, ҳар қандай ҳаракат вақтда мавжуд, деб хулоса чикарамиз». Натижада берилган ҳукмнинг чинлигини исботлаймиз.

Форобий индуктив хулоса тажриба натижаларини умумийлаштиришга асосланишини таъкидлайди. У индуктив хуносанинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган турлари мавжудлигини, биринчиси чин, аниқ, иккинчиси эса эҳтимоллик ҳарактеридаги билимлар беришини мисоллар орқали тушунтиради.

Мутафаккир индуктив хулоса чиқариш кўринишидаги исботлаш билан аналогия орқали хулоса чиқариш кўринишидаги исботлашни таққослаб, аналогия индукцияга нисбатан кучсизроқдир деб кўрсатди. Форобий аналогияни шундай тушунтиради: Биз кузатиш орқали деворнинг яратилганлигини ёки амалдаги (жорий) сабабга эга эканлигини биламиз. Сўнг осмон ҳам деворга ўхшашлигини, чунки унинг ҳам жисм эканлигини аниқлаймиз. Ҳудди шу нарса умумий мазмунни ташкил этади. Натижада аналогия буйича исботлаш мумкин бўлади: Девор яратилган, девор – жисм, осмон жисм, демак осмон яратилган. Форобийнинг фикрича, бу мухокама силлогизмнинг I фигурасига teng кучлидир, яъни “Жисм – бу девор, девор яратилган, демак, жисм яратилган, осмон – жисм, жисм яратилган, демак, осмон яратилган.”

Форобий «Мантиқ илмига кириш» асарида бошланғич билимларнинг куйидаги турларини кўрсатиб ўтган:

1. Мақбулот – нуфузли, обрўли кишилар томонидан тасдиқланган ва улар белгилаб берган билимлар;

2. Машхурот – инсонлар орасида кенг таркалган ва чин деб қабул қилинган билимлар;

3. Маҳсулот – сезги аъзолари воситасида хосил қилинган билимлар;

4. Мақбулоти аввал – илмнинг бошланишидаёк маълум бўлган чин фикрлар, яъни аксиомалар.

Донишмандлар фикрини мухокама ва мунозарада исботсиз қабул қилиш, бошланғич билим сифатида талқин этиш, фақат Форобийдагина эмас, илк ўрта асрлар даври мусулмон Шарқининг бошқа файласуфлари асарларида ҳам учрайди.

Форобийнинг бу масалага оид фикрлари тўғри тафаккурлашнинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган, етарли асос қонуни билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Унга кўра, нуфузли шахсларга асосланиш деганда, бирор фикр – мулоҳазанинг чинлигини исботлашда, асослашда обърўли, эътиборли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади.

Форобий шахсларнинг кўрсатмаларига асосланишда меъёрга амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Унингча, инсон ҳеч қачон нуфузли шахсларни ҳақиқатдан устун қўймаслиги керак. «Инсон ақлий қобилиятларини шундай яхшилаши керакки, унинг иродаси ҳақиқатга йўналтирилган бўлсин. Аристотелга тақлид қилиш шундай бўлиши керакки, тики унга бўлган мұхабbat ҳеч қачон шу даражага етмасинки, уни ҳақиқатдан афзалроқ кўрмасинлар, тики ундан нафратланмасинлар ва уни рад этиш истагида бўлмасинлар». Мутафаккирнинг бу фикрлари хозирги даврда ҳам

ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Хулосалаш, исботлаш учун асос бўлувчи билимлар қаторига Форобий инсонлар орасида кенг тарқалган ва улар томонидан ҳақиқат деб тан олинган билимларни киритади. Бу каби билимларни машхурот деб атайди. Улар чин ёки хато бўлиши мумкин. Масалан “ота – онани хурмат қилиш ҳар бир фарзанднинг бурчидир”, деган фикр худди шу каби чин билимни ифодалайди. Мутафаккир ҳаммага маълум бўлган фикрларни саккиз турга бўлади ва уларни ифодаловчи қўйидаги ҳукмларни кўрсатиб беради:

1. ҳам чин, ҳам ишончли бўлган ҳукмлар;
2. тўлиқ ёки қисман чин бўлган ҳукмлар;
3. ҳақиқатга ўхшаш ҳукмлар;
4. тушунирувчи ҳукмлар;
5. зарурий ҳукмлар;
6. шартсиз ҳукмлар;
7. эҳтимолий ҳукмлар;
8. назарий ва амалий фанларни ҳукмлари.

Форобий сезги аъзолари воситасида хосил қилинадиган билимларни, ҳиссий билиш натижалари - маҳсулот деб атайди. Унинг фикрича, буюм ва ходисаларнинг муайян физик хусусиятларининг сезги аъзоларига таъсири натижасида инсон бу буюмлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида билимга эга бўлади. Бу билим асосан буюм ва ходисаларнинг ташқи белгиларини, яъни акциденцияларни ифодалайди. Инсон ҳиссий билиш воситасида буюмнинг ташқи кўриниши, тузилиши ҳақида билимга эга бўлади, лекин буюмнинг моҳиятини била олмайди. Бу ҳақда Форобий шундай деб ёзади: «Ташқи сезгилар соф тушунчаларни қабул қилмайди, уларни (моддий субстрат билан) аралаштириб юборади ва қабул қилаётган объект йўқолгандан сўнг уларни мустаҳкамлайди. Сезги (масалан) Зайдни инсоннинг соф тушунчаси сифатида қабул қилмайди, (реал) инсонни, унга фақат сон, сифат, ўрин, вазият ва бошқа (категория)лар эмас, балки янада кўп сонли ҳолатларнинг тааллуқли бўлишини қабул қилмайди. Агар бу ҳолатлар инсон (тушунчасининг) ҳақиқий моҳиятига кирганда, унда улар ҳамма одамлар учун умумий бўлган бўларди».

Демак, Форобийнинг фикрича, сезгилар воситасида инсон якка буюмларнинг жузъий жиҳатларини билади ва улар ҳақида эмпирик тушунча хосил қиласиди. Лекин сезгилар умумий тушунчалар ҳақида билим бермайди.

Аристотель каби Форобий ҳам илмнинг бошланишидаёқ маълум бўлган ҳақиқий фикрлар (маъқулоти аввал)ни, яъни аксиомаларни бошланғич билимлар қаторига киритади.

Бу билимлар качон ва қандай вужудга келганлигини ҳеч ким билмайди, лекин улардан асос, аргумент сифатида кенг фойданилади. “Бир тоқ сон, икки-жуфт сон”, “бутун уни ташкил қилувчи кисимлардан катта” каби фикрлар шундай билимларжумласига киради. Аксиомалар фақат бир илм соҳасига тегишли бўлиб қолмай, ўзаро боғлиқ илмлар соҳасида ҳам мавжуд бўлади. Масалан, нозидлик қонуни барча илмлар учун умумий бўлган аксиомани ифодалайди.

Юқорида кўриб ўтилганидек, Форобий исботлаш учун асос бўлувчи

билимларнинг тўрт турини кўрсатиб ўтди. У, Аристотелдан фарқли равища, сезгилар воситасида олинган билимларни ҳам бошланғич билимлар қаторига қўшди. Форобий инсон бошланғич билимларни қандай қилиб олади деган саволга жавоб бериб, шундай деб ёзади: «Боланинг жони бошланғичларни ва тамойилларни сезгилар ёрдамида қабул қилишга мойил. Булар унда англанилмаган ва беғараз ҳолда ишлаб чиқилади. Буларнинг ишлаб чиқилишига сабаб жоннинг уларга мойиллигидир». Демак, жон бошланғич билимларга мойил бўлганлиги учун уни қабул қилади. Лекин бошланғич билимларнинг ўзи, айниқса аксиомалар қандай пайдо бўлган, деган савол Форобийда ҳам ўз ечимини топмайди.

Маълумки, ўрта асрларда турли диний, ҳуқуқий, ижтимоий масалалар бўйича баҳс - мунозаралар ўтказиш кенг расм бўлган. Баҳслашиш қонун – қоидаларини мукаммал билиш баҳсда ютиб чиқишининг гарови бўлган. Форобий «Китоб ал-жадал» деб номланган асарида баҳс юритиш санъати билан боғлиқ мантиқий масалаларни батафсил баён қилиб берган.

Илк ўрта асрларда бу санъат антик давр анъанасига кўра диалектика деб аталган. Албатта, ўша даврда бу терминнинг қўлланилиши билан ҳозирги даврдаги қўлланилиши ўртасида катта фарқ бор.

Форобий диалектик баҳснинг «биринчи мақсади рад этиш бўлса, исботлаш унинг иккинчи мақсадидир», - деб ёзади.

Исботлашнинг диалектик методи Форобийнинг фикрича савол ва жавоб усулидангина иборат бўлмай, балки баҳс - мунозара юритишнинг стратегияси ва тактикаси ҳамdirки, бунинг натижасида мухолиф устидан ғалаба қозонилади.

Марказий Осиё мутафаккирлари, жумладан Форобий ҳам, диалектикага санъат деб қарайдилар. Диалектика ҳақиқатга яқин бўлган асослардан бошланади ва жавоб бераётганда ички зиддиятларга йул қўймасликка ўргатади.

Диалектик баҳс икки киши ўртасидаги савол- жавоб кўринишида амалга ошади. Бу кишилардан бири савол берувчи, бошқаси жавоб берувчи бўлади. Диалектик баҳс билишнинг ҳақиқатга яқин бўлган фикрлардан ҳақиқатга томон йўналишини ифодалайди. Баҳс ҳақиқатга яқин бўлган фикрдан бошланади. Диалектик савол исботланиши талаб қилинган масалани то у ҳал бўлганга қадар изчил бўлинишини талаб қилади. Диалектик жавоб тезисдаги ҳимояни ифодалайди.

Аристотель диалектик баҳснинг структурасида тезис, проблема ва топни ажратиб кўрсатади. Форобий ва Ибн Синолар бунга диалектик асос деган тушунчани киритганлар.

Диалектик асослар ҳаммага маълум бўлган ва кўпчилик томонидан қабул қилинган қарашлардир. Форобий диалектик асосларнинг қуйидаги ўн турини кўрсатиб ўтади:

1. Ҳамма одамлар томонидан қабул қилинган қарашларни ифодаловчи асослар;
2. Кўпчилик томонидан қабул қилинган ва бошқалар томонидан эътиroz билдирилмаган қарашларни ифодаловчи асослар;

3. Олимлар, файласуфлар томонидан қабул қилинган қарашларни ифодаловчи асослар;

4. Олимлар ва файласуфлар томонидан қабул қилинган, улардан баъзилари ва бошқалар томонидан эътиroz билдирилмаган қарашларни ифодаловчи асослар;

5. Ақилли ва фазилатларига кўра бошқаларга нисбатан юкори бўлган одамларнинг эътиroz билдирилмаган қарашларини ифодаловчи асослар;

6. Ҳар бир санъатда унинг вакиллари томонидан тўпланган қарашларни ифодаловчи асослар;

7. Ҳар бир санъатнинг энг уста вакилларининг эътиroz билдирилган қарашларини ифодаловчи асослар;

8. Предикатлари субъектларининг маълум бир қисмида ёки қўпчилигига маълум бўлган асослар;

9. Қўпчилик томонидан қабул қилинган қарашларга ўхшаш бўлган қарашларни ифодаловчи асослар;

10. Агар бир буюмнинг бошқа бир буюмда мавжудлиги ҳақида ҳаммага маълум қарашлар бўлса, унинг зиддияти бўлган қарашлар ҳам ҳаммага маълум бўлган асосни ифодалайди.

Ҳар қандай тезисни рад этишда зарур бўлган исботларни танлаш учун параллел исботларни таққослаш зарур. Тасдиқловчи ва инкор этувчи асосларнинг қўп бўлиши рад этишга катта ёрдам беради.

Зарурий бўлмаган, тахминий билим берувчи исботлаш усулларидан бири софитика (сафсата)дир.

Форобий «Фалсафату Аристотолис» номли рисоласида софитика тарзида исботлаш бўйича баҳсда катнашувчиларнинг ҳар бири қўллайдиган қўйидаги олти усулни кўрсатади: «1) танбех, 2) саросима, довдираш, 3) тухмат ва қатъият, 4) нутқда дудукланишга мажбур қилиш, 5) бемаъни нарсалардан фойдаланиш, сафсата, 6) сукутга мажбур этиш, хатто баҳслашувчи гапиришга қодир, қобилиятли бўлса ҳам, гапиришни ман этиш».

Форобий софитик ва поэтик исботлаш усуллари ўртасидаги тафовутга тўхталиб, софист мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсани мавжуд деб тасвирлайди, тақлидчи, шоир эса воқеликка тескари бўлган нарсани эмас, балки унга ўхшаш нарсани тасвирлайди, деб кўрсатади.

Мутафаккир исботлаш жараёнида учрайдиган мантикий хатоларга алоҳида эътибор берган. Форобийнинг кўрсатишича, муҳокамаларни чалкаштириш, янглиштириш, алдаш, нотўғрини тўғри, тўғрини нотўғри деб билиш» софизмларни келтириб чиқаради. У софизм сўзининг маъносини «сохта донолик» деб тушунтиради. Бундай ишлар билан шуғулланувчиларни, яъни ростни ёлғон, ёлғонни рост, деб тасдиқловчи, ўзини донно, бошқаларни эса нодон қилиб кўрсатувчи кишиларни софистлар деб атайди.

Софистик муҳокамалар сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмашиниш жараёнида сұхбат ва баҳс юритишда қўлланилади. Бундай муҳокамалардан мақсад «сұхбатдошнинг ёлғон гапираётганлигини кўрсатиш, унинг фикрини юзаки рад этган ҳолда, ҳамма томонидан қабул қилинган фикрларга нисбатан зид фикрга олиб келиш, фикрни чалкаш баён қилишга ва

(сухбатдошини) ҳадеб битта фикрни кайта – кайта тақорлашга (эзмалик қилишга) мажбур этишдир». Софистлар ўз мақсадларни амалга оширишда инсоннинг руҳий ҳолатидан, тафаккурида ўрнашиб қолган фикрлардан, одатларидан, шунингдек бирор ғоянинг тарафдорлари эканлигидан усталик билан фойдаланганлар.

Форобий «фикр юритиш жараёнидаги мантиқий хатоларнинг олдини олиш учун софистлар қўллайдиган усусларни билиш, бизга бирор фикрни исботлашаётганда ёки ўзимиз бошқаларга исботлаётганимизда, уларнинг таъсиридан кутилиш имконини беради», - дейди.

Форобий сафсаталарни силлогизмларнинг тузилиши ёки уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ бўлган хатоликларга йул қўйишнинг оқибатида вужудга келади, деб ҳисоблайди. Исботлаш асосан силлогистик кўринишда бўлгани туфайли, исботлашда учрайдиган хатолар ё шаклга ё мазмунга тааллуқли бўлади.

Форобий «Софистика» асарида шакл билан боғлиқ бўлган мантиқий хатоларнинг, яъни сўзларнинг ишлатилишига кўра йул қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг ўн саккиз турини кўрсатади ва уларнинг ҳар бирини батафсил тушунтириб беради.

Мутафаккир силлогизмнинг терминлари ва асослари билан боғлиқ бўлган хатолар ҳам софистик муҳокамаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади, деб кўрсатади, бундай хатоликларнинг қўйидаги турларини аниқлаб беради:

1. Силлогизмдан талаб қилинган буюм ҳақида ҳам, бошқа буюм ҳақида ҳам, уларнинг ўзгариш ёки ўзгармаслигидан қатъий назар, хulosса чиқарилмайди. Бунга Мелисс силлогизмини мисол қилиб олиш мумкин: “Агар мавжуд нарса вужудга келган бўлса, унда у бошланғич нуктасига эга. Лекин у вужудга келмаган. Демак, унинг бошланғич нуктаси йўқ. Шу сабабдан мавжуд нарса мутлақ ягона ёки ибтиносига ҳам, охирига ҳам эга эмас.” Бу силлогизмда хulosса асослар билан мантиқий жиҳатдан боғланмаган.

2. Силлогизмдан талаб қилинган хulosса эмас, балки бошқача хulosса чиқарилади. Буни Парменид силлогизми мисолида кўриш мумкин: “Мавжуд нарсалардан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Мавжуд бўлмаган нарсалар ҳеч канда буюм эмас. Демак, фақат мавжуд нарсалар мавжуддир.” Асли хulosса қўйидагича ифодаланганда тўғри бўлади: “Мавжуд нарсалардан бошқа ҳеч нарса буюм ҳисобланмайди.”

3. Силлогизмдан талаб қилинган хulosса биринчи навбатда эмас, балки иккинчи навбатда чиқарилади.

4. Силлогизмдан талаб қилинган хulosса тасодифийлик асосида чиқарилади. Бунда хulosса асослари хато, хulosса эса чин бўлади.

5. Силлогизмдан талаб қилингани хulosса шу фан асосида эмас, балки унга боғлиқ бўлмаган бошқа соҳага асосланиб чиқарилади. Масалан, “учбурчак икки томонининг йиғиндиси учинчи томонидан катта” деган хulosани “узоқ йўлга узоқ вақт кетади”, деган мулоҳаза билан асосланса юқоридаги хато келиб чиқади.

6. Силлогизмдан талаб қилинган хulosса фақат у ёки бу ҳолатда келиб

чиқса, лекин силлогизм қисмлари бу ҳолатда олинмаса, натижада бошқа ҳолатга оид хulosса чиқарилади. Масалан Протагорнинг мулоҳазасига кўра, «Инсон ҳақиқатда ҳам (зарурий равишида) ҳайвондир, чунки у хоҳиши ва эхтиёжига амал қилган ҳолда ҳаракат қиласди».

7. Силлогизм асослари, гүёки улар аниқ, равshan бўлганлиги туфайли, тушириб қолдирилади. Масалан: “Бир қисмларга ажралмайди, чунки у бўлинмаган ва қўшилмаган, шунинг учун у қисмларга ажралмайди.” Бунда хulosса хато бўлса ҳам, тўлиқ асосланмаганлиги туфайли чин бўлиб туюлади.

8. Силлогизм асослари талаб қилинган хulosани келтириб чиқаришга имкон бермайди. Бундай ҳолатни кўп гапиравчи ва эзмалик қилувчиларнинг муҳокамаларида учратиш мумкин.

9. Силлогизмда тингловчи учун номаълум бўлган ёки у қабул қилмайдиган асослар олинганда, бу асослар чин бўлса ҳам, улар воситасида исботлашни амалга ошириб бўлмайди. Бундай силлогизмлар кўпроқ диалектик исботлашга тааллуклидир.

Форобийнинг мантиқий таълимоти Яқин ва Ўрта Шаркда, Марказий Осиёда мантиқ фанининг ривожланишини белгилаб берди, мантиқ илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди.

### **Машриқ мактаби вакилларининг мантиқий таълимоти Иbn Синонинг мантиқий таълимоти**

Форобийнинг мантиқ соҳасидаги ишларининг давомчиларидан бири турли илм соҳаларига оид қатор асарлар яратган, ўз даврининг дунёга машҳур қомусий олими Абу Али Ибн Сино (980-1037) дир. У Бухоро яқинидаги Афшона шахрида, амалдор оиласида туғилди, Бухорода тахсил олиб, шу ерда олим, табиб сифатида шухрат қозонди, маълум бир муддат Хоразмда яшади. Ибн Сино 31 ёшида Хоразмни тарқ этди. 1037 йили Ҳамадонда вафот этди.

Ибн Сино 280 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Бу асарлар илмнинг турли соҳаларига оид бўлиб, улардан 150 дан ортиғи фалсафа ва мантиқ масалаларига бағишлиланган. Булар орасида фалсафа ва мантиқ фанининг барча масалаларини изчил равишида ўз ичига олган асари- “Китоб- аш- шифо” дир. “Китоб-аш-шифо” нинг мантиқга оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва тартиби Форобийники кабидир. Мутафаккирнинг бу асари мантиқ соҳасидаги барча илмлар асосида вужудга келган бўлиб, унда мантиқга оид масалалар тўлиқ қамраб олинган.

Ибн Синонинг “Ишорат ва танбеҳот”, “Ан-Нажот”, “Донишнома”, “Рисолаи мантиқ”, “Хикмати машриқия”, “Китоби ҳидоя” асарларида фалсафа ва мантиқка оид масалалар баён этилади. Мутафаккир мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти сифатида талқин этади.

Ибн Сино асосан Аристотель ва Форобийнинг мантиқий таълимотларини давом эттирган бўлса-да, кўп масалаларда мустақил йўл тутади. Ибн Сино мантиқ фанини маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқарувчи, уларни бир-биридан фарқ қилувчи, чин ва

хато билимлар, уларнинг турларини ўрганувчи фан ёки назарий санъатдир, - деб таърифлайди. Мутафаккир мантиқ илми объектив оламни билиш учун хизмат қилади, билиш эса реал предметларни аввало сезгилар орқали акс эттиришга, сўнг ақлий, мавҳум тафаккурлашга асосланади, -деб таъкидлайди.

Иbn Сино фалсафа, билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини аралаштириб юбормайди, уларни алоҳида-алоҳида баён қилади. Бу жиҳатдан Иbn Синонинг мантиқ фани ҳақидаги таълимоти Аристотель яратган мантиқ фанига нисбатан жуда кўп янги маълумотларни беради. Унинг мантиқий масалаларни ўрганишда турли белги (символ)лардан фойдаланиши ҳам мутафаккирнинг ютуғи ҳисобланади.

Иbn Синонинг мантиқий таълимотида тафаккур шакллари бўлган тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш, уларнинг тузилиши, турлари, шунингдек, исботлаш масалалари кенг ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

Иbn Сино мантиқий таълимотини ҳулоса чиқариш ва исботлашнинг муҳим таркибий қисми бўлган тушунча ва ҳукмнинг табиатини аниқлашдан бошлаган. Билимлар тушунча ёки ҳукм шаклида ифодаланади. Шунга кўра мантиқшуноснинг асосий вазифаси, Иbn Синонинг сўзлари билан айтганда, аввало якка, оддий тушунчаларни аниқлашдан иборатдир.

Тушунчалар сўз орқали ифодаланади. Мутафаккир тил фикрнинг белгиси ва муомала воситасидир, деган ғояни асослаб берди. Форобийда бу ғоя мантиқ илми билан грамматиканинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Иbn Сино эса масалага, тил фикрнинг белгисидир, деган нуқтаи назардан ёндашади.

Иbn Сино “Китоб-аш-шифо” номли асарида “Инсон ўзига ва бошқаларга яширин фикрлар ҳақида тил воситасида хабар беради, чунки инсон ақли тилсиз муайян мазмунни ифодалай олмайди ; инсон фикр юритганда хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам хабарланаётган мазмунни унга мос бўлган сўз воситасида ифодалайди ва тилсиз фикрлай олмайди. Тилсиз, сўзсиз ҳеч нарса ҳақида ҳукм чиқаруб бўлмайди ”, -деб ёзади.

Иbn Синонинг фикрича, тил, сўз қандайдир мазмунни ифодаловчи белгидир. У белгиларнинг уч турини кўрсатиб ўтади: ақлий, табиий ва келишилган. Ақлнинг натижаси бўлган ёки ақл сабаб бўлган белги ақлий белги дейилади. Масалан тутун оловнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгидир.

Табиий, физиологик ёки руҳий холатларга бўлган ташқи таъсирини кўрсатувчи белгилар табиий белгилар дейилади. Масалан, томир урушининг тезлиги ҳароратнинг даражасини кўрсатади.

Келишилган белги бирор буюмнинг шартли равишда бошқа буюмнинг белгиси сифатида қабул қилинишининг натижасидир. Масалан “уй” сўзи, ёзма ёки оғзаки баён қилинишидан қатъий назар, уйнинг мазмунини ифодалайди.

Иbn Синонинг белгилар ва уларнинг турлари ҳақидаги фикрлари исботловчи силлогизм ҳақидаги таълимотига бевосита алоқадордир. Унда табиий белгиларни ифодаловчи ҳукмлар шартли силлогизмларнинг асосларини ташкил этади.

Ибн Сино “Мавжудотнинг тақсимланиши тўғрисидаги рисола”сида субстанция ва акциденцияларнинг турларини батафсил таҳлил қиласди. У субстанцияни борлиғи ўз зотидан бўлган нарса (жавхар) деб, акциденцияни эса борлиги ўз-ўзидан бўлмай, бошқа нарсалар туфайли бўлган нарса (ораз) деб атайди.

Антик давр мутафаккирлари каби Марказий Осиё файласуфмантиқшунослари ҳам беш турдаги предикабилияларни кўрсатиб ўтадилар: жинс, тур, фарқловчи белги, хусусий белги ва тасодифий белги. Ибн Синода предикабилиялар бироз бошқачароқ номланган. У хусусий белгини тур белгиси деб, тасодифий белгини эса умумий акцидентал белги, деб атайди. Ибн Синода бу масала “Китаб-аш-шифо”, “Донишнома” ва “Ишорат ва танбеҳот” номли асарларининг мантиққа бағишлиланган қисмида баён қилинади.

Мутафакир предикабилияларни субъект- предикат муносабатлари доирасида кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, жинс, тур, фарқловчи белги, хусусий белги ва тасодифий белги оддий универсал предикатлардир. Мураккаб предикатлар эса уларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, “Зайд-фикрловчи ҳайвон” ҳукмида предикат жинс ва фарқловчи белгидан иборат.

Улар оралигида мавжуд бўлганлари ўзидан қуйидагисига нисбатан жинс, юқорисидагига нисбатан тур бўлади. Улар буйсунувчи жинслар дейилади. Масалан, биз бу предметнинг пальма эканлигини билмаган ҳолда “бу-нимা ?”, деб сўраймиз. Саволимизга бу пальма, бу дарахт, бу ўсимлик, бу жисм деган жавоблар мос келади.

Бу жавобларнинг предикатлари қай даражада умумий ёки хусусий эканлиги билан ўзаро фарқланади. Бу терминлар орасидаги энг умумийси бўлган “жисм”- юқори жинс, “пальма” охирги тур бўлади, дарахт ва ўсимликлар эса оралиқ тушунчалардир. Охирги тур “бу- нима?”,- деган саволга жавоб беради ва якка индивидуумни ифодалайди.

“Бу- нима?” деган савол факт индивидуал буюмга эмас, балки охирги ва оралиқ турларга ҳам тааллуқлидир.

Фарқ қилувчи белги- универсалий бўлиб, унинг воситасида жинсдош турларнинг ҳар бири ўз субстанциясига кўра шу жинсга тегишли бўлган турлардан фарқ қиласди. Масалан, пальманинг хурмо дарахти эканлиги унинг фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади.

Фарқ қилувчи белгиси билан боғланган жинс турнинг таърифи ҳисобланади. Ҳар бир тур таърифининг биринчи қисми- бу унинг жинсидир, иккинчи қисми унинг фарқ қилувчи белгисидир.

Фарқ қилувчи белгилар жинсдан сўнг бевосита қуйидаги икки усулдан бири орқали келади.

а) Жинс қарама- қарши ва зиддиятли фарқ қилувчи белгилар билан айирувчи қўшимча орқали боғланади. Масалан, кўйлак ё жун, ё зигир, ё ип, газламадан тикилади. Жисм озиқланувчи ёки озиқланмайдиган бўлади.

б) Жинсдан сўнг фарқ қилувчи белгилар айирувчи қўшимчасиз ва бир-бирига қарама- қарши қўйилмасдан келади. Масалан, озиқланувчи жисм ва

озиқланмайдиган жисм.

Бундай алокадорлик “қандай” деган саволга жавоб бўлади ва унинг воситасида берилган жинсда мавжуд бўлган турларнинг таърифи келиб чиқади.

Бирорта турга тегишли бўлган ҳар бир фарқ қилувчи белги шу турнинг жинси бўлади ва ҳар сафар у бирор жинсни бўлар экан, шу жинсга тааллуқли бўлган алоҳида турни аниқлади.

6) Юқорида баён қилинган жинс, тур тушунчалари ва уларнинг белгиларини аниқлаш тушунчаларни таърифлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иbn Синонинг фикрича, “Таърифлаш (хад) дан мақсад предметнинг ҳақиқий моҳиятини белгилашдир... Тасвирлаш (расм) дан мақсад буюмни тасаввур қилишдир, гарчи бунда предметнинг моҳиятини билиб бўлмаса ҳам. Демак, таърифлаш предметнинг моҳиятини тушунишдир ”.

Иbn Сино тушунчаларни таърифлашнинг қуйидаги турларини кўрсатиб беради:

1. Тўлиқ таърифлаш- яқин жинс тушунчасининг яқин тур белгиси билан қўшилишидан ташқил топувчи таърифлаш.

2. Тўлиқсиз таърифлаш- узоқ жинс ва яқин фарқ қилувчи белгини кўрсатиш орқали берилган таъриф.

3. Тўлиқ тасвирлаш- яқин жинс ва номухим хусусий белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш.

4. Тўлиқсиз тасвирлаш предметнинг узоқ жинс ва муҳим белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш.

5. Мураккабликни айримлик орқали таърифлаш- таърифланувчи предметга нисбатан маҳсус муносабатда бўлган бир неча умумий белгиларни келтириш орқали таърифлаш.

6. Номинал таърифлаш- бир тушунчанинг маъносини бошқа таниш тушунча ёрдамида кўрсатиб таърифлаш.

Иbn Синонинг фикрича, тўлиқ таърифлаш аподиктик ҳукмларнинг, тўлиқсиз таърифлаш диалектик ҳукмларнинг асосини ташкил этади. Таърифлашнинг қолган тўрт кўриниши риторик, софистик ва поэтик мухокамаларда қўлланилади.

Мутафаккир мантиқий амал сифатида таърифлашнинг назарий асосларини ишлаб чикиш билан бир вақтда, фалсафий- илмий атамаларни таърифлаб берган . Иbn Сино “Таърифлаш тўғрисида рисола” асарида ақл , жон, материя, элемент, субстанция, акциденция каби 72 фалсафий категориянинг таърифини беради, тушунча ва терминларнинг келиб чикиши ва вазифасига ҳам муфассал тўхталади.

Мутафаккир тушунчаларнинг моҳиятини аниқлашда, яъни тўғри таърифлашда муайян мантиқий қоидаларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Бу қоидаларнинг бузилиши пировард натижада турли мантиқий хатоликларни келтириб чиқаришини тушунтириб беради.

Иbn Сино таърифлашда учрайдиган қуйидаги мантиқий хатоларни кўрсатиб беради:

1. Предметни унинг ўзи орқали билишга харакат қилинса,

таърифлашда хатога йўл қўйилади. Масалан, “вакт ҳаракатнинг муддатидир.”

2. Предмет унга қарама- қарши бўлган бошқа таниқли предмет орқали таърифланса, хатога йўл қўйилади. Масалан, “қора оққа қарама- қарши бўлган рангдир.”

3. Предмет янада ноаниқ бўлган бошқа предмет орқали таърифланса, хатога йўл қўйилади. Масалан, “олов жонга ўхшаш жисмдир.”

4. Предметни ўзи орқали билинадиган бошқа предмет орқали таърифланганда хатога йўл қўйилади. Масалан, “Қуёш кундузи чиқадиган юлдуздир”. Шунингдек, Ибн Сино таърифлашда турли бадиий иборалардан, метофарапалардан фойдаланмаслик зарурлигини таъкидлайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур қоидаларда кўрсатилган шартлар, талаблар ҳозирги мантиқ илмидаги таърифлаш қонунларида бир оз қайта ишланган ҳолда ўз ифодасини топган.

Ибн Сино хато берилган таърифлар исботловчи билим асоси, яъни силлогизм асоси бўла олмаслигини таъкидлаб ўтади. У “номаълум тушунча таърифланганда, исботланган бўладими?” деган саволга инкор жавоб беради. Унинг фикрича, таърифлаш исботлашни эмас, балки исботлаш асосларини ифодалайди, холос. Ибн Синонинг бу масалага оид билимлари Аристотель қарашларига мос келади.

Ибн Сино исботлаш учун асос бўлувчи билимларни чукур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш натижасида дастлабки, бошланғич билимларнинг ўн уч турини таърифлаб беради. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Аксиомалар- аввалийят;
2. Сезгилар воситасида ҳосил қилинган билим- маҳсусат;
3. Тажриба асосида ҳосил қилинувчи билим- тажрибийат;
4. Бошқа кишилардан билиб олинган фикрлар- мутаватират;
5. Ақлда доимо мавжуд бўладиган билимлар;
6. Интуиция-ваҳмийат;
7. Кўпчилик томонидан қабул этилиб, тасдиқланган билим- машҳурат ба ҳақиқат;
8. Доно кишилар томонидан белгиланувчи билимлар- мақбулот;
9. Эҳтимоллик тарзида бўлган билимлар- мусалламат;
10. Ўхшашликни ифодаловчи билимлар-мушбихат;
11. Зоҳирий билимлар- машҳурат-ба заҳир;
12. Тахминий билимлар-мазнунат;
- 13.Хаёл-мутахайилат.

Айтиш мумкинки, Ибн Синода бошланғич билимларнинг берилиш тартиби Форобийникидан фарқ қиласи. У бошланғич билимларнинг таҳлилини аксиомалардан бошлайди. Ибн Сино ҳам аксиоматик тушунчалар билан оддий тушунчалар ўртасидаги тафовутни тушунтириб беради, лекин аксиоматик билимларнинг келиб чиқишини тушунтириб бера олмайди.

Сезгилар воситасида кўриш, эшитиш ва умуман, беш сезги аъзолари воситасида ҳосил қилинувчи билимлар Ибн Синода оддий кузатишнинг натижаси ҳисобланади. Бу каби билимларнинг ақлда тасодифий бўлмаган, такрорланиб турувчи доимий холатлар сифатида қайд этилиши тажриба

асосида ҳосил қилинувчи билимларни шакллантиради.

Ибн Синонинг энг асосий бошланғич билимлар сифатида тажрибани алоҳида кўрсатиб ўтиши Закариё ар- Розий ва Беруний билан ёнма-ён унинг табиий-илмий билимларга катта эътибор берганлиги кўрсатади. Албатта, ундаги “тажриба” тушунчаси хозирги бизнинг “эксперимент” тушунчамиздан фарқ қиласди.

Мутафаккир ижтимоий тажриба тушунчасини қўлламаган бўлса ҳам, бошқа кишилардан билиб олинган билимлар билан кўпчилик томонидан қабул этилиб, тасдиқланган билимлар ижтимоий тажриба натижасида ҳосил бўлишини эътироф этади. Масалан, биз Бағдод ёки Кохирани кўрмаган бўлсак ҳам, бу шаҳарларнинг мавжудлигини бошқалардан эшитиб биламиз ва шубҳа туғдирмагани учун бу фикрларни чин деб қабул киласми. Бу каби билимлар мутаватиротдир.

Шундай билимлар бўладики, уни инсонлар болаликдан бошлаб қабул қиласдилар ва маъқуллайдилар. Булар ахлок меъёрларини ифодаловчи урф-одатларда, тажрибада ифодаланиб, мустаҳкамланиб қолган билимлардир. Масалан, “ёлғон гапириш-ёмон одат”, “ота-онасини хурмат қилиш зарур” каби фикрлар шундай билимни ифодалайди. Улардан баъзилари амалий ақл нуқтаи назаридан чин, аниқ ҳисобланса ҳам, назарий ақл нуқтаи назаридан баъзилари чин, баъзилари хато ҳисобланади. Бу каби билимлар- машҳурот баҳақиқатдир. Билимларнинг ҳар икки тури ҳам исботлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ибн Сино исботлаш учун асос бўлувчи бошланғич билимлардан саккизинчиси сифатида мақбулот, яъни доно кишилар томонидан белгиланувчи билимларни қайд этади. У Форобий каби бошланғич билимлар системасида нуфузли шахсларни етакчи ўринга қўймайди, бунга сабаб бу каби билимларнинг кўпчиликка маълум эмаслиги ва исботлаш учун асос сифатида кенг қўлланилмаслигидир. Чунки Ибн Синонинг фикрича, “мақбулот-олимлар, донишманлар томонидан қабул қилинган билимлар бўлиб, улар на бошланғич тамойил (аксиома) ва на сезгиларнинг натижаси ҳисобланади ”. Масалан, “таъриф айланма бўлмаслиги керак ” лиги ҳақидаги фикр мантиқшунослар томонидан қабул қилинган қоидани ифодалайди. Бу каби қоидалар янги билимларни ҳосил қилувчи ва уларнинг чинлигини исботловчи асослар бўлиб хизмат қиласди.

Ибн Сино табиб ва файласуф-табиатшунос сифатида интуиция ва хаёлни ҳам бошланғич билимлар қаторига киритади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, интуиция ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди, инсон қалбида катта кучга эга бўлади ва ундан шубҳаланиб бўлмайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда фикрлаш жараёнининг алоҳида қисмлари англанилмайди ва асосан фикр юритиш натижаси - ҳақиқатгина англашган ҳолда аниқ, равshan қайд этилади. Ибн Синонинг таъкидлашича интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисобланса-да, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли асос бўлолмайди.

Хаёл- шундай асосларни ифодалайди, улар ёрдамида ҳеч қандай сабабсиз инсонда кучли истак ёки нафрат пайдо бўлади. Бу холатни Ибн Сино қуидагича тушуниради: “Кимгадир сен еяётган нарса сариқ касалга сабабчи бўлади дейилса, у асал еяётган бўлса ҳам, кўнгли айниб, бошқа асал емайди”. Демак, хаёл инсоннинг руҳий холатига таъсир кўрсатиш орқали фикрни исботлашни кўрсатади. Хаёлий фикрлар чин ёки хато бўлади. Чин бўлган хаёлий фикрлар ақлга қувват беради.

Ибн Сино бошланғич билимлардан ақлда доимо мавжуд бўладиган ҳулоса асослари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, шундай билимлар мавжудки, уларни исботлаш учун силлогизмдан фойдаланиш зарур бўлади; баъзи силлогизмлар эса шундай бўладики, асосни келтиришимиз билан ўрта терминни билиб оламиз. “Тоқ сон жуфт сондан биттага кўп ёки кам бўлади”, деган фикр қисқа ҳолда худди шундай силлогизмни ифодалайди. Бу фикрнинг силлогизм эканлигини ҳар ким билмаса ҳам, лекин ундан қандай ҳулоса чиқариш мумкинлигини ўйлаб топа олади.

Бошланғич билимлардан эҳтимоллик тарзида бўлган, ўхшашликни ифодаловчи, зохирий ва тахминий билимларнинг таҳлили улар кишилар ўртасида кенг тарқалган билимларнинг чинлиги ва қўлланилиш доирасига кўра турларини ифодалайди деб ҳулоса чиқаришга имкон беради.

Айтиш мумкинки, Ибн Сино бошланғич билимлар тўғрисидаги масалани янада чуқурлаштириди, Форобийнинг бу соҳадаги қарашларига тузатишлар, тўлдиришлар киритди. У Форобийдаги тўрт бошланғич билим ўрнига ўн уч бошланғич билимни санаб ўтди ва уларнинг тартиби масаласига ҳам аниқлик киритди.

Шунингдек, Ибн Сино “Ишорат ва танбеҳот ” асарида бошланғич билимларни ифодаловчи ҳукмларнинг таснифини ҳам берди, уларнинг чин бўлиш шартларини аниқлади.

Юқорида кўриб ўтилган ҳулосалаш, исботлаш учун асос, аргумент бўлувчи билимларнинг ҳаммаси, мутуфаккирнинг фикрича, хақиқатни аниқлашга хизмат қиласи. Бу билимлардан илмнинг турли соҳаларида фойдаланилади. Улардан баъзилари исботловчи силлогизмнинг асослари бўлса, бошқалари диалектик, риторик ёки софистик силлогизмларнинг асосларини ташқил этади.

Ибн Сино илмий дедуктив назариянинг бошланғич тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Бу тамойил фақат маълум бир фан доирасида қўлланилади. Буларга:

биринчидан, шу фандаги асосий тушунчаларнинг таърифлари киради;  
иккинчидан, ҳаммага маълум бўлган, чинлиги шубҳа туғдирмайдиган шу фанга оид фикр- мулҳазалар киради;

учинчидан, чинлиги шубҳа туғдирса ҳам, тадқиқотчининг эътиқодига зид бўлмаган, хақиқат деб қабул қилинувчи илмий фаразлар;

тўртинчидан, табиатига кўра илмий гумонлар билан ўхшаш бўлган постулатлар (хақиқатлиги аён бўлмаса ҳам, исботсиз асос килиб олинадиган қоидалар) киради.

Ибн Синонинг исботловчи билим асослари тўғрисидаги фикрлари соф

мантиққа оид бўлибгина колмай, балки гносеологик қарашларининг ҳам таркибий қисми ҳисобланади. Мутафакир дунёқарашининг ўзига хос томонлари бу масалага бўлган муносабатида ҳам ўз ифодасини топган.

Иbn Синонинг силлогизм таркибий қисмлари, уларнинг номланиши ва жойлашиши ҳақидаги фикрлари Форобийнинг қарашлари билан айнандир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Аристотель каби ўрта терминнинг жойлашишига кўра силлогизмнинг уч фигураси (шакли) мавжудлигини кўрсатиб ўтадилар. Иbn Сино ҳукмларнинг ҳар қандай бирикиши силлогизм бўла олмайди деб таъкидлайди. Бу ҳақда Иbn Сино шундай деб ёзди: “Икки инкор ҳукмдан силлогизм ташкил топмайди. Икки жузъий ҳукмдан ҳам силлогизм ташкил топмайди. Кичик термин инкор, катта термин эса жузъий бўлганда ҳам силлогизм ташкил топмайди. Ҳар бир фигура ўзига хос хусусиятларга эга”.

Биринчи фигурага хос бўлган хусусият шундан иборатки, катта асос жузъий ёки ноаниқ бўлиб, кичик асос инкор бўлган ҳукмларнинг 15 хил бирикуvida ҳулоса бермайди. Ҳукмларнинг бирикуви силлогизмнинг биринчи фигурасини ҳосил қилиши учун, уларнинг кичик асоси тасдиқ ва катта асоси умумий ҳукм бўлиши керак.

Иккинчи фигурада ҳар иккала асоси тасдиқ ҳукм бўлганда, агар катта асос жузъий ёки ноаниқ ҳукм бўлса, ҳулоса чиқариб бўлмайди. Шунга кўра силлогизмнинг иккинчи фигурасида асослардан бири тасдиқ ҳукм, бошқаси инкор ҳукм бўлиши ва катта асос ҳамма вакт умумий бўлиши шарт.

Учинчи фигурада хос хусусият шуки, кичик асос инкор ҳукм бўлганда, ҳеч қандай ҳулоса чиқариб бўлмайди. Силлогизмнинг учинчи фигурасида кичик асос ҳамма вакт тасдиқ ҳукм, асослардан бири эса умумий ҳукм бўлади.

Шунингдек ноаниқ ҳукмлардан ташкил топган ҳулоса факат жузъий ҳулоса бериш билан чекланади.

Иbn Сино ҳам мураккаб силлогизм шартли ва қатъий силлогизмлардан ташкил топиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу билан биргалиқда Иbn Сино муносабат ҳукмларидан ҳулоса чиқариш кўринишида бўлган исботлаш усулидан ҳам кенг фойдаланади. У бундай ҳулоса чиқаришни тенглик силлогизми деб атайди. Иbn Синонинг мантиқга оид асарларида муносабат ҳукмларидан ҳулоса чиқариш шаклида бўлган исботлашнинг икки асосий тури кўрсатилади: тенглик ва даражасига кўра. Масалан С тенг В га, В тенг А га, унда С тенг А га. Бу ерда Иbn Синонинг фикрича, “Тенгга тенг бўлган тенгдир” деган ибора тушуриб қолдирилади. Шунинг учун силлогизмдаги тартиб бузилади, чунки ҳамма терминларга хос бўлган зарурий умумийлик улардан баъзиларини бирлаштиради, холос. Бундай силлогизм турли кўринишларга эга ва масалан таққослаш, ўхшатиш кабиларни ўз ичига олади. Даражасига кўра, яъни таққослаш орқали исботлаш ҳақидаги Иbn Синонинг фикрларини қўйидаги формула орқали ифодалаш мумкин; А катта В дан, В катта С дан, демак, А катта С дан; ёки А кичик В дан, В кичик С дан, демак А кичик С дан. Бундай фикр юритиш хозирги замон математик мантиқ илмида транзитивлик муносабати деб аталади ва қўйидагича ифодаланади: (aRb)---(bRc)---(aRc).

Иbn Синонинг ҳулоса чиқариш ва исботлашга оид таълимотларида

индукция ва аналогиянинг воқеликни билиш жараёнидаги аҳамияти батафсил таҳлил қилинади. Унинг фикрича, агар биз умумийликка нисбатан бирор фикрни тасдиқламоқчи ёки инкор этмоқчи бўлсак, унда бу умумийликка кирувчи якка буюмларни бирма- бир текшириб чиқамиз ва шу асосда умумийлик ҳақида ҳукм ҳосил қиласиз. Ҳосил қилинган умумий ҳукм индуктив холосадир. Ибн Сино “индуция деб турли хил нарсаларга хос бўлган умумийликни аниқловчи ҳукмга айтилади”, - деб ёзди. Унинг таъкидлашича, индуция силлогизмнинг I фигурасига teng кучли бўлган муҳокамадир. Унда якка буюмлар ўрта термин бўлади.

Ибн Сино бу модусларга қўйидаги мисолларни келтиради:

Агар кишининг иссиғи бўлса, унда унинг томир уруши тезлашади.

Бу кишининг иссиғи бор.

Демак, унинг томир уруши тезлашади.

Бу мисол шартли қатъий холоса чиқаришнинг modus ponens деб аталувчи аниқ холоса чиқаришнинг кўринишини ифодалайди. Шартли қатъий холоса чиқаришнинг кейинги кўриниши modus tollens га мос келади:

Агар бу кишининг иссиғи бўлса, унда унинг томир уриши тезлашади.

Лекин унинг томир уриши тезлашмаган.

Демак, унинг иссиғи йўқ”.

Ибн Сино шунингдек қўйидаги икки ҳолатда шартли- қатъий силлогизмнинг холосаси ноаниқ бўлади деб кўрсатади:

1. Антецедентнинг хатолигидан консеквентнинг хатолиги тўғрисида холоса чиқарилганда;

2. Консеквентнинг чинлигидан антецедентнинг чинлиги тўғрисида холоса чиқарилганда.

Масалан, 1- мисол:

Агар бу кишининг иссиғи бўлса, унда унинг томир уруши тезлашади.

Бу кишининг иссиғи йўқ.

Эҳтимол, унинг томир уруши тезлашмас.

Холоса ноаниқ, чунки томирнинг тез уруши факат тана ҳароратининг кўтарилишига боғлиқ эмас.

2- мисол:

Агар бу кишининг иссиғи бўлса, унда унинг томир уриши тезлашади.

Бу кишининг томир уриши тезлашди.

Эҳтимол унинг иссиғи бор.

Бу мисолда ҳам аввалгисидаги каби холоса ноаниқdir.

Ибн Синонинг кўрсатишича, “умуман олганда ҳамма исботлаш сабабий исботлаш ҳисобланади, чунки ўрта термин ҳамма силлогизмларда холоса чиқаришга ишончнинг сабаби бўлиб хизмат қиласи ”. Исботловчи силлогизмнинг биринчи турида эса нима учун шундай эканлиги аниқланади. Масалан, кимдир қаердадир олов ёнаяпти, чунки тутун кўриняпти деса, оловнинг мавжудлигини тутуннинг мавжудлиги орқали исботлаган бўлади, лекин олов нима сабабдан пайдо бўлганлигини тушунтириб бера олмайди. Юқоридаги муҳокамада тутуннинг борлиги ўрта термин бўлиб, шу ҳақдаги

билимимизнинг сабаби ҳисобланади. Бу мухокама қўйидагича ифодаланади.

Тутун бор жойда олов бор

Узоқдан тутун кўринаяпти.

Демак, ўша ерда олов бор.

Агар кимдир қандайдир буюм қаердадир ёнаяпти деса ва “нимага бундай дединг”, деган саволга “қаерда олов бўлса, ўша ерда нимадир ёнади” деса, унда хукмнинг сабаби ҳақидаги, ҳам мавжудлик сабаби ҳақидаги саволга жавоб берган бўлади. Бунда биринчиси сабабини исботлаш (лима) иккинчиси мавжудлигини исботлаш (инна)дир.

Сабабдан исботлашда ўрта терминнинг ҳолати мантиқшунослар ўртасида қабул қилинган “ўрта термин ҳамма вақт катта терминнинг сабаби бўлиши керак” деган фикрга тўғри келмайди. Масалан, юқоридаги мисолда олов ёнишнинг сабаби ҳисобланади. Бунда ўрта термин катта терминнинг кичик терминда мавжудлигининг сабаби бўлиши керак, лекин у катта терминнинг сабаби эмас, аксинча, у томондан шартлангандир.

Иbn Сино “Ишорат ва танбеҳот” номли асарида сабабдан ва мавжудлиқдан исботлашга алоҳида тўхталиб ўтади. Мутафаккирнинг фикрича, “агар ўрта термин моҳиятига кўра ҳукм мавжудлигининг сабаби бўлса, бу эса ҳолоса бир қисмининг бошқа қисмига муносабати бўлса, унда бундай исботлаш сабабдан исботлашдир, чунки ўрта термин ҳукмни ва унинг мавжудлигини тасдиқлаш учун имкон беради, мутлақ сабабни тушунтириб беради. Агар бундай бўлмаса ва ўрта термин факат тасдиқлаш учун сабаб бўлса, мавжудлиқнинг асосланганлигини аниқлаб берса, унда бундай исботлаш мавжудлиқдан исботлаш дейилади, чунки у моҳиятига кўра ҳукмнинг сабабини эмас, мавжудлигини кўрсатади.”

Юқоридаги фикрдан ўрта термин икки четки терминларни қандай боғлашига кўра исботлаш ё сабабига кўра ё мавжудлигига кўра, яъни нимани тасдиқлашига кўра турли кўринишда бўлиши мумкинлигини биламиз. Масалан:

Агар Ой тутилса, унда Ер Қуёш ва Ой ўртасида бўлади.

Ой тутилди.

Демак, Ер Қуёш ва Ой ўртасида турибди.

Бу мавжудлиқдан исботловчи силлогизмдир. Унда ўрта термин ҳолосанинг четки терминларига муносабати бўйича оқибат бўлади, лекин сабаб бўлолмайди. Шунинг учун ўрта термин кўпинча аргумент деб аталади. Юқоридаги мисолда Ойнинг тутилиши - сабаб, Ернинг ўрни - оқибат бўляяпти.

Сабабдан исботлашда Ойнинг тутилиши Ернинг ёритгичлари ўртасида бўлиши билан тушунтириллади. Унда Ойнинг тутилиши - оқибат, Ернинг ёритгичлар ўртасида бўлиши сабабдир.

Иbn Синонинг таъкидлашича, ҳар икки исботлашдан бир ҳил терминлар билан қатъий силлогизм тузиш мумкин. Бунда фикрлар ўзаро тенг бўлмайди, чунки мавжудлиқдан исботлаш билан сабабдан исботлаш бошқа бошқа билим беради. Бу фикр Аристотелнинг “Иккинчи аналитикаси” да ҳам таъкидланади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, ҳар икки исботлашдан бир хил терминлар билан қатъий силлогизм тузиш мумкин. Бунда фикрлар ўзаро тенг бўлмайди, чунки мавжудликдан исботлаш билан сабабдан исботлаш бошқабошқа билим беради. Билимлар ўртасидаги фарқ ўрта терминнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Агар ўрта термин катта термин мавжудлигининг мутлақ сабаби ёки унинг мутлақ оқибати бўлса, бундай билим сабабдан билишнинг натижаси ҳисобланади. Агар ўрта термин катта терминнинг кичкина терминда бўлишининг сабаби ёки оқибати бўлса, бундай билим мавжудликдан билишнинг натижаси бўлади. Сабабдан исботлаш чин билим берувчи аподейктик исботлашнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ибн Сино исботлашда қуйидагиларга эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

1. Исботловчи силлогизм ҳамма вақт чин бўлган асослардан ташкил топиши шарт.
2. Исботлашни исботланаёттан предметга хос бўлган бошланғич билимлар асосида олиб бориш зарур.
3. Исботлашда ўрта термин муҳим роль ўйнайди, чунки ўрта термин бўлмаса, исботлаш ҳам бўлмайди.
4. Ўрта термин қанча бўлса, исботлаш элементлари ҳам шунча бўлади.
5. Ўрта термин зарурий бўлса, хулоса ҳам зарурий бўлади.
6. Хулоса зарурий бўлса, ўрта термин зарурий бўлмаслиги мумкин (баъзан ёлғон асослардан чин хулоса келиб чиққани каби, зарурийни зарурий бўлмагандан келтириб чиқариш мумкин).
7. Умумийликнинг исботи хусусийликдан афзалдир, чунки умумийликни билган, хусусийликни ҳам билади.
8. Тасдиковчи исботлаш инкор этувчи исботлашдан афзалдир, чунки инкор тасдиқ орқали маълум бўлади.

Ибн Сино исботлашда мантиқий хатоларга йўл қўймаслик учун муайян талабларга амал қилиш зарурлигини таъкидлайди<sup>4</sup>:

Аввало муҳокаманинг ҳақиқатда силлогизм эканлигини аниқлаш зарур. Агар силлогизм олинар экан, унинг қандай кўринишда эканлигини билиш керак. Сўнг силлогизмни таркибий қисмларга ажратиб, ўрта терминнинг ҳар икки асосда ўзгаришсиз мавжуд бўлишига эътибор бериш лозим. Катта ва кичик термин ўртасида ва хулосанинг ҳар икки кисми (субъекти ва предикати) ўртасида зиддият бўлмаслиги шарт. Шунингдек, терминларни ифодаловчи тушунчаларнинг бир маъноли бўлишига эътибор бериш зарур. Ноаниқ фикрларга асосланмаслик ва силлогизм асосларининг чин хукмлардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилиш, тахминий, интуитив фикрларни чин фикр деб қабул қиласлик ҳам турли хатоларнинг олдини олади. Шунингдек, Ибн Сино саволнинг ўзи асос қилиб олинганда ва исботлашда айланма хатога йўл қўйилганда ҳам муҳокама нотўғри тузилган

<sup>4</sup>Абу Али Ибн Сина. Логика. // Даниш-намэ. Избранные произведения. –Т.1 Душанбе., 1980. –С.102-103.

бўлади, деб таъкидлайди.

Иbn Сино исботлашнинг назарий асосларини таҳлил қилиш билан бир қаторда, унинг амалий қўлланишига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. У исботлашдан онтологик масалаларни ҳал қилишда ҳам кенг фойдаланган. Мутафаккир Яратувчининг ягоналигини, биринчи сабаб ва зарурий моҳият эканлигини, унга хос бўлган сифатларнинг мавжудлигини худди шу усул орқали исботлаб берган.

### **3-мавзу: XII-XIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

#### **Ибн Рушд ва мусулмон Испаниясида мантиқ илми**

XI асрга келиб, мантиқий тадқиқотларда турғунлик даври бошланди. Янги ғоялар, таълимотлар ўрнига мавжуд асарларга, уларга ёзилган шарҳларга яна қайта-қайта шарҳлар ёзилганлигини кўриш мумкин. XII асрдан бошлаб мусулмон Испанияси (Андалусия)да мантиқ илминингмуайян даражада ривожланганлиги кузатилади. Андалусиялик мантиқшунослар “Бағдод мактаби”нинг мантиқий-тиббий анъаналарини давом эттирдилар. Бу даврда яшаб ижод этган мантиқшунослардан Н.Решар қуидагиларни кўрсатади:

1. Муҳаммад ибн Абдун (930-995)- “Бағдод мактаби” анъаналарини Испанияда жорий этган.
2. Ал-Хаммар (950-1010) –файласуф-табиб.
3. Ибн Бадр (960-1020)- математик, табиб-файласуф.
4. Ибн ал-Багхуниш (977-1052)- табиб.
5. Ибн Хазм (994-1064)- файласуф, илоҳиётчи.
6. Ал-Дарими (1010-1070)-файласуф-табиб.
7. Абул-Салт (1068-1134) – табиб-файласуф.
8. Ибн-Хасдай (1080-1140)- табиб-файласуф.
9. Ибн-Баджа (1090-1138) - табиб-файласуф. Аристотел асарларини Бағдод мактабининг асосой матнларига, айниқса Форобийга мурожаат қилиб, ўрганишни бошлаб берди.
- 10.Ибн-Зухр (1100-1162)- табиб-файласуф, илоҳиётчи.
- 11.Ибн-Рушд (1126-1198) - табиб-файласуф.
12. Ибн- Маймун (Маймонид)- табиб-файласуф, илоҳиётчи.
13. Ибн Бандуд (1140-1200) - табиб-файласуф, ҳуқуқшунос.

14.Ибн-Тимлус (1160-1223) - табиб-файласуф, Ибн Рушднинг шогирди.

15.Ибн-Сабин (1218-1270)- Андалусияда мантиққа оид сўнгги асар ёзган файласуф олим.

Сўзсиз, булар орасида Ибн Рушд XII аср араб-мусулмон мантиғи ривожига улкан хисса қўшган олимдир. Ибн Рушд (Абул- Валид ибн Ахмад) 1126 йили Кордова шаҳрида таваллуд топган. Отаси ўз даврининг ўқимишли инсонларидан, қози бўлган, ўғлиниң ҳар томонлама илмли бўлишига ҳаракат қилган. Ибн Рушд фалсафа, мантиқ, фиқх, математика араб тили грамматикаси ва бошқа фанларни чуқур ўрганган, юқори лавозимларни эгаллаган. Ибн Рушд фаннинг турли соҳаларига оид 50дан ортиқ асарлар ёзган. У Аристотелнинг 18та асарига шархлар ёзган. Шунингдек, Платон, Александр Афродизий, Птоломей, Гален, Фороби, Ибн Сино, Фаззолий ва Ибн Баджа асарларини ҳам шархлаган. Ибн Рушднинг фалсафий меросидан “Раддияга раддия” асари энг машҳурдир. Унинг мантиққа оид асарлари тадқиқотчилар томонидан деярли ўрганилмаган. Биз унинг Аристотел ва Форобий таълимотининг тарафдори эканлигидан келиб чиқиб, мантиқий қарашлари тўғрисида баъзи фикрларни айтишимиз мумкин.

Ибн Рушд ҳам категорияларнинг ўнта турини эътироф этган. Ҳукмнинг мазмунига кўра тасдиқ ва инкор, хажмига кўра умумий, жузъий ва ноаниқ турларини кўрсатган. Ҳукмларнинг чинлигини аниқлашда алмаштириш, айлантириш усулларини қўллаган. Дедуктив хulosа чиқариш масалаларини Аристотел руҳида талқин қилган. Унинг “Раддияга раддия” асарида мантиққа оид мулоҳазалар баён қилинган. Улардан баъзиларини қўриб чиқамиз: “... умумий тушунчалар бирмунча ноаниқ бўлади, исботловчи асослардаги тушунчаларнинг моҳияти субстанционал ва бир маънолидир; ... кўплаб саволлардан биттасини олиш еттита энг маълум бўлган софизмлардан биридир; ...бошлангич билимлар ҳамма томонидан эътироф этилиши керак; ... ниманидир чин бўлиши шу нарсанинг ҳамма томонидан тан олинишига боғлиқ эмас; ...ҳамма томонидан эътироф этилган нарса ўз-ўзидан чин бўлолмайди ...мантиқий исботлаш воситасида рад этилган нарса ҳақиқат эмас, фақат фикр бўлади.

XII аср араб-мусулмон мантиғининг ютуылари сифатида куйидагиларни қайд этиш мумкин:

- Аристотелнинг мантиқий таълимотига қизиқиш давом этган.Форобийнинг шархлари ёрдамида уни янада чуқурроқ тушунилган;
- Мантиқий таълимотларни янада изчиллаштириш, қайта тизимлаштириш ва баҳсли масалаларни ҳал қилиш давом этган;
- Матнларни талқин қилиш ва хulosа чиқаришни ўргатувчи фан сифатида мантиқ илми юқори мавқени эгаллаган.
- Мантиқ мусулмон илоҳиётчилари ва уламолари томонидан илм сифатида қабул қилинган.

Ҳаёти ва ижоди. Абу Абдулла Мұхаммад ибн Умар ибн ал-Хусайн Фахриддин Рози 1148-1210 йилларда яшаб ижод этган. У мантиқ фалсафа,

тиббиёт, адабиёт каби фанлар билан шуғулланган. Фахриддин Рози Эрон ва Ўрта Осиёнинг кўплаб шахарларида бўлган ва олимлар билан сухбатлашган. Унинг илми ва нотиқлик санъатидаги муваффақиятлари “Фахриддин” унвонига эга бўлишига сабаб бўлган. Мутафаккир Демокрит, Платон, Аристотелнинг асарларини чуқур ўрганган. Фаробий ва Ибн Синоларнинг фалсафий, мантиқий таълимотларини яхши билган ва ўз асарларида уларнинг қарашларини янада ривожлантирган.

Фахриддин Розийнинг «Рисолаи Мунозара», “Муфатих ал-ғоиб ё тафсири Кабир”, “Жам ал-улум” (Билимлар мажмуаси), « Ар-Рисолат ал-каломия ва ал-ҳоқоқ ал-илоҳия), “Шарҳ ал-ишорат ва ат-танбехот” каби асарларида ўша даврда мавжуд бўлган билимлар баён қилинган. Унинг таъкидлашича воқелик зарурий моҳият ва имконий моҳиятни ўз қамраб олади. Зарурий моҳият-яратувчини, имконий моҳият-олам ва инсонни ифодалайди. У рух ва ақлни мустақил субстанциялар сифатида талқин қиласди.

Мантиқий қарашлари. Фахриддин Розий мантиқ илмини таърифлаш, хulosha чиқариш шакллари ва исботлаш тўғрисидаги фан деб таърифлайди. Тушунча хукм ва хulosанинг тартибий қисми бўлганлиги учун мантиқ илмida ўрганилади. Лекин тушунчанинг моҳияти ва унинг борлиқقا муносабати мантиқ илмida ўрганилмайди. Мантиқнинг тадқиқот обьекти хulosha чиқаришдир.

Фахриддин Розий хукмни хulosha чиқаришнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, ўзида тасдиқ ёки инкор мазмунни ифодаланган мулоҳазалар хукм дейилади. Хукмлар оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Оддий хукм уч терминни ўз ичига олади: субъект (мантиқий эга), предикат (мантиқий кесим), субъект ва предикатни боғлаб ёки ажратиб турувчи терминн. Қатъий хукмлар оддий тузилишига эга бўлади. Масалан: “Зайд-котибдир” ва “Зайз-котиб эмас” оддий қатъий хукмлар субъектнинг хажмига кўра якка аниқ ва ноаниқ турларга бўлинади. Якка хукмлар мазмунига кўра тасдиқловчи ёки инкор этувчи турларга бўлинади. Бу хукмларнинг субъекти якка предметни ифодалайди. Аниқ хукмлар 4 хил бўлиб, уларда субъектнинг хажми кўрсатилган бўлади. Умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор хукмлари-аниқ хукмлардир. Ноаниқ хукмларда субъектнинг хажми кўрсатилмаган бўлади. Масалан: Одамлар уй қурадилар. Бу хукмнинг субъекти ноаниқ. Агар юқоридаги хукм жузъий маънони ифодаласа чин, умумий маънони ифодаласа хато бўлади. Шунинг учун Фахриддин Розий ноаниқ хукмни жузъий хукм деб қабул қилиш керак деб таъкидлайди. Мутафаккир мураккаб хукмларни шартли-қўшувчи ва шартли-айиравчи турларга ажратади. Фахриддин Розийнинг хукм тўғрисидаги таълимотида Аристотел ва Форобий, Ибн Сино гояларининг давом эттирилганлигини кузатиш мумкин. Унинг модал хукмлар тўғрисидаги таълимоти бу масалада аввалги мантиқшуносларнинг таълимотига ижодий ёндошганлигини билдиради.

Фахриддин Розий предикатнинг субъектга бўлган муносабатига кўра:

1. Зарурийлик;
2. Ноимконийлик;
3. Имконийлик хукмларини ажратиб

кўрсатади. Мутафаккир бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, хажмига кўра, давомийлигига кўра модал хукмларнинг 15 турини аниқлайди:

1. Умумий имконий хукм.
2. Алоҳида имконийлик хукми.
3. Махсус имконийлик хукми
4. Истиқболда имконий бўлган хукм
5. Умумий мутлоқ хукм
6. Зарурий бўлмаган воқелик ҳақидаги хукм
7. Мавжудлиги доимий бўлмаган холат хукм
8. Доимий мавжудликни ифодаловчи хукм
9. Ҳамма томонидан қабул қилинган умумий хукм.
10. Кўпчилик томонидан қабул қилинган махсус хукм.
11. Моҳиятига кўра зарурий хукм.
12. Умумий шартли хукм
13. Жузъий шартли хукм
14. Вақт заруритини ифодаловчи хукм
15. Энг умумий зарурийлик хукми.

Бу таснифда мутафаккир воқеликдаги предметларнинг реал муносабатларига асосланади. Унинг мантиқий таълимотида чинлигига кўра хукмлар ўртасидаги муносабатлар ҳам алоҳида таҳмин қилинади. Бунга кўра субъект ва предикати бир хил тушунчалар бўлган, лекин мазмунига кўра фарқ қилувчи бир хил вайт доидасида олинган ва ўзаро зид бщлган икки якка хукм бир вақтда чин ёки хато бўла олмайди. Аниқ хукмлардан бири умумий, бошқаси жузъий хажмга эга бўлиб, худди юқорида кўрсатилган хатолар мавжуд бўлганда, уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин бўлса, бошқаси албатта хато бўлади. Агар аниқ хукмларнинг ҳар иккиси умумий бўлса, улар бир вақтда хато бўлиши мумкин. Аниқ хукмларнинг ҳар иккиси жуъзий бўлса улар бир вақтда чин бўлиши мумкин.

Мутафаккирнинг бу фикрлари «мантиқий квадрат» орқали ифодаланувчи чинлигига кўра оддий қатъий хукмлар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. У юқори қарама-қаршилик ва зидлик (контрадикторлик) муносабатлар ҳақида фикр юритади. Бу муносабатлар Розий таълимотида ҳам мантиқий, ҳам онтологик нуқтаи-назардан таҳлил қилинади ва шу асосида Нозидлик, Учинчиси истисно каби мантиқий қонунларнинг моҳияти очиб берилади. Фахриддин Розий хукмлар ўртасидаги буйсуниш муносабатига алоҳида эътибор бермаган.

Мутафаккир таълимотида хulosса чиқариш-мантиқ фанининг асосий тадқиқот объекти сифатида талқин қилинада ва батафсил кўриб чиқилади. У ҳам хulosса чиқаришга Форобий ва Ибн Синолар каби таъриф бериб, бир неча мулоҳазалардан бошқа бир мулоҳазанинг зарурий келиб чиқиши хulosадир деб таъкидлайди. Хulosса асосларининг чин ва ишончли бўлиши ва мантиқий қонун, қоидаларга амал қилиш хulosанинг ҳам чин, ишончли бўлишини таъкинлайди.

Фахриддин Розий воситали хulosса чиқаришни таҳлил қилган. У

воситали хulosса чиқаришни бирлаштирувчи ва истисно қилувчи грухларга ажратади. Хulosса асосларида хulosса ва унга зид келувчи холат бўлмаса, бирлаштирувчи хulosса чиқариш дейилади. Хulosса асосларида хulosса ва унга зид келувчи холат бўлган, истисно қилувчи хulosса чиқариш дейилади.

Бирлаштирувчи хulosса чиқариш олти турга бўлинади:

1. Фақат қатъий хукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш (силлогизмнинг фигуранлари асосида хulosса чиқариш)
2. Фақат шартли хукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш (соф шартли хulosса чиқариш).
3. Фақат айирувчи хукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш (соф айирувчи хulosса чиқариш).
4. Қатъий ва шартли хукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш (шартли-қатъий хulosса чиқариш).
5. Қатъий ва айирувчи хукмлардан такил топган хulosса чиқариш (айирувчи қатъий хulosса чиқариш).
6. Шартли ва айирувчи хукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш (ломматик хulosса чиқариш).

Фахриддин Розий хulosса чиқаришнинг биринчи турида силлогизмнинг тўрт фигурасини таҳлил қиласди. У силлогизмни бир терминнинг бошқа терминга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги уларнинг учинчи терминга муносабати орқали аниқланувчи хulosса шакли деб таърифлайди. У силлогизм фигуранарининг модусларини ифодалашда символикадан фойдаланади. Унда катта термин с, кичик термин А, ўрта термин В ҳарфлари орқали ифодаланган.

Фахриддин Розий силлогизм фигуранарининг маҳсус ва умумий қоидаларини, модусларини таърифлайди. Силлогизм асослари бўлган хукмларнинг табиати (зарурий, имконий, ноимконий бўлиши) хulosанинг табиатини белгилайди, деб кўрсатади. Зарурий асослардан келиб чиқсан хulosса, зарурий яъни исботланган бўлади.

Фахриддин Розий хulosса асослари сифатида қўлланиладиган билимларнинг 5 турини таърифлаб берган:

1. Дастробки принциплар-аксиомалар;
2. Кузатиш натижалари;
3. Оғзаки билимлар;
4. Тасдиқланган фактлар;
5. Фараз.

Айтиш мумкинки, мутафаккирнинг бошланғич билимлар тўғрисидаги қарашлари Фаробий қаршларига ўхшашибдир. Фахриддин Розий рационалист бўлган, хиссий билишга нисбатан ақлий билишни устун қўйган. Шу сабабдан унинг хulosса чиқариш назарияси дедкутив ҳарактерга эгадир. У хulosса чиқаришнинг иккинчи гурухига индуктив хulosса чиқаришни ва аналогияни киритади. Булар истисно қилувчи хulosса чиқаришнинг кўринишлари бўлиб, ундаги хulosса асосларида хulosса ва унга зид келувчи холат мавжду бўлади.

Фахриддин Розийнинг рационализм хурфиксикликнинг ўзига хос намоён

бўлиши эканлигини эътиборга олган холда унинг мантиқий таълимоти ўз даврида изчил ва тўлиқ бўлганлигини эътироф этиш зарур.

## **Насириддин Тусийнинг мантиқий таълимоти**

**Насириддин Тусийнинг тўлиқ исми:** Хожа Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Насириддин Тусий.

**ҳаёти саналари:** 1201-1274йиллар

**Туғилган манзили:** Хурсондаги Тус шаҳри

**Фалсафа ва мантиққа оид асарлари:** Ахлоқи Носирий, Шархул Ишорат, Асос ул иқтибос (Билимларни эгаллаш асослари).

**Мантиқий таълимотининг ўзига ҳослиги:** Насириддин Туси ўзигача бўлган мантиққа оид билимларни умумлаштириб, тўлдириб, хатоларини тузатганлигини ва ўзининг ҳам таълимоти мукаммалликка даъво қилмаслигини таъкидлайди. У мантиқнинг ўрганиш соҳаси формал хulosса чиқариш деб кўрсатади. Инсоннинг мавжуд тушунча ва ҳукмларга асосланиб, янги билимларни ҳосил қилиши мантиқнинг ўрганиш обьектидир деб таъкидлайди. Мантиқ моҳиятни билиш орқали турли билимларни эгаллашдир. Унинг мантиқий таълимоти Форобий, Ибн Синолардаги каби 9 бўлимни ташкил этмайди, лекин асарларида мантиқ ўрганадиган масалалар қамраб олинган. У категориялар мантиқда ўрганилиши шарт эмас деб ҳисоблайди. Мантиқда сўз ва тушунчанинг алокадорлигини ўрганиш муҳимроқ дейди. Умумий тушунчанинг табиатига оид масалалар мантиқнинг вазифасига кирмайди деб билади. У мантиқ билан билиш назарияси ўрганадиган масалаларни ажратади. Мантиқнинг вазифаси қўлланиладиган терминларнинг маъносини ва формал хulosса чиқаришнинг турларини ўрганишдир. Формал хulosса чиқариш, унинг тузилиши ва турлари мантиқ фанининг асосий масаласидир. Формаллашган мантиқ системасини билиш учун математикани билан зарур. Тусий ўзи математик бўлгани учун ҳам мантиқнинг формал тилини яратишга эътибор беради. Унинг мантиқий системаси айнан шу жиҳати билан ўтмишдошлариникидан фарқ қиласди.

**Насириддин Тусийнинг тушунча ҳақидаги таълимотида** сўзнинг белги сифатида белгилаган мазмунига ва тушунчага муносабати тахлил қилинади. Унинг таълимотига кўра сўз ўрнатилган белги сифатида табиий белгилардан фарқ қиласди. Сўз бирон-бир белгини ифодаловчи сифатида уч турга бўлинади:

1. келишилган белги (“инсон” гапиравчи хайвон маъносида )
2. мазмунни қамраб оловчи белги (“инсон” кимнидир билдириш маъносида, девор уй билан боғлиқ холда)
3. зарурий белги (кишнаш отнинг зарурий белгиси, девор том билан боғлиқ холда)

Булардан биринчиси ўрнатилган, қолган иккитасида эса ақл иштирок этади. Насириддин Тусий сўзнинг тил белгиси сифатида муракаблигини таъкидлаган холда, баъзан бир сўз бир неча маънони, бир нечта сўзлар бир маънони англатади деб ёзади. У омоним ва синоним сўзларнинг маъносига

эътибор бериш керак дейди. У бир ўзакдан ясалган сўзларни, кўчма маънода қўлланиладиган сўзларни тахлил қиласи. Ҳар қандай сўз бир ёки бир неча маънони ва маъно орқали воқеликни ифодалайд. Сўзлар оддий ёки мураккаб бўлади. Оддий сўз деб қисмлари мустақил маънони англатмайдиган сўзларга айтилади. Қисмлари мустақил маънони англатадиган сўзлар мураккаб бўлади. Масалан: инсон-оддий сўз, бу инсон- мураккаб сўз.

Оддий сўзлар ё ном, ё феъл, ё қўшимча бўлади.

Ном ё буюмларнинг моҳиятини (инсон), ёки айрим сифатини (нутқ) ё хар иккисини (нотик) ё йиғма вақтни (аввалги) белгилаши мумкин. Сўзлар асосий (иш) ва ясама (ишчи)турларга бўлинади. Феъл кўп тилларда ясама сўз (иш-ишла) ҳисобланади. Ном ҳам, феъл ҳам ижобий ва салбий бўлади (ақл-ақлсиз, келди-келмади). Қўшма сўзлар турли синфларга бўлинади ва суҳбат қилишда қўлланилади. Қўшма сўз асосан 2 синфга бўлинади: шарҳловчи мулоҳаза ва қатъий мулоҳаза. Демак, Насириддин Туси қўшма сўз деганда ҳукмларни назарда тутади.

Воқеликдаги битта ёки алоҳида буюмни ифодалаган тушунча (Зайд) якка тушунча дейилади. Воқеликдаги кўплаб буюмларни ёки алоҳида буюмни ифодалаган тушунча умумий тушунча (дараҳт, Қуёш)дейилади. Бундан ташқари тушунча бошқа маънода ҳам жузъий бўлиши (инсон-хайвон) мумкин. Насириддин Тусийнинг таъкидлашича тушунчанинг мантиқий функцияси маълум тушунча орқали бошқа тушунчани аниқлашдир. Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқлашда бири субъект, бошқаси предикат деб номланади. Бир тушунча кўплаб ҳукмларнинг таркибида кириши мумкин. Предикатни ифодаловчи тушунча субъектни ифодаловчи тушунчага нисбатан умумийроқ бўлади. Икки жузъий тушунча бир-бирига предикат бўлолмайди (Зайд Амрдир).

“Умумий” сўзини Насириддин Туси 3 маънода қўллайди: мантиқий, табиий ва ақлдаги. Умумий тушунча предикат сифатида субъектга нисбатан 3 маънода қўлланилади: 1. субъектнинг моҳиятини ифодаловчи тушунча сифатида(Зайд инсондир); 2. субъектнинг моҳиятига киравчи тушунча сифатида (Кора рангдир); 3. субъектнинг моҳиятига кирмайди ва уни ифодаламайди (Бу кулаётган қора (негр)дир).

Предикат сифатида субъектнинг моҳиятини ифодаловчи умумий тушунча субстанционал умумийлик деб, субъектнинг моҳиятидан ташқарида бўлгани аксидентал умумийлик деб аталади. Лекин бир умумий тушунчанинг ўзи бир муносабатда субстанционал, бошқасида аксидентал умумий бўлиши мумкин. Масалан: “кулувчи” инсонга нисбатан аксидентал, кулаётганга нисбатан субстанционал умумий бўлади. Умумий тушунча 5 турга бўлинади: жинс, тур, фарқловчи (умумийлик), маҳсус ва аксидентал умумий. Умумий тушунчанинг жинс ва турга бўлиниши нисбийдир. Айтиш мумкинки, Тусий тушунчаларни ҳукмларнинг ва у орқали ҳулосанинг таркибий қисми сифатида тахлил қиласи.

### **Хукм ва унинг турлари ҳақидаги таълимоти**

Насириддин Тусий ҳам устозлари каби ҳукм масаласини араб тилининг грамматикаси билан боғлиқ холда тахлил қиласи. Унинг таъкидлашича

воқеликнинг тил орқали ифодаланишига гап дейилади. Гап турли хил бўлади: илтимос, буйруқ, қасам, савол, хайрат, саломлашиш ва ҳ.к. Гап икки синфга бўлинади: тушунтирувчи ва дарак берувчи. Дарак берувчи гап қатъий бўлиб, унда бирор фикр тасдиқланиши ёки инкор этилиши, шунингдек бу фикр чин ёки хато бўлиши мумкин. Насириддин Тусий, шунга асосланиб, ҳукмга таъриф беради: “ буюм ҳақида тасдиқлаб ёки инкор этиб билдирилган ҳар қандай фикр ҳукмдир.” Ҳукм мустақил маънони англатувчи икки сўздан ташкил топади. Фикрланаётган предметни ифодаловчи тушунча – субъект, шу предмет ҳақида тасдиқловчи ёки инкор этувчи тушунча – предикат дейилади. Турли тилларда субъект ва предикатнинг кетма-кетлиги ҳар хил бўлади. Баъзан улар қўшимча ёрдамида боғланади: Зайд –котиб. Зайд котибдир. Шунга кўра ҳукмлар 2 аъзоли ва 3 аъзоли бўлади. Тусий мантиқий константа(ҳамма, баъзи...)ни мантиқий ўзгарувчилардан (S,P) ажратади. Тасдиқ ҳукм инкор ҳукмдан аввал келади, яъни тасдиқ ҳукм бўлмаса, унинг инкори ҳам бўлмайди. Инкор ҳукмда инкор қўшимчаси ё S га нисбатан (Зайддир, Зайд эмас) ё P га нисбатан (Зайд котиб, Зайд котиб эмас) қўлланилади. Тусий ҳукмларни 2 синфга бўлади: қатъий ва шартли. Қатъий ҳукм 2 термин (S,P) ва боғловчидан ташкил топади, унда субъектнинг хажми предикатнинг хажмига киради (инсон хайвондир).

= Параллел чизиқлар тасдиқ, – тўғри чизиқ инкорни билдиради.

Масалан:

		Ўқилиши	Символи
A	Умумий тасдиқ ҳукм	Ҳамма С—В дир.	<u>C</u> <u>B</u>
E	Умумий инкор ҳукм	Ҳеч бир С—В эмас.	<u>C</u> <u>B</u>
I	Жузъий тасдиқ ҳукм	Баъзи С—В дир.	<u>C</u> - <u>B</u>
O	Жузъий инкор ҳукм	Баъзи С—В эмас.	<u>C</u> <u>B</u>

Шартли ҳукмларнинг таркибий қисмини бир неча оддий ҳукмлар ташкил этади.

Шартли ҳукмлар	
Шартли қўшувчи (ҳукмнинг таркибидаги бир ҳукм бошқаси билан боғланган бўлади ёки уни инкор этади)	Шартли айирувчи (ҳукмнинг таркибидаги мулоҳазалар ўзаро мос бўлмай, айрим холда бўлади)
1. Тасдиқловчи шартли қўшувчи. (Агар Қуёш чиқсан бўлса, унда кун ёришади.)	1. Тасдиқловчи шартли айирувчи. (Ё Қуёш чиқаяпти ёки тун давом этяпти.)
2. Инкор этувчи шартли қўшувчи	2. Инкор этувчи шартли айирувчи

(Агар Қуёш чиққан бўлса, унда қун ёришиши нотўғри.)	(Ё Қуёш чиқаётганлиги ёки тун давом этаётганлиги нотўғри.)
---	--

Шартли ҳукмлар таркибидаги оддий ҳукмлар ўзаро кетма-кетликда келади, улар 2 элементдан иборат бўлади: антецедент (аввалгиси) ва консеквент (кейингиси).

Насириддин Тусийда бундай кетма-кетликлар 5 хил холатни ифодалайди:

1. Вактдаги кетма-кетлик (кеча—bugun);
2. Бўйсуниш муносабатига хос кетма-кетлик (субстанция—аксиденция, 1—2.);
3. Табиатдаги кетма-кетлик (олий жинс—ўрта жинс);
4. Ҳурматига кўра кетма-кетлик (ўқитувчи—ўқувчи);
5. Сабаб ва оқибат кетма-кетлиги. (Ўқитувчи билимдон бўлса, ўқувчи ҳам билимдон бўлади. ?)

**Шартли қўшувчи ҳукм** юқоридаги кетма-кетликларни ифодалайди.

<b>ШАРТЛИ</b>	1. Икки қатъий ҳукмдан ташкил топган.
<b>ҚЎШУВЧИ</b>	2. Икки шартли ҳукмдан ташкил топган..
<b>ҲУКМ</b>	3. Икки айирувчи ҳукмдан ташкил топган.
<b>ТУРЛАРИ</b>	4. Аввалгиси қатъий, кейингиси шартли ҳукм бўлган.
	5. Аввалгиси қатъий, кейингиси шартли ҳукм бўлган.
	6. Аввалгиси қатъий, кейингиси айирувчи ҳукм бўлган.
	7. Аввалгиси айирувчи, кейингиси қатъий ҳукм бўлган.
	8. Аввалгиси импликатив, кейингиси айирувчи ҳукм бўлган.
	9. Аввалгиси айирувчи, кейингиси импликатив ҳукм бўлган

**Шартли айирувчи ҳукм** 2 ва ундан ортиқ содда ҳукмлардан ташкил топади. Лекин унда аввалги ва кейингилари бўйсуниш муносабатида бўлмайди.

<b>ШАРТЛИ</b>	1. Икки қатъий ҳукмдан ташкил топган.
<b>АЙИРУВЧИ</b>	2. Икки шартли ҳукмдан ташкил топган..
<b>ҲУКМ</b>	3. Икки айирувчи ҳукмдан ташкил топган.
<b>ТУРЛАРИ</b>	4. Қатъий ва шартли ҳукмдан ташкил топган.
	5. Қатъий ва айирувчи ҳукмдан ташкил топган.
	6. Шартли ва айирувчи ҳукмдан ташкил топган.

**Конъюктив ҳукм** иккidan ортиқ ҳукмдан ташкил топади. Масалан:

Зайд ва Амр котибdir. (Зайд котибdir. Амр котибdir.)

Зайд ва Амр ҳам котиб, ҳам шоирdir. (Зайд котибdir. Амр котибdir. Зайд шоирdir. Амр шоирdir.)

**Модал ҳукмларнинг** таркиби субъект, предикат, боғловчи ва предикатнинг субъектга муносабатини ифодаловчи модал сўздан иборат бўлади. Модал ҳукмлар тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлади. Инкор қўшимчасининг модал

сўзга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги муҳим бўлиб, биринчи холат бўлганда ҳукмнинг модаллиги сохта бўлиб қолади. Насириддин Туси ҳам модал ҳукмларнинг З турини зарурийлик, имконийлик ва воқеликни тахлил қилади.

Зарурийлик ва имконийликни даражаларига кўра турларга ажратади.

Зарурий ҳукмларнинг турлари:

1. Моҳиятига кўра зарурий;
2. Шартланган умумий зарурийлик;
3. Шартланган жузъий зарурийлик;
4. Вақтдаги зарурийлик;
5. Кенг тарқалган зарурийлик;
6. Предикат шартига кўра зарурийлик;

Воқелик-мавжудлик ҳукмлари икки шаклда бўлади: 1. Нозарурий мавжудлик ҳукмлари, 2. Доимий бўлмаган мавжудлик ҳукмлари.

Имконийлик ҳукмларини Туси қўйидагича таснифлайди:

1. Моҳиятига кўра зарурийликни ифодаламайдиган, модал ҳукм кўринишидаги; (Эҳтимол, дунёнинг яратувчиси бордир)
2. Зарурий ва ноимконий бўлмаган ҳукм (Эҳтимол, инсон ҳақиқатда котибdir).
3. Келажак ҳақидаги ҳукм;
4. Инсоннинг қобилияти ёки буюмнинг яроқлилиги ҳақидаги имконий ҳукм.

Кўриб ўтганимиздек, Тусининг ҳукм ҳақидаги таълимоти Ибн Синоники билан ўхшашиб кетади.

### **Хулоса чиқариш назарияси: силлогизм, индукция, аналогия.**

Насириддин Тусийнинг хулоса чиқариш назарияси кенг қамровлиги билан ажralиб туради. У ҳам хулоса чиқаришнинг уч турини кўрсатади:

1. Орттирилган умумий холатдан ҳусусий холатга эришиш учун ўтиш (бунда бирлаштирувчи силлогизмлар синфи хосил қилинади.);
2. Эришилган ҳусусий холатлардан умумий холатларга ўтиш (индукция);
3. Бир холатдан иккинчи холатга ўтиш, улардан бири бошқасида мавжуд бўлмайди ва улардан учинчи бир холат келиб чиқади (аналогия).

Силлогизм (қиёс) муқаддима (хулоса асослари) ва натижа (хулоса)дан ташкил топади. Улар ўртасидаги алоқадорлик зарурий бўлади. Агар силлогизм чин бўлса, унинг хулосаси ҳам чин бўлади, хулоса ёлғон бўлса, силлогизм ҳам ёлғон бўлади.

Силлогизм тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий силлогизмлар бирлаштирувчи ва истисно қилувчи бўлади. Бирлаштирувчи силлогизм уч кўринишда бўлади:

1. Асослари факат қатъий ҳукм бўлган;
2. Асослари факат импликатив ва дизъюнктив ҳукм бўлган;
3. Асослари қатъий ва импликатив ёки қатъий ва дизъюнктив ҳукм бўлган.

Насириддин Тусийда силлогизм таркибий қисмлари Аристотел ва Ибн

Синодаги каби таърифланади. У силлогизмнинг 4та фигурасини тахлил қиласи. Тусининг дедуктив назарияси формаллашганлиги билан ажралиб туради. У силлогизм терминларини символлар орқали ифодалайди:

S- кичик термин – арабча С ҳарфи билан

P- катта термин – арабча А ҳарфи билан

M – ўрта термин – арабча В (Б) ҳарфи билан

Унда ҳам кичик асос биринчи, катта асос иккинчи ўринда келади ва силлогизм фигуralари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

I фигура	II фигура	III фигура	IV фигура
C–B	C–B	B–C	B–C
<u>B–A</u>	<u>A–B</u>	<u>B–A</u>	<u>A–B</u>
C– A	C–A	C–A	C–A

У I фигурани мукаммал деб билади. Умумий хулоса жузъийдан, тасдиқ хулоса инкордан абзалроқ дейди. Туси номукаммал силлогизмларнинг хулосасини тасдиқлашда Форобий ва Ибн Сино каби 4 усулни кўрсатади:

1. Бемаънилиkkка олиб келиш;
2. Асосларни айлантириш;
3. Асосларнинг ўрнини алмаштириш;
4. Фараз.

Туси силлогизм фигуralарининг умумий қоидаларини таърифлаб беради:

1. Икки инкор хукмдан хулоса чиқариб бўлмайди.
2. Икки жузъий хукмдан хулоса чиқариб бўлмайди.
3. Кичик асос инкор хукм, катта асос жузъий хукм бўлса, уларнинг бирикиши силлогизм бўлмайди.
4. Хулоса ўзининг миқдор ва сифатига кўра ҳамма вақт асосларга боғлиқ бўлади.

Насириддин Туси ҳар бир фигуранинг маҳсус қоидаларини ҳам таърифлаб беради, бу қоидалар Аристотел, Форобий ва Ибн Синолардаги каби.

### **Фигураларнинг маҳсус қоидалари**

**I фигуранинг қоидалари:** Кичик асос тасдиқ, катта асос умумий бўлиши керак. (модуслари: AAA, AEE, IAI, IEO)

**II фигуранинг қоидалари:** Асослар сифат жиҳатдан фарқ қиласи ва катта асос умумий бўлади. Унинг хулосаси доимо инкор бўлади. (модуслари: AEE, EAE, IEO, OAO)

**III фигуранинг қоидалари:** Кичик асос тасдиқ хукм ва асослардан бири умумий хукм бўлади. Бу фигурадан умумий хулоса чиқариб бўлмайди. (модуслари: AAI, AEO, IAI, AII, AOO, IEO)

**IV фигуранинг қоидалари:** Бир асос ҳам инкор, ҳам жузъий бўлиши мумкин эмас. Ҳар икки асос тасдиқ бўлса, кичик асос жузъий бўлолмайди. (модуслари: AAI, AII, EAE, AEO, IEO)

Насириддин Туси ҳар бир фигуранинг нечта тўғри модуси бўлиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқади. Номукаммал силлогизмлар хулосасининг

зарурийлигини исботлаш учун уларни қандай қилиб биринчи фигурага келтиришни кўрсатиб беради. Масалан, IV фигуранинг ЕАЕ модуси хulosасининг зарурийлигини исботлаш учун асосларнинг ўрни алмаштрилади ва Ifigurанинг АЕЕ модуси ҳосил бўлади. IV фигуранинг АЕО модуси хulosасининг зарурийлигини исботлаш учун асосларнинг ўрнини алмаштриб бўлмайди. Лекин кичик асосни айлантириш орқали II фигуранинг IEO модуси ҳосил қилинади.

Насириддин Туси ҳам устозлари каби импликатив ва дизъюнктив ҳукмларни шартли ҳукм деб атайди. Асослари шундай ҳукмлардан иборат бўлган хulosса чиқаришни шартли силлогизм деб атайди. У шартли хulosса чиқаришнинг уч кўринишини қайд этади:

- I. Фақат импликатив ҳукмлардан ташкил топган;
- II. Фақат дизъюнктив ҳукмлардан ташкил топган;
- III. 1. Импликатив ва қатъий ҳукмлардан ташкил топган  
2. Дизъюнктив ва қатъий ҳукмлардан ташкил топган  
3. Импликатив ва дизъюнктив ҳукмлардан ташкил топган

Туси **фақат импликатив ҳукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш** ҳам силлогизмнинг 4та фигураси кўринишида бўлишини таъкидлайди. Масалан:

### I фигура

Ҳамма вақт А-В бўлганда, С-Д бўлади.

Ҳамма вақт С-Д бўлганда, X-З бўлади.

Ҳамма вақт А-В бўлганда, X-З бўлади

### II фигура

Ҳамма вақт А-В бўлганда, С-Д бўлади.

Ҳеч қачон X-З бўлганда, С-Д бўлмайди

А-В бўлганда, X-З ҳеч қачон бўлмайди

### III фигура

Ҳамма вақт А-В бўлганда, С-Д бўлади.

Ҳар сафар А-В бўлса, X-З бўлади

С-Д бўлганда, X-З бўлади

### IV фигура

Ҳамма вақт А-В бўлганда, С-Д бўлади.

Ҳамма вақт X-З бўлганди, А-В бўлади

С-Д бўлганда, X-З бўлади

Насириддин Тусийнинг таъкидлашича **фақат дизъюнктив ҳукмлардан ташкил топган хulosса чиқариш** силлогизм кўринишида бўлмайди. Айиравчи (дизъюнктив) хulosса чиқариш ҳар икки асоси айиравчи ҳукмдан иборат бўлган, асослардан бири айиравчи, бошқаси қатъий бўлган турларга бўлинади. Асослардан бири айиравчи, бошқаси инкор бўлган тасдиқ ҳукм бўлган ёки бири тасдиқ, бошқаси инкор бўлган кўринишларга эга. Тусий бундай хulosса чиқаришда қатъий ҳукм айиравчи ҳукмнинг бир қисми билан боғланади деб таъкидлайди. Тусийнинг бу

таснифи формал мантиқдаги соф айирувчи ва айирувчи қатъий хulosса чиқаришга тұғри келади.

### **Айирувчи-қатъий хulosса чиқаришнинг кўринишлари**

#### **I фигура**

Ҳамма А—В

Ҳамма В-- С ёки Д

Ҳамма А-- С ёки Д

#### **II фигура**

Ҳамма А—В

Хеч бир В-- С ёки Д эмас

Хеч бир А-- С ёки Д эмас

#### **III фигура**

Ҳамма А—В

Ҳамма А-- С ёки Д

Ҳамма В-- С ёки Д

#### **IV фигура**

Ҳамма А—В

Ҳамма С -А ёки ҳамма Д--А

Ҳамма В-- С ёки Д

#### **Шартли-қатъий хulosса чиқариш**

Насириддин Тусий импликатив ва қатъий ҳукмлардан ташкил топган, яъни шартли-қатъий хulosса чиқаришда қатъий ҳукм катта ёки кичик асос бўлиб келади деб кўрсатади. Бундай хulosса чиқариш 4 кўринишга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири силлогизмнинг фигуранлари шаклини олади. Бунда хulosанинг чинлиги шартли ҳукмнинг ҳақиқатда зарурйлиги билан белгиланади.

#### **Шартли-қатъий хulosса чиқаришнинг кўринишлари**

1. Қатъий ҳукм катта асос ва импликатив ҳукмнинг консеквенти бўлиб келади. Масалан:

Тонг отди.

Агар Қуёш чиқкан бўлса, унда тонг отади.

Демак, Қуёш чиқкан.

2. Қатъий ҳукм кичик асос ва импликатив ҳукмнинг антецеденти бўлиб келади. Масалан:

Агар Қуёш чиқкан бўлса, унда тонг отади.

Қуёш чиқди.

Демак, тонг отади.

3. Қатъий ҳукм катта асос ва импликатив ҳукмнинг антецеденти бўлиб келади. Масалан:

Қуёш чиқди.

Агар Қуёш чиқкан бўлса, унда тонг отади

Демак, тонг отади.

4. Қатъий ҳукм кичик асос ва импликатив ҳукмнинг консеквенти бўлиб

келади. Масалан:

Агар Қуёш чиққан бўлса, унда тонг отади

Тонг отди

Демак, Қуёш чиқди.

### **Шартли айирувчи хулоса чиқариш**

Насириддин Туси шартли айирувчи хулоса чиқаришни батафсил тахлил қилиб, уларнинг турларини, чин бўлиш шартларини аниқлаб беради. Шартли айирувчи хулоса чиқариш 4 кўринишда бўлади.

**I. Шартли ҳукм кичик асос бўлади ва консеквентда иштирок этади.**

**II. Шартли ҳукм кичик асос бўлади ва антецедентда иштирок этади**

**III Шартли ҳукм катта асос бўлади ва антецедентда иштирок этади**

**IV Шартли ҳукм катта асос бўлади ва консеквентда иштирок этади**

### **Истисно қилувчи силлогизм**

Насириддин Тусийнинг таърифига кўра, асослари хулосани ёки хулосага зид бўлганни ифодалаган силлогизм истисно қилувчи силлогизмдир. Истисно қилувчи силлогизм икки асосдан ташкил топади: бири шартли, бошқаси истисно қилувчи ҳукм. Истисно қилувчи ҳукм қатъий ҳукм бўлади. Бундай хулоса чиқаришда шартли ҳукм таркибидаги ё антецедент ё консеквент истисно қилинади. Масалан:

Агар Зайд ёзаётган бўлса, унда у уйғоқ.

У ёзмаяпти.

Демак, у уйғоқ эмас.

Агар Зайд ёзаётган бўлса, унда у уйғоқ.

У уйғоқ эмас.

Демак, у ёзмаяпти.

Насириддин Туси энтилема, полисиллогизмларни ҳам тахлил қиласди. У тенгликдан хулоса чиқаришни тахлил қилиб, уни мураккаб хулоса чиқариш деб кўрсатади. Тусида айланма (доирасимон) ва айлантирилган силлогизмлар ажратиб кўрсатилади. **Айланма (доирасимон) силлогизм** деб, хулосаси унинг айлантирилган асоси билан қўшилган, бошқа асоси эса хулоса ўрнини эгаллаган силлогизмга айтилади. **Айлантирилган силлогизм** деб, хулоса ва асосга зид бўлган ҳукмдан ташкил топган силлогизмга айтилади. Туси ҳам Ибн Сино каби зидлик силлогизми ҳақида фикр юритади. Исталган холатни унга зид бўлган холатни рад этиш орқали исботлаш **зидлик силлогизми** деб аталади.

Насириддин Туси **индукция ва аналогияни силлогизм** билан боғлиқ холда кўриб чиқади. У ҳам тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган индукцияни ажратади. Аналогия исботлаш шакли бўлолмайди, у таҳминий билим беради. Индукция эса тажриба натижаларини умумлаштиргани учун билим олишда фойдалериоқдир.

Тусининг хулоса чиқариш назариясини якунлаб, айтиш мумкинки у Ибн Сино таълимотини янада тўлдиради.

Насириддин Тусининг мантиқий таълимотида ҳам исботлаш дедуктив ҳарактерга эга. Унинг таъкидлашича, исботловчи силлогизм деб, шундай силлогизмга айтиладики, унинг терминлари мазмунига кўра воқеликка тўлиқ

мос келган тушунчалардан иборат бўлади ва ишончли асослардан ташкил топади. Ҳар қандай воситали ҳосил қилинган билим ўзидан аввалги яъни бошланғич билимларга асосланади. Тусида бошланғич билимлар 16та.

### **Бошланғич билимлар**

<b>Ибн Синода</b>	<b>Насириддин Тусийда</b>
1 Аксиомалар	1.Ҳиссий қабуллаш
2.Сезгилар воситасида ҳосил қилинган билим	2.Синалган холатлар
3 Тажриба асосида ҳосил қилинувчи билим	3. Бошқалардан билиб олинган билимлар
4 Бошқа кишилардан билиб олинган фикрлар	4. Бирламчи принциплар-аксиомалар
5 Ақлда доимо мавжуд бўладиган билимлар	5. Фараз
6 Интуиция	6. Таҳминланаётган силлогизмдан келиб чиқадиган ҳукм
7 Кўпчилик томонидан қабул этилиб, тасдиқланган билим	7. Интуиция
8 Доно кишилар томонидан белгиланувчи билимлар	8. Таркибида омоним сўзлар бўлган ҳукмлар
9 Эҳтимоллик тарзида бўлган билимлар	9. Ҳамма қабул қилган мутлақ холатлар
10 Ўхшашликни ифодаловчи билимлар	10. Кам сонли одамларга маълум билимлар
11 Зоҳирий билимлар	11. Факт сифатида маълум бир кишининг фикрини ифодаловчи ҳукм
12 Таҳминий билимлар	12. Ўқувчини илм олаётганида эътироф этиши зарур бўлган холатлар
13.Хаёл	13. Йўл қўйилган холатлар
	14. Зоҳирий маълум холатлар
	15. Гумон бўлган холатлар
	16. Хаёл

Тусида дастлабки бта билим исботловчи силлогизм учун асос бўлиб хизмат қиласи. 7-8-лар паралогизм ва софизмлар асос ҳисобланади. 9-11-лар диалектик холосанинг бошланғичлариидир. Қолганлари риторик исботлашда қўлланилади. Насириддин Тусий ҳам аподейктиқ, диалектик, риторик, софистик ва шеърий исботлаш усусларини эътироф этади.

### **ИСБОТЛАНУВЧИ ХОЛАТ**

<b>Асосий синф</b>	<b>Ясама синф</b>
1. “нима?”деган саволга таъриф	“қайси?” деган саволга таъриф

2. “німа бўлиши мумкин?” деган саволга таъриф	“қандай қилиб?” деган саволга таъриф
3. “німа учун?” деган саволга таъриф	“қанча” деган саволга таъриф
	“қаерда?” деган саволга таъриф
	“қандай?” деган саволга таъриф
	“ким?” деган саволга таъриф

Исботлаш дедуктив ва тўлиқ индукция кўринишида ишончли ва чин билим беради. Тўлиқ бўлмаган индукция, тажриба ва аналогия ишоччили билим бермагани учун исботлаш шакли бўлолмайди.

Исботловчи хулоса чиқариш асослари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Асослар ҳам чин, ҳам ишончли бўлиши, чин хулоса табиий равишда келиб чиқиши керак.
2. Асослар ўз табиатига кўра хулосадан аввал келиши керак.
3. Ақлда ҳам улар худди шундай вақтда кетма-кет келиши, асослар ва хулоса ўртасидаги алоқадорлик аниқ бўлиши керак.
4. Асослар хулосага нисбатан аникроқ ва ишончлироқ бўлиши керак.
5. Хулоса қайси фанга тааллуқли бўлса, асослар ҳам шу фанга тааллуқли бўлиши керак, чунки сабаб оқибатга мос бўлиши керак. Мослик—субъектнинг предикатда бўлишидир.
6. Исботлашнинг бошланғичлари бу асослардан аввал келиши ва таниқли бўлиши шарт.

### **Исботлашда учрайдиган мантиқий хатолар**

Ибн Сино каби Насириддин Тусий ҳам мантиқий хатоларни уч турга бўлади: формал, сўз билан ва унинг маъноси билан боғлиқ бўлган.

**Формал хатолар** исботлаш шакли билан боғлиқ хатолардир.

#### **Сўз билан боғлиқ хатолар 6 турга бўлинади:**

2. Сўзларни ўз ўрнида ишлатмаслик оқибатида юзага келадиган хато.;
3. Сўзнинг шакли ва гапдаги ўрнига кўра юзага келадиган хато.;
4. Чет тилидаги сўзларни нотўғри қўллаш оқибатида юзага келадиган хато.;
5. Сўзларнинг кетма-кетлигига юзага келадиган хато.;
6. Бутуннинг бўлаги билан боғлиқ хато.
7. Гумонсираш, сўзламаслик оқибатидаги хато.

#### **Мазмунига кўра хатолар 7 турга бўлинади:**

1. Дастребаки исталган холатга қайтиш;
2. Модаллигига кўра хато;
3. Силлогизмни сохталаштриш;
4. Шартсиз ва шартли предикатни фарқламаслик оқибатидаги хато;
5. Бир сўзни 2 хил маънода ишлатиш оқибатидаги хато;
6. Муҳим ва номуҳим белгиларни алмаштириш оқибатидаги хато;
7. Бир неча саволни бир саволга жамлаш оқибатидаги хато.

Юқорида қайд этилган хатоларнинг келиб чиқиши сабабларини билиш уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

## **Якуний хулосалар:**

1. Тусий мантиқ фанининг асосий тадқиқот обьектини хулоса билан деб билади.
2. Мантиққа оид асарлари тузилиши ва формаллашган тили билан ўтмишдошлариникидан фарқ қиласы.
3. Тушунчани сўз ва белги ўртасидаги муносабат нуқтаи назаридан қўриб чиқади.
4. Ҳукм тўғрисидаги таълимотида Ибн Синонинг фикрларини аниқлаштиради.
5. Хулоса чиқаришнинг хозирги формал мантиқда ўрганиладиган барча турларини тахлил қиласы.
6. Хулоса чиқариш ва исботлаш учун асос бўлувчи билимларнинг доирасини кенгайтириди.
7. Исботлашнинг қоидаларига аниқлик киритди.
8. Мантикий хатоларни янгича тахлил қилди.

## **4-мавзу: XIV-XV асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мантиқ илмининг ривожи**

### **Мир Саййид Шариф Журжонийнинг мантиқий таълимоти**

Миршариф Журжоний (1340-1407) мантиқ фанининг асосчиси, буюк юонон мутафаккири Арасту ва унинг Шарқдаги издошларидан Форобий, Ибн Сино, Асириддин Абҳарий(1261-йилда вафот этган), Насириддин Тусийларнинг анъаналарини давом эттириб, мантиқ фанини ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Унинг мантиққа оид қарашлари билиш муаммолари билан туташиб кетган. Журжоний асосий эътиборини инсон руҳиятини ва руҳий кучини ўрганишга қаратган. У бешта ташқи сезгилар билан бирга ички сезги турлари ҳам борлигини таъкидлайди. Ички сезгилар деганда, у, умумий туйғуларни (“Ҳисси муштарак”), ўйлаш (“Хиял”) тасаввур қилиш (“Вахима”), эслаш (“закира”), хотира (“хафиза”) ни назарда тутган.

Журжоний билишда сезгининг аҳамиятига катта эътиборини қаратган. Бу соҳада у барча замондошлари эришган натижаларини умумлаштириб, батафсил ички ҳиссиётлар моҳиятини ташқи сезгилардек таърифлаган ва уларни таснифлаган.

Журжонийнинг таъкидлашича, фикрлаш жараёни негизида дастлабки сезги маълумотлари ётади. Журжонийга кўра, инсонни бошқа мавжудотлардан фарқлаб турувчи нарса –фикрлаш ва сўзлашдир.

Агар Арасту силлогизмлар учун мавхум фикрнинг аҳамиятини инкор этган бўлса, Журжоний мавхум фикрни алоҳида фикр сифатида эътироф этади. У ўз издошлари сингари фикрнинг уч турини: силлогизм, индуксия ва ўхшатиш-аналогияни эътироф этади. Айни вақтда у назарий билимларга эга бўлишда силлогизмни

фикрнинг асосий тури, деб ҳисоблайди.

Мир Саййид Журжоний Асириддин Ахбариининг "Исоғучи" номи билан машхур бўлган мантиққа оид рисоласини шарҳлаганида Форобий сингари, субъект ва предикат маъносига кўра универсал ҳам индивидуал ҳарактерга бўлади. У ифодаланиши жиҳатидан предикатни содда ва мураккабга, яъни бир сўз билан баён этилувчи ҳамда бирдан ортиқ сўзлар билан ифодаланувчи турларга бўлади.

Бу даврда араб тилига нисбатан форс тилида кўпроқ асарлар ёзилди. Моҳият жиҳатдан мантиқ илмининг фалсафа, табобатдан ажралиши, унинг ҳуқуқ, тил ва илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ишлатилиш жараёни кўпайди. Журжоний ўз ижодида мантиқни фалсафадан ажратмаган холда, уни кўпроқ ҳуқуқ ва тил соҳаларида қўлланилишини таъминлади. Унинг баракали ижоди туфайли шу даврдан бошлаб, Ислом мадрасаларида мантиқни ўқитиш ҳуқуқ ва тил фанлари билан боғлиқ холда олиб борилди .

Натижада мантиқ илмига ҳар ҳил шахслар томонидан "бегона таълимот" деган ғараз аста-секин барҳам топа бошлади.

Журжоний фикрича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада хосил қилинган бошланғич билимлардан фикрлаш йўли билан хосил қилинади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса, деб атайди. У хулосанинг уч турини кўрсатиб ўтади. Булар: қиёс (силлогизм); истиқро (индуксия-бўлакдан бутунга томон ҳукм юритиш); тамсил (аналогия-ўхшатиш).

Булардан қиёс (силлогизм) хулосанинг бош тури ҳисобланиб, назарий билимлар хосил қилишнинг асосий воситасидир. Журжоний қиёс деганда, икки ёки бир неча мулоҳазалардан таркиб топган хулосани тушунадики, агар уларнинг мазмуни тўғри бўлса, ундан учинчи мулоҳазанинг ҳам тўғрилиги келиб чиқади.

Истиқро (индукция) тушунчаси остида Журжоний шундай нарсани назарда тутадики, унда дастлабки ҳусусий шартлар асосида умумий натижа чиқарилади. У икки хил, яъни тўла ва тўла бўлмаган индукцияни кўрсатиб ўтади.

Тўла индукцияда ҳар бир бўлакдаги бирор бир сифат мавжудлигига асосланиб, ана шундай сифат ҳусусияти умумий бутунликда ҳам бор эканлигига ишонч хосил қилинади.

Тўла бўлмаган индукция шундай хулосадирки, умумий бутун бўлган нарсанинг баъзи бир қисмларида мавжуд бўлган бирор бир ҳусусиятидан келиб чиқиб, шундай ҳусусият бутунда ҳам мавжуд эканлигига ишонч хосил қилинади.

Журжоний фикрича, тўла бўлмаган индукция фақат таҳминий мулоҳазага олиб келади. Унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан хосил қилинган билимлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки, инсон тажрибаси хеч вақт тўла мукаммалликни бермайди.

Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хулосалар ҳақидаги

фикри Арасту ва унинг Шарқдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хулосалар қўшилиб, такомиллаштирилган.

Мантиқшунос тушунчаларни беш турга ажратади. У жинс, тур, фарқ қилувчи белги, хусусий белги ва оддий белгиларни кўрсатиш билан кифояланмай, уларнинг қисқача таърифини ҳам келтиради. Масалан, у жинс ва турни предикат бўлиб келувчи тушунчаларнинг ҳажмига кўра ажратади.

Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантиқ Темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига қўлланиладиган қоида ва мезон қонунига айланди. Натижада тез орада Улуғбек расадхонасининг илмий тадқиқотларида кенг қўлланилди.

Журжонийнинг фалсафий асарлари, айниқса, унинг мантиққа оид рисолалари Марказий Осиё ва Эронда мантиқ илмининг ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Сўнгги асрларда унинг рисолалари мадрасаларда ўрганилди ва уларга шарҳлар ёзилди .

### **Саъдуддин Тафтазонийнинг мантиқий таълимоти**

Тафтазоний фикрича, мантиқ тафаккурдаги хатоликлардан ҳалос қиласидан восита бўлиб, янги билимлар ҳосил қилиш заминидир. У ўзининг “Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом” асарининг кириш қисмида шундай ёзади: ”Мантиқ фанини ўрганиш барча учун муҳим ҳисобланади, албатта... - менинг бу асарим тўғри фикр юритишни ҳоҳлаганлар учун, тафаккур қилиш жараёнида чалкашиб қолмасликни ва тўғри хулоса қилишни ҳоҳлаганлар учундир”.

Дунёни билиш масалаларига доир назарий саволларни кўриб чиқиши жараёнида Тафтазоний билимнинг икки турга ажралишига эътибор беради: бевосита – очик ойдин ва назарий, орттирилган билим. Бевосита билим ҳеч қандай далил-исбот талаб этмайди, чунки у очик-ойдин намоён бўлади ва ўзлаштирилади (илиқлик, намлик ва ҳ.к. каби). Назарий билимларнинг чинлигини аниқлаш учун далил ва исботлар талаб қилинади, чунки у бутун олам ва коинот сирлари каби ҳақиқатларни билиш учун орттирилган ва бавосита маълумотларга таянади. Мавҳум бўлган ва бавосита билиш мумкин бўлган масалалар юзасидан маълум бўлган маълумотлар асосида хулоса чиқарилади, агар мавҳум ва ноаниқ маълумотларга таяниладиган бўлса, нотўғри хулоса чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам тўғри хулоса чиқаришда мантиқ муҳим аҳамият касб этади.

Мантиқий билиш шакллари тасаввур ва тасдиқдир. Бирор ашё ёки ҳодисани тасаввур этиш ва унинг тўғрисида ҳукм чиқаришда асосий ўринни тил бажаради. Онг ва унинг белгиси нутқ бир-бири билан бевосита боғлангандир. У ”Таҳзиб ул-мантиқ” асарида шундай дейди: “Бирор ашё ёки ҳодисани белгиси бўлган сўзлар, бирор бир мазмун туфайлигина қандайдир маъно касб этади. Сўзлар ва уларнинг ҳар хил турларини тилшунослик фани ўрганади, мантиқ эса, муайян мазмунга алоқадор муносабатдаги белгилар ўрнини

аниқловчи сўзларни ўрганади. Лекин ҳамма сўзлар ҳам шунчаки белги вазифасини бажармайди. Барча билимларни етказувчи восита бу сўзлар ҳисобланади”. Бу фикрлар юонон фалсафаси вакилларида учрамаган, балки араб мантиқшунослари асарларида кузатилади.

Тафтазоний ҳам ҳудди Ибн Сино ва бошқа ўзидан олдин ўтган файласуфлар каби, сўзнинг терминологик маъносига аҳамият берган(далолат).Сўз маълум тушунчани англатувчи ва маълум мазмун ҳақида далолат берувчи воситадир. Сўз белгилар орқали ифодаланади. Тафтазоний белгиларни уч турга бўлади:

- Тўлиқ мос келиш белгилари;
- Матннинг маълум қисмини англатувчи белгилар;
- Бошланғич ёки муҳим белгилар.

Тафтазоний фикрича, мантиқ фани тушунча ва ҳукмни ифодаловчи сўзлар ва гапларни таҳлил этади.

Ақл орқали ашёларни акс эттирадиган тушунчаларни таърифлаб, Тафтазоний ўз олдига шундай савол қўяди: тушунчалар қандай келиб чиқади ва шаклланади? Тафтазоний ақлнинг таҳлилий – хулосавий (таҳлилот) ва шуъурий (мафхумот) қобилиятини тушунчаларнинг шаклланиши учун асосий йўл, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича: “фақат таҳлилот ва мафхумот воситасидагина ашёлар ҳақида муайян тушунчалар ҳосил этиш мумкин”.

Билиш назариясида Тафтазонийнинг қарашлари Ибн Синоникидан фарқ қиласди. Масалан, Ибн Сино нарса, ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни билим деб билса, Саъдуддин Тафтазоний уларни алоҳида ҳис туйғу ва билим ўртасидаги воситавий босқич, деб тушунади.

Тафтазоний ҳиссий аъзолар ва ташқи олам ўртасидаги муносабатни уч босқичга ажратади, улар:

1. Ташқи жисмлар ва ҳиссий аъзолар муносабати.
2. Бу муносабатнинг рухга таъсири.
3. Ақл билан тушуниш.

Билиш мутафаккирнинг таъкидлашича, ҳиссиётдан бошланади. Лекин бу қабул қилинган маълумотлар фақатгина билишнинг дастлабки босқичини англатади. Уларнинг қабул қилиниши маҳсус ҳиссий қувват орқали амалга оширилади. Ҳар бир ҳиссий аъзолар жисм ёки ҳодиса ҳақидаги турли маълумотларни тақдим этади. Масалан, унинг хусусияти, сифати ва ҳ.к.

Тафтазоний инсон танасида бешта ҳиссий аъзолар борлигини ва уларнинг ҳар бири маълум бир вазифани бажаришини айтиб ўтган. Ибн Сино, Насриддин Тусийлардан фарқли равишда файласуф ҳиссий билишни соддадан мураккабга қараб амалга ошиши ҳақидаги ғояни илгари сурган, яъни тери ҳиссидан кўришга қараб. Унинг фикрича, бутун тананинг тери ҳиссиётида бир куч бор бўлиб, у ёқимли бўлган нарсаларни ўзига тортади ва ёқимсизларини ўзидан итаради. “Тана ҳиссини биринчи ўринга қўйиб, мазмун жиҳатдан биз

уни энг муҳим ҳиссий аъзо демоқчимасмиз, у шунчаки келажакдаги ҳаётни бир маромда бориши учун энг муҳим ҳиссиёт тури бўлиб қолади”, деб ёзади Тафтазоний.

У кўриш ва ҳис қилишни бир бирига мужассам боғлиқ ва тўлдирувчи ҳиссиётлар, деб ҳисоблади. Биз бирон бир жисм ё ҳодисани кўриб, уни ҳис қиласиз, дейди. Унингча, бошқа ҳиссий аъзолар ҳам бир-бирига боғлиқ. Таъм билиш ҳисси инсон тилининг юқори қисмидаги асаб толаларида жойлашган бўлади ва тил бирор нарсага тегиши билан мияга маълумот беради.

Яна бир ҳиссиёт тури - ҳид билишдир. Бу ҳиссиёт буруннинг энг юқори қисмida жойлашган бўлиб, ҳаво ва нарсаларнинг ҳидини аниқлаб туради. Ва яна икки ҳиссиёт тури – кўриш ва эшитишдир. Мутафакир бундай ҳиссиётлар ҳайвонларда ҳам борлигини ҳамда баъзилари инсон ҳиссиётларига нисбатан кучлироқ эканини ҳам асослаб беради. Масалан: бургутларда кўриш, итларда ҳид билиш кучлироқ. Бироқ инсоннинг ютуғи шундаки, у ҳамма маълумотни бирлаштириб, хотирасида сақлаб қолади ва билишнинг кейинги босқичига кўтарилади. Ҳайвонларда эса, бундай қобилият йўқ ва уларда жисмларга бўлган муносабат ҳам йўқ.

Ҳиссий билишни Тафтазоний ташқи билим, деб атайди. Ички билим эса, шу ташқи билим асосида вужудга келади. Ички билим, деб у идрок қилишни назарда тутади. Идрок қилиш нафақат ҳиссий билимлардан олинган маълумотларга таянади, балки тажрибага, хотирада сақланиб қолган маълумотларга ҳам асосланади.

Тафтазонийга кўра, билишниниг навбатдаги босқичи “тасаввур”дир. Ушбу босқичда эга бўлинган маълумотларни қўшиш, умумлаштириш жараёни амалга ошади. “Баъзи одамлар фикрича, биз сезги аъзолари орқали ҳиссий билимларни идрок қиласиз, яъни дастлабки билимларни ҳиссий билиш воситасида оламиз. Лекин бундай фикр, билиш жараёнида инсон ҳиссий сезгиларини илгари суриб, инсон руҳияти аҳамиятини тўла-тўқис бўлмасада қисман инкор қилади. Бунда ҳиссий ва мавҳум билимлар рух иштирокисиз орттирилган бўлади. Лекин ҳақиқат шундан иборатки, инсон ташқи оламни англашда икки муҳим кучга эгадир. Бу кучнинг биринчиси ҳиссиёт бўлса, кейингиси тафаккурдир.”

Тафтазонийнинг гносеологик қарашлари “Таҳзиб ул-мантиқ вал-калом” асари биринчи қисмининг киришида, ҳамда иккинчи қисмida батафсилоқ ёритиб ўтилган. Тафтазонийда ҳам мантиқ гносеология масалалари билан боғлиқ холда кўриб чиқилади. Унинг мантиқий таълимоти ўз давридаги илғор ғояларни ўзида мужассам этган ва Марказий Осиёда мантиқ илмининг ривожига таъсир кўрсатган.

### **Расмий адабиётлар.**

- 1.Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. Ўзбекистон. 1996-2009.
- 2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176.
- 3.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 4.Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т., Ўзбекистон, 2009.
- 5.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 6.Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон Т., Ўзбекистон. 2010.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида Т., Ўзбекистон. 2011.

### **Ўқув адабиётлари**

1. Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе, 1965.
- 2.Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока.Москва, 1961.(хрестоматия)
- 3.Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. Ташкент, 1981.
4. Маковельский А.О. История логики. М.,1967.
5. Радхакришнан. История индийской философии. т.1,2. М.,1956

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал- машрикийа.// Избранное. Т.1. Ашгабат 2003.
2. Абу Али Ибн Сина. Даниш-намэ.//Избранное произведения. Душанбе, 1980.
3. Абу Али Ибн Сина.Указания и наставления..//Избранные произведения.-Т.1. Душанбе, 1980.
4. Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал-машрикийа. //Избранное т.1. Ашгабат, 2003.
5. Абу Хомид Фаззолий. Иҳёу улумид-дин. //Илм китоби. 1-китоб.Т., 2003.
6. Абу Хомид Фаззолий. Кимиёи саодат. Тошкент, 2005.
7. Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
8. Аль-Фараби. Диалектика.// Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата, 1985.
9. Аль-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, 1975.
- 10.Аль-Фараби.Философские трактаты. Алма-Ата, 1973.
- 11.Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
- 12.Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т..1974.
- 13.Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент, 1995.
- 14.Закуев А.К. Из истории арабоязычной логики средних веков. Баку.: Элм,

1971, 83 с.

15. Койре А. Очерки истории философской мысли. – М.: Прогресс, 1985.
- 16.Мантиқ ҳақида сабоқлар. (ёки Исогўжий шархи). Тошкент, 2008.
- 17.Нуритдинов М.Н. Из истории общественно-философской мысли Средней Азии в XVI-XVII веках. Т., 1996.
- 18.Насыров Р.Н. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. Ташкент,1988.
- 19.Роузентал Ф. Торжество знания. Москва 1978.
20. Усманов М. Закарийя ар-Рази // Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока-Т.: 1972-С, 199-233.
- 21.Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари-Тошкент,1963.
- 22.Хайруллаев М.М. Муталибов С.А. Теория суждения Фараби и ее влияние на логические воззрения Ибн Сины // Общественные науки в Узбекистане 1979.-8-сон, 15-24.
- 23.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971.
- 24.Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Т., 2010.(ўкув қўлланма)

### **Диссертациялар**

1. Наимов Н. Философские и логические взгляды Фахриддина Ризи. Автореферат канд. дисс. Т., 1971.
2. Муртазаев С. Мировозренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Сафиуддина Тафтазани. Автореферат канд. дисс. Т., 1975
3. Қодиров М. Философские воззрения и логика Мир Саида Джурджани. Автореферат канд. дисс. Т., 1977.
4. Сайдахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Автореферат, ф.ф.н. дисс. Тошкент,2009.
5. Файзиходжаева Д.И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари.Автореферат. ф.ф.н., дисс. Тошкент, 1999.

### **Интернет ресурслар**

basesoflogic.narod.ru  
www. disservat. Com  
ru.wikipedia.org

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-§. Фалсафанинг мусулмон жамиятида тутган ўрни ва асосий вазифалари**

Фалсафа, инсон тафаккурининг умумбашарий шакли сифатида, жамиятдаги мавжуд ҳолатдан қониқмасликнинг маънавий ифодаси, уни янада такомиллаштириш, ривожлантиришнинг, бутун олам-табиат, жамиятнинг мазмун-моҳияти, инсон, инсоният, ҳалқ, миллатнинг мақсад-муддаоси муаммоларини чуқур ўрганишга асосланган ҳолдаги илмий-назарий омилидир. Демак, фалсафа, биринчи галда, жамиятга ва фақат шу боис, ўқув юртлари, илмий муассасалар учун керак. Дарҳақиқат, воқейликда, инсонлар ва жамият ҳаётидаги кескин ўзгаришлар, янгиланишлар юз берган сари фалсафага бўлган қизиқишнинг ортиб бориши ҳам муқаррарлашади.

Бугунги мустақил Ўзбекистонда худди шундай вазият яққол кузатилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман” (“Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июн) номли мусобаҳасида республика жамоатчилигининг диққат-эътиборини, жумладан, айни фалсафа соҳасига оид муаммоларга қаратилганлиги бежиз эмас. Ушбу мусоҳабанинг мазкур масалага тааллуқли жиҳатини, қисқа қилиб, жамиятимизнинг фалсафага, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига нисбатан муносабатни тубдан ўзgartиришга даъват сифатида тавсифлаш мумкин.

Аждодларимиз, Шарқ ва Ғарб ҳалқлари вакиллари яратган фалсафий таълимотлардан юртдошларимизни баҳраманд қилувчи, уларга ҳозирги замон фалсафасининг турли-туман, ҳатто қарама-қарши фикрларини чуқур билиш имкониятини берувчи маънавий муҳитни шакллантириш, тегишли йўналишдаги, давр талабларига монанд тадқиқотларни амалга ошириш, мазкур соҳага оид дарсликларни яратиш лозимлигини уқтириш – ушбу даъватнинг муҳим қирраларини ташкил этади. Зоро, худди мана шундай жиддий фалсафий замингина, ўзида ҳалқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини жо этган, миллий ғоя ва ижтимоий мағқураларни яратишнинг мустаҳкам илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ижтимоий тараққиёт асосида мавжуд ҳолатдан қониқмаслик ҳисси ётади. Вужудга келган қийинчиликларни енгиш, янги куч, ғайрат тўплаш учун, ривожланишнинг заминини тайёрлаш учун инсонга чидам, сабр-тоқат керак.

Сабру тоқат ривожланиш жараёнининг вақтинчалик шакли, мукаммалликка интилиш, эҳтиёжларнинг юксалиши эса – доимий ҳолатdir. Инсоннинг эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, қобилиятларини намоён этишга, ижод этишга уриниши – унинг маънавий эҳтиёжидир.

Эҳтиёжлар соғлом ва носоғлом бўлиши мумкин. Инсоннинг эркин камолотига хизмат қиласидиган, ундаги ижобий қобилиятларини, фазилатларини бойитадиган, ривожлантирадиган эҳтиёжлар соғлом эҳтиёжлардир. Аксинча, нафс хоҳишларининг чексиз авж олишига,

молпарастликка, шаҳватпарастликка, мансабпарастликка, инсондаги салбий жиҳатларнинг кучайишига хизмат қиладиган эҳтиёжлар носоғлом эҳтиёжлардир.

Буюк юонон файласуфи, етти донишманднинг бири ҳисобланган Фалес “Ёмон воситалар орқали бойимагин” деган эди<sup>5</sup>.

Инсонда моддий ва маънавий эҳтиёжлар муттасил юксалиб боради. Бир эҳтиёжнинг қондирилиши билан ундан юксакроқ янги эҳтиёж туғилади. Аввалгидан яхшироқ, қулайроқ, гўзалроқ буюмни ёки санъат асарини яратишга интилиш, олдингисидан теранроқ, аникроқ билимни эгаллашга, мукаммалроқ техникавий асбоб-ускуналарни ихтиро этишга уриниш, турмуш даражасини янада яхшилаш ва фаровонлаштиришга интилиш – инсонга хос хусусиятдир. Бу – табиий равишда туғиладиган ижтимоий эҳтиёждир.

Узокни олдиндан кўра билиш, уни таҳлил ва тахмин қилиш – фалсафанинг муҳим вазифасидир. Фалсафа тасодифий ҳодисалар, жузъий ҳолатларни эмас, балки уларнинг тубидаги, ортидаги муҳим, барқарор, доимо такрорланиб турадиган муносабатлар – қонуниятларни ўрганади, ўтмишни, мавжуд вазиятни таҳлил қиласи ва истиқболни илмий тахминини беради.

Фалсафа дунёқараш сифатида икки саволга жавоб бериши лозим. *Биринчиси* – инсоннинг ўзи нима, унинг моҳиятини, табиатини нима ташкил этади? *Иккинчиси* – инсоннинг яшашдан мақсади нима, у нимага интилиши керак?

Фалсафа сабабият тўғрисидаги фандир. Бирон-бир нарсанинг, ҳодисанинг асл сабаби аниқланмас экан, демак унга тегишли тарзда таъсир кўрсатишнинг иложи ҳам бўлмайди. Масалан, жамиятни бошқариш усули ундаги ҳукмрон-мулкий муносабатларга мутаносиб бўлади; шу сабабдан, ибтидоий жамиятдаги илк демократик бошқарув усулидан хусусий мулкнинг келиб чиқиши муносабати билан сиёсийликка ўтилган; давлат сиёсий тизимнинг асосий бош бўғинини ташкил қиласи; у вужудга келган пайтдан бошлаб, жамиятдаги манфаатларни керак бўлганда, зўравонлик билан “мувозанатга” келтириб турган; давлат бошқаруви тизимига таъсир кўрсатиш манфаатдор кучлар учун “фойдали” иш бўлган; янги давр (XVII-XVIII асрлардан бошлаб) демократик (сайловлар, сиёсий партиялар) тартиботларнинг қарор топишига олиб келган.

Фалсафа фанини ўрганишнинг назарий-илмий ва услубий асослари холислик, илмийлик, тарихий-мантиқийликка таянади.

Фалсафанинг асосий муаммолари унинг маънавиятда тутган ўрни билан белгиланади. Фалсафа инсон ҳаётий фаолиятининг моҳияти ва руҳий мазмунини ифодалайди. Унинг воситасида кишилар ўзларини англайдилар, жамият, табиат ва уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар, ҳамда уларга таяниб ўз турмуш шароитлари, амалий фаолият муаммоларини ҳал этадилар. Дунёнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилган қадимги фалсафий тизимлар ўзининг узоқ тарихига

<sup>5</sup> Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. –М., 1986. –С.84.

эгадир. Маълумки, инсонни ўраб турган дунё тадрижий равища унинг фаолияти учун мавзуга айлана борган. Инсон дунёга бўлган ўз муносабатини дастлаб назарий шаклларда ифода қила олмаган. Инсон амалий фаолиятининг ривожланиши воқеаларнинг муайян изчилликда мушоҳада қилишга асосланган унинг қобилиятини такомиллашишига олиб келганлиги натижасида табиат ҳодисаларини баъзи қонуниятларини идрок этишга муваффақ бўлган. Тилнинг ривожи ва аввало мажхул тушунчаларнинг пайдо бўлиши назарий тафаккурнинг шаклланишига туртки бўлган.

Инсон умрининг ўткинчилигини идрок этиш замон ҳақидаги тасаввурни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Қадимги даврнинг баъзи афсоналарида замон қадрият мезони сифатида намоён бўла бошлаган. Фақат абадий нарсагина мукаммал бўлиши ҳақидаги тасаввур келиб чиқсан. Абадийлик илоҳий мавжудлик ва фаолиятлилик сифатида намоён бўла бошлаган.

Инсон тафаккури тараққиётининг энг муҳим натижаси сифатида ёзув кашф этилган. У билимларни авлодлардан авлодларга узатишнинг янги имкониятини берибгина қолмай, балки билимларнинг ўз тараққиёти тагзамиинини ҳам бойитган.

Шарқ мамлакатларидаги фалсафий тафаккур тараққиёти тўғри чизик бўйлаб ривож топмаган. Гарчи баъзи тараққиёт босқичларида ва айрим соҳаларда ўзаро таъсирни истисно қилмаган ҳолда Шарққа тааллуқли уч минтақа, яъни Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой – мустақил маданий бутунликни ташкил этган.

Яқин Шарқ том маънода қадимги даврда фалсафий анъанага асос сола олмаган. Аммо у дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқли ўлароқ, дехқончилик ва ижтимоий-иктисодий тараққиёт жиҳатидан доимий равища илгарилаб кетган. Бу нарса билим ва тажриба тўпланишига омил бўлган. Ҳосил қилинган амалий маълумотлар назарий тафаккур ривожи учун туртки бўлган. Улар умуман диний тасаввурлар, мафкура ва маданиятга ўз таъсирларини ўтқазганлар.

Ушбу бой мерос асосларини Кичик Осиё қирғоқларида яшовчи юононлар ва улар орқали бутун эллинистик дунё ўзлаштириб олган. Инсониятнинг барча билим соҳаларига Юнонистон қўшган буюк хиссани, шу жумладан, фалсафа соҳасидаги тафаккур тараққиётини юқоридаги асосларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Яқин Шарқнинг қадимги маданияти Ҳиндистон билан алоқада бўлган. Аммо бу ердаги фикр тараққиёти аввал бошданоқ озми-кўпми мустақил равища ривожланган. Ҳиндистонда иқтисодий, сиёсий ва ирқий ўзгаришларга қарамасдан фалсафий анъана тўлалигича ҳеч қачон узилмаган. Бу анъана ҳинд жамиятида доимий барҳаёт маданий мероснинг барқарор унсури сифатида мавжуд бўлган.

Хитойнинг қадимги ва ўрта асрлар фалсафасини ҳам Хитой жамиятиянинг маънавий ҳаётидан ажратиб бўлмайди. У ҳам мустақил равища тараққий этган. Аммо фақат буддавийлик унга сезиларли таъсир этган бўлса ҳам, бироқ бир неча асрлар давомида у маҳаллий анъана ва маънавий ҳаёта мослаштирилган.

Эрамиздан олдинги тўртинчи ва учинчи минг йилликлар орасида Байнал-нахрайн ва Миср заминида ёзувнинг мавжудлиги ҳақида биринчи далиллар кўлга киритилди. Аммо Яқин Шарқ ўлкаларидағи ёзма ёдгорликлар аниқ тушунчалар дастгоҳига эга бўлган тўла фалсафий тизимлар эмаслиги аён бўлди. Унда борлик ва дунёнинг мавжудлиги (борлик ҳақидаги таълимот) ҳақидаги муаммо, ҳамда инсонни уни ўраб турган дунёни билиш имкониятлари (билиш назарияси) ҳақидаги масалада аниқлик йўқ. Бундай тараққиёт босқичига Европа фалсафий фикри анъаналари ибтидосида турган қадимги юонон фалсафаси мутафаккирларигина чиққанлар. Аммо қадимги юонон фалсафаси ривожини ва унга боғлиқ бўлган бутун фикрий тараққиётни Яқин Шарқдаги қадимги маданиятларнинг меросисиз тўла тушунтириб бўлмайди. Бироқ Яқин Шарқдаги маданиятлар таъсирини изчил тадқиқ этиш ишига нисбатан кеч киришилганлиги учун кейинги юз йил ичида қўлга киритилган натижалар билангина чегараланишга тўғри келади.

Асотир тафаккур (афсонавий фикрлаш) – инсоннинг дунёга ва билвосита ижтимоий муносабатларга бўлган муносабатини муайян бутунлиқда ифодалаш шаклларидан биридир. У гарчи хаёлий бўлса ҳам, бу дунёнинг пайдо бўлиши, табиий тартибининг маъноси ҳақидаги саволга берилган биринчи жавобдир.

Дунёни асотир тафаккур орқали тасвирлаш диний тасаввурлар билан яқиндан боғлиқ бўлиб, табиат кучларини шахслар фаолияти билан ифодалашдир. Аммо у табиат ва инсон жамияти ҳақидаги асрлар давомида тўпланган билимлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Мантикий фикрлаш (фалсафа)гина инсон тафаккурини афсонавий анъаналар ва уни бевосита ҳиссий таассуротларга боғлаб қўйган занжирлардан ҳам халос қила олиш имкониятини беради.

Шарқ фалсафасининг вазифаси нима? – деган савол туғилади. Маълумки, ўтмишдаги Шарқ файласуфлари ҳам бизнинг замондошларимизга ўхшаб ҳақиқатни гапирайпмиз, деб таъкидлашган. Шу маънода уларни ўрганиш ўша даврдаги нуқтаи назарларни бугунги эришилган назарий натижалар билан қиёслаш имконини беради. Шарқ фалсафаси дунёни ва жамиятни тушунишда асосий фалсафий муаммоларни баён қилиш усулларининг муайян асосий рўйхатини ўз ичига олади. У шарқона тафаккур тарзини шакллантирганки, ҳозирги авлодлар ҳам ундан бенасиб эмаслар.

## **2-§. Шарқ фалсафасининг асосий муаммолари ва маънавиятда тутган ўрни**

VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган янги дин бўлган исломнинг шаклланиши натижасида араб халифалиги таъсир доирасидаги мамлакатлар маънавий-маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бу жараённи асосан ислом динининг Арабистон ярим оролида марказлашган давлат тузишдаги ўрни билан баҳолаш мумкин. Чунки ўша даврдаги тарқоқ араб қабилалари жуда қийинчилек билан бўлса ҳам, факат ислом таълимоти таъсири остидагина бирлашган эдилар. Айнан муайян бир ғоя остида шундай бирлашиш жараёни кучли ҳокимиятни вужудга келтирди. Ўз навбатида бу

ҳокимиятнинг бошқа худудларни босиб олишига қулай шарт-шароитлар юзага келди. Араб халифалиги деб ном олган бу улкан империя таркибиға Арабистон ярим оролидан ташқари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг барчаси, Шимолий Африка, Испания, Кавказ орти давлатлари ва Ўрта Осиё киради.

Исломнинг дастлабки ёйилиши VII асрнинг 30-40 йилларида тааллуқли бўлиб, араблар Сосонийлар империясига узил-кесил зарба бериб, 651 йилда бутун Эронни эгалладилар. Сўнгра VIII асрнинг бошида Ўрта Осиёни босиб олдилар. Арабларнинг ҳарбий ютуғи Ўрта Осиё ва Эроннинг иқтисодий ва сиёсий заифлашганлиги туфайли юз берди. Ўрта Осиё Турк ҳоқонлиги билан тўхтовсиз уруш олиб борганлигидан заифлашган бўлса, Эрон узоқ вақт давомида (604-630 йиллар) Византия билан қонли жанглар олиб борган эди. Натижада, арман тарихчиси Себеоснинг таъкидлашича, “форслар подшолиги ўша вақтда инқирозда эди”, Византияning эса “юнонистонлик шоҳи қўшин тўплашга қодир эмас эди”<sup>6</sup>.

Исломнинг барча мусулмонлар учун биродарлик, тенглик, солик ва қуллиқдан озод қилиш ҳақидаги шиорлари Эрон ва Ўрта Осиё халқ оммасига ўз таъсирини ўтқазмай қолмади. Доимий гўлликда яшаган аҳоли бундай шиорларнинг амалга ошишига ишонар эди. Шунинг учун аҳоли арабларга қарши деярли жиддий қаршилик кўрсатмади.

Исломнинг ёйилиши турли йўллар билан, жумладан зўрлик билан ҳам амалга оширилди. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уни қабул қилиш учун қисман замин ҳам тайёрланган эди. Бунга зардуштийликдаги яккахудолик ақидасининг ривожи, яхудийлик ва христианлик оқимлари бўлган монофизитлик ва несторианликнинг мавжудлиги ҳам ўз хиссасини қўшди. Миср тадқиқотчилари бўлган Рашид ал-Баравий ва Мухаммад Ҳамза Улейшларнинг таъкидлашларича, зардуштийлик, монофизитлик ва несторианликнинг сиқиб чиқаришлик аста-секинлик билан олиб борилди. “Баъзилар янги эътиқодни ўз ишончларига кўра, бошқалар эса – моддий манфаат туфайли, яна баъзи бировлар эса – ўзларини хукмрон доиралар томонидан таъкиб қилинишларидан сақлаш мақсадида қабул қилдилар”<sup>7</sup>.

Аббосийлар даврида Бағдод шаҳрига асос солиниб, у халифаликнинг сиёсий маркази бўлибгина қолмай, балки салтанатнинг иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий марказига айлантирилган эди. Аббосий халифалар Мансур (754-776), Хорун ар-Рашид (786-809) ва Маъмун (813-833) даврида илм-маърифатга катта эътибор берилган. Масалан, йирик илмий марказга айланган “Байт ал-хикма”га асос солиниб, бу жойда ўз даврининг машҳур олиму файласуфлари, табиб, мунахжим, мусиқачи, меъмор, муҳандислари тўпланган эди. Бу даврда араблар, яхудийлар, насронийлар, форслар, мовароуннахрлик ва хурросонликлар томонидан яхудий, юонон, сурёний, форс, ҳинд ва бошқа тиллардаги риёзиёт, фалакиёт, мантиқ, алкимё, ҳандаса, тарих,

<sup>6</sup> Себеос. История императора Ираклия. Пер. с армянского К. Патканьяна (Император Ираклий тарихи. Арман тилидан К. Патканьян таржимаси). -СПб., 1862, -Б.118, 119.

<sup>7</sup> Рашид ал-Баравий, Мухаммад Ҳамза Улейш. Экономическое развитие Египта в новое время. Сокр. пер. с арабского (Янги даврда Миср иқтисодининг тараққиёти. Арабчадан қисқача таржима). -М., ИЛ, 1954. -Б.11.

тиббиёт фанларига оид маданий, илмий-фалсафий асарлар араб тилига таржима қилинган. Қадимги юонон файласуфлари Птолемейнинг “Алмажистий” (Алмагест), Евклиднинг ҳандаса (геометрия), Афлотун ва Арастунинг қатор асарлари араб тилига ўгирилди. Айниқса, Арастунинг мантиққа оид асарларининг таржима қилиниши Бағдод зиёлилари дунёқарашининг бутунлай ўзгаришига олиб келган эди.

IX-XI асрлар мусулмон фани ва маданияти тарихида катта ютуқлар ва муҳим илмий қашфиётлар даври бўлганлигидан, бу даврни баъзи тадқиқотчилар Шарқ фани ва маданиятининг “олтин даври” деб эътироф этадилар. Ўша даврда араб халифалиги таркибига кирган Мовароуннаҳр ва Хурсон минтақаси юз берган маданий-маърифий юксалишни таъминловчи ва ҳаракатлантирувчи асосий кучлардан бири эди. Бу хулоса, биринчи навбатда, бу илмий юксалишда иштирок этган мутафаккирларнинг асосий қисми ушбу замин фарзандлари бўлгани билан изоҳланади<sup>8</sup>.

Араб халифалиги даврида Ўрта Осиёни Тоҳирийлар (821-873), Саффорийлар (873-904), Сомонийлар (875-999), Фазнавийлар (977-1186), Қорахонийлар (999-1212) ва Хоразмшоҳлар (1077-1231) каби сулолалар бошқарган. Салжуқийлар (1033-1300) XII асрнинг бошларига келиб, бугунги Ўрта Осиё ҳудудини бутунлай ўз назорати остига оладилар<sup>9</sup>.

Маълумки, салжуқийлар сулоласи илгариги мавқеи йўқолган халифаликни бошқараётган Бағдод халифасининг расмий ҳукмронлигини сақлаган ҳолда, амалда марказлашган давлатнинг дунёвий ишларини бошқарап эдилар. Салжуқий Маликшоҳ даврида узоқ вақт вазирлик қилган фан ҳомийси Низомул Мулк Абу Ҳомид Ғаззолий ва Маҳмуд аз-Замахшарий каби олимларни ҳам қўллаб-қувватлаган. У Бағдодда расадхона ишини ривожлантириб, машхур фалакшунос олимларни тўплайди. Низомул Мулк ташаббуси билан Бухоро, Ҳирот, Нишопур, Самарқанд, Бағдод каби шаҳарларда “Низомия” номидаги мадрасалар очилган. Ушбу давр илм-фан тараққиётининг эътиборли томони шундаки, қўпгина олимлар ўз соҳаларида янгиликларга асос соладилар. Масалан, биринчи бўлиб, Умар Хайём тақвимига тузатиш киритади. Айниқса, бу давр араб ва форс адабиётининг тараққиёт даври бўлган. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жабҳаларда кўплаб ўзгаришлар фалсафа, табиий-илмий билимлар ривожида муҳим объектив ва субъектив шарт-шароитларни вужудга келтирган. Ўз навбатида Мовароуннаҳр диёрида ҳам илм-фан равнаки учун қулай имкониятлар яратилган. Айтиш мумкинки, бундай имкониятлар XX асрнинг бошларигача ҳеч вақт вужудга келмади. Бу муаммо бутун Яқин ва Ўрта Шарққа, ҳатто Хитой ва Ҳиндистонга ҳам хос хусусиятдир. Шу боисдан бўлса керак, Шарқ мамлакатлари Европадан орқада қолиб кетди. Ҳозирги замон инглиз ва рус олимларининг фикрича, бунинг сабаби Шарқда ҳозиргача миллий инновацион тизимнинг йўқлигидир.

<sup>8</sup> Қаранг: Абдуҳалимов Б. А. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). –Т., Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б.209-236.

<sup>9</sup> Қаранг: Бартольд В.В. История Туркестана//Бартольд В.В.Сочинения. Т.II (с. 1.). –М.:Наука, 1963. –С.240-275.

Россия фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Наталья Ивановна Иванованинг фикрича, биринчи бўлиб иқтисодий назарияга “инноватор” тушунчасини киритган шахс австриялик Шумпетердир. Бунда инноватор кенг маънода эмас, балки ихтирочи маъносида бўлиб, у бошқалар томонидан иқтисодий жиҳатдан тан олинади. Ихтириолар одатда турли соҳаларда кўплаб учрайди. Тадбиркорлик ва иқтисодни олға бошловчи ихтирочи ғояси Шумпетерга тааллуқли бўлиб, унга биноан илмий доирага техник тараққиёт таъсири остида жамиятнинг бир мувозанат ҳолатидан бошқасига ўтиши тушунчаси тортилади. Умумий мувозанатнинг статистик назарияси бўлган иқтисодий “мейнстрим”, иқтисодий ўсишга ихтирочи ва унинг томонидан киритиладиган таъсирни ҳисобга олмас эди. Шунинг учун айтиш мумкинки, Шумпетер иқтисодий ривожланишнинг инновацион парадигмасини яратди. У биринчи бўлиб бу ишни олдинга сурди. Шунинг учун у барча анъанавий мактаб тарафдорлари ғазабини қўзгади. Савол туғилади, нега у бу иш билан шуғулланди?

Ахир у Австрияда, Вена университетида ўқиган ва у ерда 1906 йилда хуқуқ фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган эди. Вена университети эса, айтиш мумкинки, XX аср бошида замонавий илм-фаннынг бешикларидан биридир. Бу ерда Людвиг Больцман, Эрвин Шредингер, Макс Планк, Зигмунд Фрейд ўқидилар ва ижод қилдилар. Австрия иқтисодчилари мактабининг вакиллари бўлган К.Менгер, Э.Бем-Баварк, Людвиг Мизес, Фридрих Хайекнинг номлари бутун дунёга машҳурдир. Шумпетернинг ана шундай илмий муҳит ва кескин ижодий баҳслар шароитида бўлиши, унинг учун энг муҳим тажриба бўлган эди. Сўнгра у ўттизинчи йилларнинг муҳожирлик тўлқинида Америка Қўшма Штатларига бориб, мутлақо бошқача муҳитни кўрди. У ерда Шумпетер ҳатто иқтисодий инқироз шароитида ҳам қудратли саноат корхоналари қандай қилиб, узлуксиз равишда янги технология воситаларини ўйлаб чиқариб, уларни қандай тезлик билан амалиётга жорий этишаётганликларининг гувоҳи бўлди. Натижада у шундай холосага келдики, фақат йирик корпорациягина илмий-техник натижани иқтисодга амалан татбиқ этиши мумкин<sup>10</sup>.

Савол туғиладики, у ёки бу мамлакатнинг ихтиrolар йўлидан бормаслик натижасидаги муваффақиятсизликларини тушунтириб берувчи назария мавжудми? Бунга рус олими Наталья Иванова шундай жавоб беради: Буюк Британия олими Нидхем ўз вақтида шундай муаммони кўндаланг қўйган эди: нима учун порох, қофоз, компас ва жуда кўплаб ажойиб нарсаларни ўйлаб топган ва XIV-XV асрларда етакчи ихтиrolар мамлакати бўлган Хитой, тўсатдан буларнинг барчасини йўқотди ва жаҳолатга ғарқ бўлди. Бу саволга жавоб беришга уринган бир қатор мактаблар мавжуд. Иқтисодий ривожланишга доир Нобель мукофотини олган назариялар ҳам мавжуд, аммо иқтисодий тушқунликни, иқтисодий тизимлар бузилишини тушунтириб беришга қодир бўлган назариялар ҳозиргacha йўқ.

<sup>10</sup> Қаранг: Дан Медовников, Александр Механик. Неумолимый рок инноваций (Инновацияларнинг шафқатсиз қисмати). Эксперт журнали –№ 28. 14-20 июль 2008 йил. –Б.55.

Миллий инновацион тизим – бу, умуман Европача ғоя бўлиб, бир неча вақтдан кейин АҚШда ўз издошларини топган. Нельсон унинг асосчи – оталаридан бири эди. Аммо Европада, ҳар доим бўлганидек, кўпроқ сўзамоллик ва сиёсий қарорлар қабул қилишилик, кўпроқ даражада илмий мактабларни шакллантириш устунлик қиласди. Америка Кўшма Штатларида эса кўпинча ишчанлик ҳукмронлик қиласди. Ана шу Америкада XX асрнинг 80-90-йилларида ҳозирги замон технологик тараққиётига мувофиқ келадиган Миллий инновацион тизимнинг қонуний замини яратилди<sup>11</sup>. Ҳозирги вақтда илфор Шарқ мамлакатлари Европа ва Америкадан ушбу усулни ўзлаштирмоқдалар. Бунга II жаҳон урушидан кейинги Япония, Жанубий Курия, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Тайван ва кейинги 30 йил ичидаги тўхтовсиз ислоҳотлар билан банд бўлган Хитой мисол бўла олади. Ислом дунёси мамлакатлари катта маблағ манбаларига эга бўлсалар ҳам, ҳали ҳозир миллий инновацион тизимга ўтаётганлари йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради.

Юксак тараққиётга эришишни орзу қиласиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида курган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади.

Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда, биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришни доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз”<sup>12</sup>.

### **3-§. Фалсафага Шарқ мутафаккирлари томонидан берилган илмий таърифлар**

Фалсафанинг нима эканлигидан хабар берувчи ўнлаб таърифларни келтириш мумкин. Масалан, IX асрда яшаган араб файласуфи Абу Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801-866) халифа Мұтасимга бағишлиб ёзган “Биринчи фалсафа” асарида фалсафага таъриф бериб, “Инсоннинг тоқати етгунча нарсалар ҳақиқатини билиш илми” ёки “Мабаъди ут-табиа” (“Табиатдан кейин келадиган нарсалар”) китобида “Ҳар бир ҳақиқат сабабини биринчи ҳақиқатга олиб борувчи илм” деб атаган. Унинг фикрича, “Ҳақиқат изловчи учун ҳеч бир нарса ҳақиқатнинг ўзидан қимматроқ эмас”.

Дастлабки фанлар таснифини биринчилардан бўлиб ал-Киндий ишлаб чиқсан. У илмий билишнинг уч босқичи ҳақидаги таълимотни шакллантирди. У биринчи босқични мантиқ ва математика; иккинчи босқични физика (аниқ фанлар); учинчи босқични эса метафизика билан боғлиқ билим, деб хисоблади<sup>13</sup>.

“Бирламчи фанлар” деб аталган, айниқса унинг рационал қисми

<sup>11</sup> Қаранг: Иванова Н. Эксперт –№28. 14-20 июль 2008 йил. –Б.57.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.68-69.

<sup>13</sup> Кедров Б. М. Классификация наук. (Фанлар таснифи). В 3-томах. –М.: Мысль, 1961-1965, –С. 52.

хисобланган фанларнинг вужудга келиши билан ислом дунёсида кўпроқ ақлий мушоҳадага мурожаат қиласиган бўлдилар ва шуларнинг натижаси сифатида “Ислом фалсафаси” номи остида алоҳида фан пайдо бўлиб, ривожланди. Бунгача мұтазила гурухи туфайли ҳақиқатларни кашф этиш ва диний аҳкомларни асослашга ақлий мушоҳада ва рационал муҳокамалардан фойдаланиш бошланган эди. Мұтазила оқими ислом тафаккури тарихида рационализм тарафдори сифатида маълумдир. “Улар Куръон ва ҳадисларни зоҳирий томондан содда англашдан юқори кўтарилиб, ақлий муҳокамаларга таянган ҳолда динни ҳимоя қила олдилар”<sup>14</sup>.

Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий X асрда фалсафага қуидагича таъриф берган эди:

“Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-хужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз”<sup>15</sup>.

Ҳақиқатан ҳам “фалсафа воқелиқдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг туб моҳиятини билишга қаратилган фандир”<sup>16</sup>.

Форобийнинг улуғ хизмати факат унинг фалсафани чуқур англаб етганида ва янги ғоялар, фикрлар берганидагина эмас, балки дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни қатъий ва аниқ ифодалагани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгидаги бирга яшаш мумкинлигини уйғунлаштириб исботлаб берганлигидадир.

Форобий динга жиддий муносабатда бўлиб, шариатнинг зоҳирий томонига қарши чиқиши ўрнига, унинг ботиний моҳиятига фалсафий маъно берди.

Форобий ўзининг “Ал-ҳуруф” (Ҳарфлар) асарида шундай дейди: “Агар дин барча умумий жиҳатлари билан такомиллашадиган фалсафага итоат этса, унда у ҳақ ва тўғридир. Аммо агар дин тўғри таҳлилий фалсафа ҳали шаклланмай, балки ҳалқ тафаккури, ғояси бўлган риторика (балоғат санъати, сўзамоллик), диалектика (баҳс) ва софистика (ҳар қандай восита билан бўлса ҳам рақибни сўзда лол қолдириш) билан банд бўлган даврда пайдо бўлса, бундай фалсафага бўйсунган дин ҳам ёлғон ва хатолардан холи бўлмайди. Кўп ҳолларда у бошидан охиригача нотўғри бўлиб чиқади. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқега эга, чунки фалсафа – мағз, дин – пўстлоқ, аниқроғи – фалсафанинг қуролидир”<sup>17</sup>.

Унинг фикрича, дин жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, бир томондан унинг моҳияти яна ўша олий фалсафадир, бошқа томондан эса шариат инсоният

<sup>14</sup> Хотамий С. М. Ислом тафаккури тарихидан. Таржимон Н. Қодирзода. –Т.: Минҳож. 2003. –Б.56.

<sup>15</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. –Б.183-184.

<sup>16</sup> Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. Муаллифлар Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М. ва б. –Т.:Шарқ, 2004. –Б.384.

<sup>17</sup> Қаранг // الفلسفه الاسلامية و بناء الانسان المعاصر، القاهرة، ١٩٩٧، ص. ٦٧. Муаллифлар жамоаси. Ислом фалсафаси ва ҳозирги замон кишисининг асли. –Қоҳира, 1997. –Б.67.

жамияти мавжудлиги ва ижтимоий тартиб барқарорлиги учун фалсафа сингари зарур. Форобий учун асосий таянч аналитика (тахлил ва тадқиқ)га қурилган фалсафадир. Унингча, ҳақ дин билан ҳақиқий фалсафа бирдир.Faқат фалсафа – хосларга тегишли, диннинг тили эса хосларга ҳам, авомга ҳам тушунарлидир.

Форобий фикрича, пайғамбарлар ва файласуфлар билимларининг манбаи биттадир. Файласуф фаол ақл билан қўшилиб, ҳақиқатни билади, Пайғамбар эса – ҳақиқатнинг инъикоси бўлмиш ваҳий орқали билади. Дин эса ваҳий асосидаги ҳақиқатдир. Дин ва фалсафа – ҳар иккиси ҳам билим ва мулоҳададир, фарқ шундаки, дин соддалаштирилган фалсафадир. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг қоидаларига таянади, дин эса ўша ҳукмлар ва қоидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг дин ва фалсафанинг ягона бирлиги ҳақидаги мулоҳазаларига қарамасдан, кейинчалик, Форобий фалсафани диндан афзалроқ ва устунроқ қўйганлигига ургу бера бошладилар. Баъзилар, жумладан андалузиялик файласуф Ибн Туфайл уни бу масалада кескин танқид қилди. Андалузиялик файласуфнинг далилига кўра, Форобий файласуф даражасини гўё пайғамбарликдан ҳам юқорироқ қўйган. Аммо, Форобий “Дин фалсафанинг мисоллари”деганда пайғамбар ҳалқ тилида сўзлашишга мажбур эканлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтади. Чунки, омма далилий ҳукмларни тушунмаганлиги сабабли, далилий ҳақиқатларни хитобий шаклда баён этишдан ўзга имконият йўқ. Бинобарин, пайғамбар ҳам файласуфдир. Форобийнинг фикрига кўра, авомнинг диний қарашлари, унинг фалсафий хulosаларига доим ҳам мос тушавермайди ва бунинг зарурияти ҳам йўқ. Шунинг учун у ўз фикрларини бевосита авомга мослаштиргмаган эди. У авом мени тушунади, деб ҳам ўйламаган ва аксинча бундан хавотир ҳам олганки, унингча “авомнинг фалсафага аралashiши, уни бузади”<sup>18</sup>.

Рационал ислом фалсафаси ўзининг пайдо бўлиш вақтидан бошлаб мусулмон жамиятида иккита қудратли рақибга дуч келди. Биринчиси – динни ва ақлини ақидапарастларча, қотиб қолган фикр (догма) сифатида қабул қилиш бўлса, иккинчиси – тасаввуф ва ирфон эди<sup>19</sup>. Тасаввуф зиддиятлар, якка ҳукмрон мустабидларнинг зулмидан азоб чеккан одамларнинг исёни ифодаси эди. Юнон фалсафасининг кейинги ирфоний оқимлар билан ўхшашлик жиҳатлари мавжуд<sup>20</sup>.

Икки аср давомида ловуллаб турган калом илмий соҳадаги баҳслар алангасини ўчириши осон эмас эди. Калом ва тасаввуф ислом фалсафасининг таркибий қисмлари сифатида майдонга чиқди. Бу назарий мактаблар ислом фалсафасини яратишга шарт-шароит яратдилар.

<sup>18</sup> Қаранг: Абу Наср Форобий. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи М. Қодиров. –Т.: Ёзувчи, 2002. –Б.6-7.

<sup>19</sup> Қаранг: ماجد فخری. تاريخ الفلسفة الإسلامية. – بيروت: دار المتحدة للنشر، ١٩٧٤، ص. ١٦٠.

<sup>20</sup> Қаранг: Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. (Тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари) –М.: Наука, 1987. –Б.190.

Форобий фалсафасининг инкор этиб бўлмайдиган жойи шундаки, у назарий фалсафани ҳақиқий ва асосий илм, деб билиб, қолган барча фанларни унга тебе бўлган иккинчи даражали соҳалар мақомига қўйди. Фалсафалар ўртасидаги умумий дунёқарашлар билан кифояланмай, дин билан фалсафани ҳам айрим бир қисмга жойлади. Унинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар, зеро, моҳият жиҳатидан фалсафа билан дин ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Бундай қараш ўз даврида ниҳоят даражада муваффақият қозониб, исломий фалсафанинг асоси ва усулини белгилаб берувчи фикрлаш тарзига айланди. Шунинг учун ҳам Форобийнинг маълум маънода ислом фалсафасининг муассиси, яъни асосчиси, деб билмоқ керак.

Ислом фалсафаси ўз таркибига беш йўналишни қамраб олади: тасаввуф, қалом, машшоюн (перипатетиклар ёки фалосифа), исмоилий ва ишроқийлар. Буларга ҳозирги замон эрон файласуфи Муҳаммад Хотамий қуидагича таъриф беради:

“Амалда мусулмон жамиятининг рационал мавзуларини ҳамда Каломуллоҳ (Ваҳий) ва ақл, фалсафа ва дин орасидаги муносабатларни муҳокама қилиб, ҳар бири ислом тарихида ва мусулмонларнинг тақдирида алоҳида из қолдирган тўртта тамойил (йўналиш)ни кўриш мумкин:

1. Ислом фалсафаси деб аталган ва дин билан фалсафа орасидаги уйғунлик муносабатларини олий даражада қўйган оқим.

2. Динни ақлий ва мантиқий муҳокамалар, далиллар билан солиштирганда фикрлайдиган одамда уни қабул қилиш учун ҳеч бир имконият қолдирмайдиган ҳолатда олиб кўрадиган оқим.

3. Ақл ва фалсафанинг қўли қисқа, оёғи чўлоқ, у ҳақ ва ҳақиқатга олиб бора олмайди, деган ирфон ва тасаввуф оқими. Суфийлар ҳақиқатга юрак қаноти билан етишиш мумкин, дейдилар ва “далил келтириб исботловчиларнинг оёғи ёғочдандир”, улар ҳақقا етишишга ожиз, деб айтадилар.

4. Дин ва шариат ҳайбати ва ҳашамати олдида инсон ақлининг ожизлигини таъкидловчи оқим”<sup>21</sup>.

Ушбу оқимлар бошқа халқлар ва маданиятлар, жумладан юонон олимлари қарашларидан баҳраманд бўлган ҳолда вужудга келган эди. Абу Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий Форобийдан юз йил олдин фалсафани жиддий ўрганишга киришган эди, бошқа олимлар эса фалсафий асарларни араб тилига таржима қилиш билан чегараланардилар. Бироқ Форобий билан ал-Киндий орасида катта фарқ бор. Бу шунда намоён бўладики, Форобий янги йўл очган ўзининг янги мактабига асос солган файласуф бўлса, ал-Киндий ўзлаштирилган фикрларни тадқиқ этган олимдир.

Ибн Сино (980-1037) ўзининг “Донишнома” асарида таъкидлашича, “ҳаракат деб, одатда маконда содир бўладиган нарсага айтилади; аммо бу тушунчанинг маъноси ҳозир бошқача, макон ҳаракатдан кўра, умумийроқ маънони англатади: имкониятдаги нарса бўлган бирор-бир нарсанинг

<sup>21</sup> Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: Минҳож, 2003. –Б.58.

исталган ҳолати ва ҳаракати шу имконият сабабидан ҳаракат дейилади”<sup>22</sup>.

Ибн Сино фикрига кўра, барча фалсафий илмлар икки қисмга бўлинади: назарий ва амалий. Бунда назарий қисмнинг мақсади – ҳақиқатни билиш; амалий қисмнинг мақсади – саодатга эришишдир. Фалсафий фанлар, Ибн Сино таъкидича, икки турга бўлинади: биринчиси бизнинг шахсий хатти-ҳаракатимиз билан таништиради ва у “амалий илмлар” деб номланади. Чунки бу билимларнинг фойдаси, биз бу дунёда нажот топишга умид қилишимиз учун, ундаги ишларимиз тартибли бўлиши учун керак бўлади. Иккинчиси эса бизни руҳиятимиз шаклланиши ва бу дунёда баҳтли бўлишимиз учун нарсалар оламининг ҳолатини бизга англатади. Ўз ўрнида тушунтириладиган бу илм назарий деб номланади<sup>23</sup>.

Макон Ибн Сино нуқтаи назаридан жисм ҳам, шакл ҳам эмас. Бу унда жисм ўрин оладиган “ҳеч нима”. У ҳар қандай жисмни қуршаб олади. “Ўрин”нинг борлиги “тўлдирилган” маконнинг мавжудлигини асослайди. Унинг фикрича, “дахр” модданинг, унинг ўзгаришига боғлиқ абадий ва мутлақ вақт бўлиб, қандай бўлмасин, макон ва ҳаракат билан тор алоқада мавжуд<sup>24</sup>.

Ибн Рушднинг икки ҳақиқат назарияси кейинчалик ислом фалсафасида табиий-илмий ҳамда ижтимоий билимлар концепциясини ишлаб чиқища диний ва илмий билимларни уйғунлаштиришда муҳим восита бўлган. Ўз навбатида билишнинг бу икки шакли бир-бирига ҳалал бермаслиги керак, деган ғоя ҳам устувор аҳамият касб этган. Чунки улар бир мақсад – ҳақиқатни топиши ва унга эришиш йўлида ҳаракат қиласалар, деган ёндошув концепциал асосга эга эди.

“Икки ҳақиқат назарияси” мутакаллимлар билан мұтазилийлар, ақл билан ётиқод ўртасида келишув вужудга келганлигидан дарак беради. Чунки кейинги давр мусулмон халқлари тарихидан ўрин олган ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг негизи унинг асосига қурилганини кўриш мумкин. “Икки ҳақиқат” тарафдорларининг қарашларидаги бундай хulosалар аслида қадимги юонон файласуфи Афлотун фалсафасига асосланар эди. Агар Афлотун фалсафасида нарсалар дунёсидан олдин, унга нисбатан бирламчи, ўзгармас моҳиятга эга бўлган “ғоялар дунёси” мавжудлиги эътироф этилса, унда бу ўзгармас моҳиятни англаш етишнинг ҳам икки йўли мавжуддир, деб ишонч билдиради<sup>25</sup>.

Унинг фикрича, бу дунёning ўзгармас моҳияти алоҳида қобилиятга эга, ўта сезгир одамларнинг фаолияти орқали англаш олинади. Бунинг иккинчи йўли эса, кишилар томонидан ғоялар дунёси (моҳият)нинг ҳосиласи бўлмиш, нарсалар дунёсини ташкил этувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, сифат ҳамда хоссаларини ўрганиш асосида ҳам моҳиятни

<sup>22</sup> Ибн Сина. Книга знания “Данишнаме”. –Сталинабад, 1957. –С.168.

<sup>23</sup> Қаранг: Камилов А.Ш. Физические труды ар-Рази и Ибн Сины (Ар-Розий ва Ибн Синонинг физикага оид асарлари). –Душанбе, 1991. –С.104.

<sup>24</sup> Қаранг: Рожанская М.М. Механика в Хорасане и Мавераннахре в средние века (Ўрта асрларда Ҳурсон ва Мовароуннахрда механика). –М., 1986. автореферат.

<sup>25</sup> Қаранг: Йўлдошев С. Антик фалсафа. –Бишкек: Учқун, 1999. –Б.58-63.

англааб олиш мумкин.

Замонавий исломнинг фалсафий асосларини ўрганишда Шарқ ва Ғарб тажрибасини биргаликда олиб бориш зарурлиги ҳақида Т.Ж.Уинтер ўзининг “XXI асрда ислом” номли асарида қуидагиларни ёзади:

“Бағдоддаги Низомия мадрасаси Ғаззолий туфайли машҳур бўлиб кетган эди, ўша мадрасада фикҳ билан бир қаторда юонон анъаналари асосидаги фалсафий илоҳиётшунослик ҳам ўқитилар, шунингдек, ўша вактдаги раҳнамоларни рақиб мағкураларининг оёғини осмондан қиласиган зарур қурол билан таъминлар эди. Бизга янги мингликда мужаддид, мұтадил, бағрикенг, рухоний кўзқарашга эга, дунёвий тафаккурни танқид қилибгина қолмасдан, уни тушунадиган ва у билан баҳсга кириша оладиган даҳо Ғаззолий керак. Хусусан, бундай шахс янги замонга ўз ҳукмини ўтказаётган маънавият, санъат ва атроф-муҳит масалаларини пухта билиши даркор. Ғарб кишиисига нима таъсир этиши ва уни нима ҳаракатлантираётганидан хабардор ғарблек мусулмон мутафаккирлари биладики, мабодо ислом дискурси ушбу масалаларга эътибор қаратиб, муваффақиятга эришадиган, эстремизмнинг ёвуз руҳини қувадиган бўлса, динимиз нафақат гуллаб-яшнаши, қолаверса, янги асрнинг диний курашларида марказий ўринни қайта эгаллаши ҳам мумкин”<sup>26</sup>.

Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш киради. Бу икки турдаги ўтиш фан тараққиёти учун ҳам хосдир.

Европанинг мусулмон вилоятларида, айниқса, маврлар Испаниясида, мусулмон, яхудий, христианлар таълим беришган. Уччала эътиқод вакиллари ўз диний ақидаларини юонон фалсафаси ғоялари билан химоялашга уринишган, бу албатта христиан схоластикасига таъсир этган.

Сиёсатдаги каби фалсафада ҳам араб-мусулмон мутафаккирлари инқилоб содир этишган эмас, балки дастлабки ғоялар билан чекланишга ва шакллантириш мумкин бўлганларини шакллантиришга ҳаракат қилишган. Лекин уларнинг фан ва фалсафага қўшган ҳиссаси жаҳон, айниқса, Европа фалсафий ва илмий дунёқарашига катта таъсир кўрсатди<sup>27</sup>.

Абу Ҳомид Ғаззолий фалсафий далилларга қарши раддия ёзганидан кейин ислом илми фалсафа билан бирлашиб, бундан кейинги ҳар қандай келишмовчиликлар бартараф этилиши мумкин бўлган адашишлар ва хатоликлардан иборат эканлиги яна бир бор таъкидланди. Натижада агар фалсафа ўзгарувчан бўлмаганда, хато ва адашишлар ҳам келиб чиқмас эди – деган холосага келинди. Гарчи, борлиқ, мавжудотларнинг асоси ва минераллар олами ҳақидаги гаплар худди қадимги юонон фалсафасидагидек бўлса-да ва ислом файласуфлари ҳақиқий фалсафага хос хусусият бўлган ашёларнинг моҳияти ҳақида баҳс юритган бўлсалар ҳам, аммо баҳсларнинг маъно ва мазмунида чуқур ўзгаришлар юз берган эди.

<sup>26</sup> Уинтер Т.Ж. XXI асрда ислом. –Т., Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2005. – Б.25.

<sup>27</sup> Қаранг: История философии. Учебник для вузов.// Волкова А.Н., Горнев В.С., Данильченко Р.Н. и др. Под ред. Мопельман В. М. и Пенькова Е. М. –М.: ПРИОР, 1997. –С.120-124.

## **1-§. Илк фалсафий тафаккурга Юнон, Искандария ва Ўрта Шарқ меросининг таъсири**

Ғарб тадқиқотчиларининг ислом фалсафаси тараққиёти ҳақидаги изланишлари ислом фалсафасини алоҳида йўналиш сифатида ўрганишга имкон берди. Ислом фалсафасининг руҳи ва қарашлари ҳатто XX асрда ҳам ўрта асрлардаги тафаккур тарзида қолганлиги таажжубланарли ҳолдир.

Ислом фалсафасининг Оврўпо фалсафаси ва христиан илоҳиёти ривожи билан бевосита ёки билвосита алоқаси борлиги Ғарб тадқиқотчилари томонидан таъкидланган.

Маълумки, II асрнинг охирида христиан Черкови шаклланиб, христиан илоҳиёти олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Христианлик бу вақтда маъжусийлик, яхудийлик ва ҳокимият намоёндаларидан ўзини ҳимоя қилишга муҳтож бўлиб қолмасдан, балки Исонинг таълимотини ёйиш ва уни тарғиб қилиш ишига киришди.

II асрнинг охирида Александриялик Климент, Тертуллиан, Ориген, Минуций Феликс, Лактанций ва бошқа илоҳиётчилар майдонга чиқдиларки, уларнинг қарашлари асосида христианлик черкови тафаккури шакллана бошлади. Биз шулардан фақат биринчисининг ижодига қисман тўхтаб ўтамиз.

Искандариялик Климент (Александрийский) (150-215) Шимолий Африкадаги Рим вилояти бўлган Александрияда туғилди. Шуниси қизиқки, у биринчи бўлиб ўзининг христианлик фалсафасини ишлаб чиқишига азму-қарор қилиб, фалсафани христианлик билан боғламоқчи бўлди. Климент Искандариялик Филон (эр. ол. 21-28 йиллар – эрамизнинг 41 ёки 49-йиллари) изидан бориб, фалсафа илоҳиётнинг хизматкори бўлиши кераклигини таъкидлади. У биринчи бўлиб, фалсафа билан дин, эътиқод ва акл муаммосининг бир-бирига ўзаро мувофиқлигини ўртага қўйди. Фалсафа ва динни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, христианлик ўзида қадимги юнон фалсафаси ва Инжилнинг Қадимги Аҳд қисмини бирлаштиради. Унинг ақидасича, худо ўз инояти билан башариятни Исо Масих орқали нажот томон бошлаб боради. Аммо барча халқларни У турлича йўллар билан бошлаб боради. Исроил халқини Мусо орқали ато қилган Қонун воситасида, Европа халқларини эса фалсафани тақдим этиш инояти воситасида бошлаб боради. Шунинг учун Климент назарида Суқрот юнонликлар учун қандай мақомга эга бўлса, Мусо ҳам яхудийлар учун шундай аҳамиятга эгадир.

Қадимги юнон фалсафасининг камчилиги шундан иборат эди, у динга нисбатан бир мунча ишончсизлик ва менсимаслик билан қарап эди. Климент ўз фикрини давом эттириб, шуни қайд этадики, юнонистонликлар ўзларининг барча қоидаларини яхудийлардан олганлар. Яхудийлик динининг камчилиги эса шунда эди, у фалсафани назар-писанд қилмас эди.

Христианлик юқорида айтилган барча билим шаклларидан шунинг учун афзал эди, у биринчи марта Қадимги Аҳд пайғамбарлари томонидан берилган динни ва қадимги юнонлилар томонидан ишлаб чиқилган

фалсафани бирлаштиар әди. Хаворий Павелнинг айтишича, ўзлари билмаган ҳолда юононлилар ўз фалсафалари орқали Худони хурмат қила бошладилар.

Климент кимки, дин билимни ортиқча қилиб қўяди, деб ҳисобласа, улар билан мувофиқ эмас, аммо у шундай алоҳида ўзига хос билим борки, у ўз улуғворлиги билан эътиқодни беҳуда нарса қилиб қўяди, деб таъкидловчи гностиклар нуқтаи назарини ҳам рад этади.

Климент ўзининг “Строматалар” асарида ёзишича, “фалсафа – шундай бебаҳо ҳазинаки, уни қўлга киритишга биз барча куч-куватимизни сарфламогимиз лозим”<sup>28</sup>.

Климент фикрича, бизга ақлнинг берилиши тасодифий эмас, негаки, унинг обьекти фикрdir, мақсади эса – ҳақиқатни билишdir; ақл бизга беҳудага берилган эмас, ва шунинг учун биз фалсафий мушоҳада юритиб ва фикрга шўнғиб, ҳақиқатни қидиришимиз лозим.

Климент ақидасига кўра, фалсафа ҳақиқий ва ёлғон бўлиши мумкин. Ёлғон – бу софистика, моддиюнча фалсафа ва хоказо. Ҳақиқий фалсафа Худо ва инсон ҳақида таълим беради, у инсоннинг қандай қилиб худога қайтиши ҳақида ҳам фикр юритади. Ҳақиқат ягона бўлиб, унга бориш йўллари кўпdir. Бу шундай маънога эгаки, тизимларнинг кўплиги туфайли жуда кўплаб хусусий ҳақиқатларга етишиш имконияти мавжудdir.

Қадимги юнонистонликларга ақл чироғи ато этилганлиги туфайли, улар унинг воситасида ҳақиқатни тушунишга эришдилар. Қадимги яҳудийларга берилган ақл чироғи ва Конун, бир ягона ўша манбага, яъни ўша ягона Логосга эга. Кўплаб далилларга кўра, ушбу назарияни Климент Искандариялик Филондан олган. Шунинг учун фалсафа кўпчилик жихатдан христианликдан олдин вужудга келгандир ва шу боис христианлар уни Қадимги Аҳд каби хурматлаб, эъзозлашлари лозим.

Климент фикрича, эътиқод ва ақл, бир-бирига қарама-қарши эмас. Ақлга асосланган фанларда субординация (хизматда кичик унвонлиларнинг катта унвонлиларга бўйсуниши қоидаси) мавжуд. Қуйи фанлар фалсафага олиб боради, фалсафа эса – илоҳиётга олиб боради. Шунинг учун у мажбурийdir, негаки, у илоҳиётни қўлига далил учун қурол беради, у христианликни ёйиш ва ҳимоя қилиш учун баҳс қуроли ҳамdir.

Гностиклар билан бўлган баҳсда Климент қайд этадики, эътиқод билан ақлнинг нисбати бир-бирига мувофиқdir. Инсоннинг ҳар бир қобилияти (эътиқод ҳам, ақл ҳам) қандайдир мақсад учун зарурdir. Эътиқод баъзи бир имтиёзга эга, у билиш обьектини очиб беради, у қўпроқ жўн, оддий бўлиб, тушунишга осон, негаки, барча кишилар қандайдир эътиқодга эгадирлар. У тайёр ҳолда берилади ва билимда ҳамма вақт эътиқод унсури иштирок этади. Инсон қадимгилар айтган, исбот қилиб бўлмайдиган жуда кўп қоидаларга ишонади. Китоблардан бўладими ёки бошқалар айтган гапларданми ёки тахминларданми – ҳар ҳолда барча жараёнларда бизнинг ақлий билимларимиз шундай қоидаларга таянадики, уларга киши жўнгина

<sup>28</sup> Лега В. П. История западной философии. (Фарб фалсафаси тарихи). –Т., 1998. –С.1.

ишонади. Бирок, эътиқод пойдевор сифатида етарли эмас, негаки, бундай пойдевор устига хушбичим бинони ақлий далиллар ёрдамида қуриш лозим. Шунинг учун эътиқод ва ақл бир-бирини истисно этмасдан, бири иккинчисини тўлдиради. Эътиқод бинонинг пойдевори бўлса, ақлий билим ушбу пойдеворга тикланган деворлардир. Деворлар пойдеворсиз бузилади, аммо деворсиз пойдевор ҳам - бу бинонинг ўзи эмас, балки фақат пойдевордир. Демақ, эътиқодсиз билим йўқ, эътиқодсиз билим эса - ҳеч нарса эмас.

Эътиқод ҳам, билим ҳам умумий қобилият бўлган ўша ягона оқилликнинг намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳар бир христианнинг орзуси, ана шу оқиликка эришишдир. Христиан гносиси - бу Христиан эътиқодининг ўзи бўлиб, у ақлий мушоҳада ёрдамида идрок этишга олиб боради. Эътиқод ва ақлнинг ўзаро муносабатини мана шундай тушунишда Искандариялик Климент шундай қучли анъана бошида турадики, уни кейинчалик Августин, Фома Аквинский, Ансельм Кентерберийский ва бошқа христиан илоҳиётчилари қўллаб-қувватладилар.

Инсон қандай қилиб Худони билиши мумкин? Ҳаммадан юқори турувчи ва билиб бўлмайдиган нарсани қандай қилиб тушуниши мумкин? Климент қадимги дунё қоидаси бўлган ўхшаш нарсани, унга ўхшаш нарса орқали билиш мумкин, деган фикрга қўшилади. Шунинг учун агар инсоннинг кўп нарсани билиши мумкин бўлса, у вақтда қандайдир тарзда у ўзида илоҳий табиатни мужассам этган бўлади. Аммо барча соҳаларда Худо инсондан устунликка эга бўлганлигидан, Худони билиш жараёни – бир одам умри доирасида эришиб бўлмайдиган чексиз жараёндир. Демак, ҳақиқий билиш учун ваҳийнинг бўлиши зарурдир. Шунинг учун диннинг икки шакли мавжуддир: Худони табиий билиш ва ваҳийлик дини бўлиб, жумладан, у қадимги Исройлга берилган.

Христианлик дин табиий дин ва Ваҳийлик динини ўзида қўшади ва шунинг учун ҳақиқий ва узил-кесил диндир.

Искандариялик Климент Худони чексиз моҳият сифатида тушунишда Афлотунга кўп жиҳатдан яқин эди. Негаки, худо инсон рухи эга бўлган табиатга эгадир. Бутунлай эҳтимолдан ҳоли эмаски, Климент ушбу тушунчани ўзининг яхудий ўтмишдоши бўлган Искандариялик Филондан олган. Шунингдек, ундан Муқаддас ёзувни шарҳлаш ва тушунтириш усулини, яъни рамзий талқин услубини қабул қилган. Жумладан, Климент Худони дунёни ҳеч нимадан яратганлигини Афлотун ўзининг “Тимей” асарида қандай келтирган бўлса, ўшандай талқин қиласи: яратилиш баъзи бир тартибсизликдан, хаосдан юз берди.

Климент кўп жиҳатдан христианликнинг Ваҳийлик дини ва маъжусийлик даври фалсафасининг уйғунликда яшаш асосига тамал тошини қўйди.

Ислом фалсафаси суряликлар, араблар, эронликлар, туркий халқлар, барбарлар ва бошқа миллат вакиллари иштирок этган мураккаб фикрий жараён ҳосиласидир. Хурросондан тортиб Андалузиягача VIII-XVII асрларда юқоридаги халқлар томонидан қўлланилган илмий адабиёт араб тилида ёзилган.

Яқин Шарқ, жумладан Искандария, 641 йилда Умар Ос томонидан фатх этилди. Бу минтақаннинг араблар қўлига ўтиши асрлар давомида давом этиб келган Эрон ва Рум истилоларига барҳам берди.

Искандария VII асрда юонон фалсафаси ва илоҳиётини тадқиқ қиласидиган муҳим марказга айланган эди. Юонон тилини ўрганиш Сурия ва Ироқда IV асрда, Антокия, Ҳаррон, Эдисса (арабчаси: Урфо ё Аппахо) шаҳарларида, Сурия шимолидаги Қиннасарин, юқори Ироқдаги Нисайбин ва Россилайнда сал кейинроқ бошланган эди. Юонон тилини ўрганиш Искандариядан ўтган юонон илоҳиётини, жумладан, Климент Искандарий таълимотини ўрганишдан бошланган эди. Квант Сентилий Флоренс Тертуллиан (160-230) айтганларининг монийликка қарши қаратилган жойлари сурёний тилга таржима қилинган эди. Илоҳиёт матнлари қаторида мантиққа доир китоблар ҳам араб тилига таржима қилинган эди. Якуб Раҳовийнинг (ваф. 708) илоҳиёт ва фалсафага доир асарларининг ёйилиши эркин фикр мавжудлигидан гувоҳлик беради.

VII асрда Ҳаррон ва Жандишопурда (Эрон жанубида) юонон илмларини ўрганадиган икки марказ мавжуд бўлган. Жандишопур ўқув юрти 555 йилда Хусрав I Анушервон томонидан таъсис этилган эди.

## **2-§. Ғарб тадқиқотчиларининг ислом фалсафаси ҳақидаги изланишлари**

Юонон фалсафасининг ислом фалсафасига таъсири масаласи нечоғлик муҳим эканлигини биз Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида яққол кўрамиз. Юонон фалсафасининг Ҳиндистон ва Хитой фалсафасига таъсири эса бунчалик бўлмаганлиги барчага аёндир.

Ислом фалсафасини ўрганилишини бошлаб берган тадқиқот Аламбе Жоурданнинг 1819 йилда нашр этилган “Арасту асли юонон хужжатларини араб тилига қилинган таржималарининг танқиди” китобидир<sup>29</sup>. Бу китоб ислом фалсафасининг Ғарб фалсафасига, маҳсусан лотин тилидаги таълимотларга таъсирини очиб берган. 1852 йили Эрнест Ренаннинг “Ибн Рушд ва унинг фалсафаси” номли китоби нашр этилди<sup>30</sup>. 1859 йили Соломон Мунк томонидан “Яхудий ва араб фалсафаси мажмуи” номли китоб нашр этилган бўлиб, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган<sup>31</sup>. XX аср бошида Де Боер томонидан “Исломда фалсафа тарихи” (1901) китоби немис тилида нашр этилиб, 1903 йилда инглиз тилига ҳам таржима қилинган<sup>32</sup>. 1922 йили Де Ласи Олеарий томонидан “Исломий тафаккур ва унинг тарихдаги ўрни” номли китоб нашр этилди<sup>33</sup>.

1957 йили Круз Ҳернандез томонидан “Андалузия мусулмон фалсафаси” номли китоб нашр этилди<sup>34</sup>. 1962 йили Монтгомери Вотт муаллифлигига

<sup>29</sup> Jourdain A. Recherches critiques sur L'age et L'origine des traductions d'Aristote. –Paris, 1819.

<sup>30</sup> Renan E. Averroes et L'averroisme. –Paris, 1882; Renan. De philosophia peripatetica apud Suros. –Paris, 1852.

<sup>31</sup> Munk S. Melanges. De philisophie juive et arabe. –Paris, 1859.

<sup>32</sup> De Boer, T. J. Geschichte der Philosophie in Islam. –Stuttgart, 1901.

<sup>33</sup> O'leary, De Lacy. Arabic Thought and its Place in History. –London, 1922.

<sup>34</sup> Cuz Hernandes, M. Filosofia hispano-musulmana. –Madrid, 1957.

“Ислом фалсафаси ва илоҳиёти” номли китоб нашрдан чиқди<sup>35</sup>. 1964 йили Ҳенри Корбон томонидан “Ислом фалсафасининг тарихи” китоби босилиб чиқди<sup>36</sup>. 1970 йили Можед Фахрийнинг “Ислом оламида фалсафа давони” китоби Бейрутдаги Америка университети томонидан инглиз тилида нашр этилди. Бу китоб 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида босилиб чиқди<sup>37</sup>.

### 3-§. Фалсафий матнларнинг таржималари

Уммавийлар хонадонидан чиққан халифалар (661-749) деярли бир аср давомида ҳокимиятни мустаҳкамлаш билан банд бўлдилар. Абдулмалек ибн Марвон (685-705) даврида бошқарув соҳасида ислоҳотлар ўтказилди ва араб тили юонон ва форс тиллари ўрнига идора ишларида расмий тил сифатида жорий этилди.

Амалий мулоҳазалар энг қадимги илмий ва айниқса, табобат соҳасидаги матнларни араб тилига таржима қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Энг қадимги араб тилидаги манба бўлган Ибн Надимнинг (ваф. 925 й.) “Ал-фехрист” (“Рўйхат”) китобидаги маълумотларга кўра, биринчи марта кимё, астрономия ва табобатга доир асарларни араб тилига таржима қилиш ташаббуси Уммавий амири Холид ибн Язидга (ваф. 704 й.) тааллуқли экан. Илгари зардуштий динида бўлиб, кейин исломга кирган Абдулло ибн Муқаффанинг (757 й. қатл эт.) пахлавий тилидан араб тилига ҳинд олимни Бидпой Ҳакимнинг “Килила ва Димна” асарини таржима қилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг қадимги форс тилидан араб тилига қилган таржималаридан “Худойнома” (“Қадимги форс давлатчилиги тарихи”), “Ойиннома” (“Йўл-йўриқлар, урф-одатлар”), “Мазда китоби”, “Анушервоннинг ҳаёт йўли” ва бошқа адабий-ахлоқий рисолалар ислом минтақа маданиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Арастунинг “Категориялар” (“Маъқулот”), “Биринчи аналитика” (“Таҳлиле аввал”), Порфирийнинг “Исоғучи” (“Мантиққа кириш”) асарларини Аббосий халифа Мансур (754-770) учун араб тилига таржимасини ҳам Ибн Муқаффа бажарган (Қифтий. “Тарихи ҳукамо”. 220-саҳифа). Халифа Мансур таржима ишларига жалб қилган олимлар орасида Навбахтий хонадонининг аъзолари ҳамда энг машҳур олим Албитриқ ҳам бор эди. Баъзи манбаларда келтирилишича, мазкур халифа ҳукмронлиги даврида Арастунинг бир неча рисолалари, Искандарияда ижод қилган Птолемейнинг “Алмагест”, Евклиднинг “Геометрия усули” ва бошқа бир неча асарлар юонон тилидан араб тилига таржима қилинган (Масъудий. “Муруж аз-захаб”, Париж, 1861-77, 8-жилд, 291-292 бетлар). Аммо малакали таржимонларнинг етишмаслиги сабабли IX аср бошигача таржимачилик ишлари унчалик ривож топмаган. Ҳақиқий таржимачилик ишини Мансурнинг невараси Маъмун (813-833) йўлга қўйган. Хорун ар-Рашид саройининг

<sup>35</sup> Watt W. M. Islamic Philosophy and Theology. –Edinburgh, 1962.

<sup>36</sup> Corbin H. History de la Philosophie islamique. –Paris, 1964.

<sup>37</sup> //ماجد فخری. سیر فلسفه در جهان اسلام. Можед Фахрий. Ислом оламида фалсафа давони. –Техрон, Техрон университети нашриёти. Ҳижрий 1372/1983.

табиби Юҳанно ибн Мосул ўз асрининг энг буюк олимларидан бири бўлган. Маъмун уни 830 йили “Байтул ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) раислигига сайлаган. У Афлотуннинг “Тимей” асарини араб тилига таржима қилган<sup>38</sup>.

Ҳажжож ибн Матар, Яҳъё ибн Албитриқ, Ҳунайн ибн Исҳоқ (809-873)ларнинг таржимачилик фаолияти жўшқин бўлган. Саламо исмли олим ва таржимон “Соҳибе Байтул ҳикма” (“Донишмандлик уйининг эгаси”) лақабига сазовор бўлган (Ибн Надим. Китобе алфехрист. 353-бет). Ҳунайн ибн Исҳоқ ўз шогирди Исо ибн Яҳъё билан биргаликда ўз ҳомийлари бўлган Муҳаммад ибн Мусо учун кўплаб таржималар қилганлар. Ҳунайн мухаррирлиги остида унинг дўстлари, ўғли Исҳоқ, жияни Хубаш ва шогирди Исо ибн Яҳъё томонидан Арастунинг деярли барча асарлари, Афлотуннинг бир қисм китоблари таржима этилган. Ҳозиргacha араб тилида мавжуд бўлган Искандарияда яшаган Жолинус (Гален) ва Букрот (Гиппократ) китоблари Ҳунайн таржимасида етиб келган.

Йирик таржимонлар бўлган Ибн Ноэмайе Алҳамсий (ваф. 835), Абу Бишр Матто (ваф. 940), Яҳъё ибн Адий (ваф. 974), Қисто ибн Луқо (ваф. 900), Абу Али ибн Зара (ваф. 1008), Ҳасан ибн Савор (ваф. 1017) ёки Ибн Хаммор, Собит ибн Қурра Ҳарронийларнинг фаолияти сермаҳсул бўлди.

#### **4-§. Ислом фалсафасига Эрон ва Ҳинд фалсафасининг таъсири**

Арабларнинг Эрон ва Ҳинд маданияти билан танишуви VIII асрдаёқ бошланиб, табобат ва сиёсий тузум соҳаларидаги фанларда ўз аксини топган эди. Араб тилига таржима қилинган биринчи китоблар орасида ҳинд олими Браҳамагуптанинг астрономияга оид “Синҳенто” (Синҳед) асари мавжуд бўлиб, исломда астрономия илмини ривожига муҳим ҳисса қўшди. Аббосий халифалар бўлган Мансур ва Ҳорун ҳукмронлиги даврида уларнинг ажамлик вазири Яҳъё Бармакий ташаббуси билан бир қанча бошқа китоблар ҳам ҳинд тилидан арабчага ўтирилди. Шундай бўлса ҳам, мусулмонларнинг ҳинд фалсафасига қизиқиши илми нужум ва табобатга нисбатан кам эди (Ибн Надим, “Китобе Алфехрист”. 438, 498-бетлар). Ибн Надимнинг хабар беришича, муаллифи номаълум бўлган ҳиндуларнинг “Милал ҳинд ва адёнаҳум” (“Ҳинд миллатлари ва уларнинг динлари”) номли китобининг арабча нусҳасини Абу Исҳоқ ал-Киндий (ваф. 866) ўз қўли билан ёзганлигини қайд этган. Абу Райҳон Беруний (ваф. 1048) 1030 йилда ёзган ўзининг “Таҳқиқ Молалҳинд” (“Ҳинд мулкининг тадқиқи” ёки “Ҳинди斯顿”) асарида IX аср иккичи ярмида яшаган олим Эронشاҳрий тўғрисида гапириб, унинг ҳиндуларнинг диний ақидаларини холис тадқиқ қилганлигини эслатиб ўтади. Эроншаҳрий номини Носир Хисрав (ваф. 1061) ҳам эслатиб ўтган. Унинг қайд этишича, Муҳаммад Закариё Розий (IX аср) Ҳинд ақидаларини Эроншаҳрийдан иқтибос қилган. Розий инсон ва жаҳон тўғрисидаги ўз фалсафий таълимотида дунё беш азалий ибтидодан ташкил топганлиги ва жисмларнинг атомлардан (бўлинмас заррачалар) иборат

<sup>38</sup> م: كتاب الفهرست. القاهرة، بي تا، ١٩٥٨ // ابن نديم،

эканлиги, рухларнинг кўчиб юриши, яъни таносух ақидаси ҳақида мулоҳаза юритадики, уни ҳинд фалсафасининг таъсирида шаклланган, деб ҳисоблаш мумкин. Жисмларнинг атомдан ташкил топганлиги ҳақидаги ақида Розийдан ташқари, мусулмон мутакаллимлари ўртасида ҳам ёйилган эди. Бу Арасту фалсафасига қарама-қарши қўйилган санавият (дуализм) ақидаси бўлиб, унга биноан жавҳар (субстанция) ва ораз (акциденция) икки мустақил ибтидо сифатида талқин қилинади. Санавият тез орада имон шартларидан бири сифатида майдонга чиқди. Мусулмон мутакаллимлари фақат бир истисно билангина модда, макон ва замон ҳақидаги атом назариясини қабул қилдилар ва унинг асосида мустаҳкам калом қоидасини ишлаб чиқдиларки, унда мутлақ ҳокимиятга эга бўлган ягона зот худо эди.

Буддавийлик ақидасининг икки фирмаси бўлган Вайбхашика ва Сватрантика, брахманларнинг икки фирмаси Нийая ва Вайшешика ҳамда Жайна фирмаси юононлилардан мустақил равишда V милодий асрда атом назариясини ишлаб чиқкан эдиларки, унда атом модда, замон ва маконнинг сифати мақомида бўлиб, абадий табиат унинг таркибидан ҳосил бўлган саналар эди. Аммо арозни (акциденция) мусулмон мутакаллимлари мавжудотлардан алоҳида олиб қарадилар ва уни атом иплари сифатида таъриф этдилар. Улар тушунчасидаги аroz Ашъария таълимотидаги каби ўз зотига кўра, боқий равища қолишга қодир эмас эди.

Ҳинд тафаккурининг арабларга таъсири ҳақида гап кетганда, Браhma фирмасини ва уни пайғамбарлик ва ваҳийга эҳтиёжи йўқлигини таъкидлайдилар. Мусулмончилик ақидаларидан рационализм оқими фирмасида ҳам шундай фикр мавжудки, ақл осмоний кучлар ёрдамига муҳтож бўлмаганлиги сабабли, ваҳийга ҳам унчалик зарурят сезмайди.

Араб манбаларида яна бир сирли ҳинд фирмаси бўлган Сўмния ҳақида гап борадики, мусулмонлар орасида унинг тарафдорлари бўлган гуруҳлар мавжуд бўлган. Юонон шаккокий фалсафаси билан таниш бўлмаган мутакаллимлар Сўмния ақидасига эҳтиром билан қараб, уни ҳеч нарсага ишонмаслик маърифатининг асосчилари, деб билишган. Уларнинг ақидасида ҳиссий маърифатдан юқори турувчи ҳар қандай нарсанинг бўлишига шакшубҳа билдирилган.

Х асрда мусулмон оламида шундай олимлар мавжуд эдиларки, илоҳиёт ва фалсафада Яқин Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг илгариги меросини юононлилар ва арабларницидан кам эмаслигини таъкидлар эдилар. Ана шундай фикрлар баён этилган муҳим мажмуа эронлик файласуф Мискавейҳга (ваф. 1030) тааллуқлидир. Бу паҳлавий тилидан таржима қилинган “Жовидоне хирад” (“Абадий ақл-заковат”) номли китобдир.

Назарий тафаккурда эронликлар таъсири монийлик ақидасида кўпроқ намоён бўлган. Бу ақида ҳақидаги баҳслар, мулҳид (динсиз) ва зиндиқ (эътиқоди заиф), деб аталган айловчи тушунчалар, монийликка қарши қаратилган эди. Натижада баҳсли мавзуларда кўплаб илоҳиётга ва фалсафага доир асалар яратилди. Бу баҳсларда тавҳид ақидаси сайқал топди.

## 5-§. Сиёсий ва мазҳабий мунозаралар

Юнон фалсафасининг ислом тафаккурига тўла таъсири араб тилига қилинган таржималар натижасида IX асрда намоён бўлди. Бундан олдинги даврда мусулмонлар сиёсий ва ҳарбий масалалар билан банд бўлганлар. Шеър ҳам кўпинча сиёсат хизматкорига айланган эди. Ислом дини билан сиёсат, шариат аҳкомлари билан эътиқод усуслари орасида яқинлик пайдо бўлган эди. Мусулмонлар ўртасидаги биринчи сиёсий низо умматга (мусулмонлар жамоасига) раҳбарлик қилиш масаласида рўй берди.

Тўртинчи халифа бўлиб сайланган пайғамбар куёви Али билан Шом (Сурия) волийси (губернатори) Муовия ўртасида шиддатли куаш кетди. Муовия Алидан учинчи халифа Усмонни ўлдирган кишиларни тутиб беришни, агар шундай қилмаса, уни халифа сифатида тан олмаслигини билдириб хат ёзди. Усмонни ўлдиришда қатнашган кишилар Алини халифа қилиб сайланишида фаол иштирок этган эдилар. Бундан ташқари мусулмон умматининг биринчи раҳбаридан бирор нарсани талаб қилиш исён билан баробар эди. Шунинг учун Али билан Муовия ўртасида Саффин деган жойда шиддатли жанг 657 йилда рўй берди. Алиниг тўла ғалабасига бир баҳра қолганда Муовия ҳийла ишлатиб, жангни тўхтатишни ва масалани оқсоқоллар кенгашида ҳал қилишни талаб этди. Али қон тўкилиши олдини олиш мақсадида бу таклифга кўнди. Аммо оқсоқоллар кенгаши Муовияни ҳам жангда мағлуб бўлмаганлигини эълон қилиб, уни Шомга раҳбарлигини тан олди. Али бунга рози бўлса ҳам, унинг қўшинидаги аскарлардан 12 минг киши Алидан юз ўгириб, унинг қароргоҳидан чиқиб кетдилар ва шунинг учун улар кейинчалик хавориж (ташқарига чиқиб кетганлар) номини олдилар. Уларнинг ақидасига кўра, сиёсийми ёки сиёсий эмаслигидан қатъий назар мусулмонлардан биронтаси оғир гуноҳ қилиб қўйса, у мусулмончиликдан чиқади. Халифани ягоналигини тан олмаслик ҳам оғир гуноҳ. Агар халифанинг ўзи ҳам оғир гуноҳ қилиб қўйса, уни мақомидан маҳрум қилиш, ҳатто қатл этиш ҳам шариат нуқтаи назаридан жоиз бўлади. Кейинчалик улардан бири Алига суиқасд қилиб, уни ўлдирди. Хавориж оқими ўзининг муросасизлиги туфайли кейинчалик ҳукмдорлар томонидан тор-мор қилиниб, тугатилди. Али шаҳид бўлгандан кейин унинг тарафдорлари шия (партия) мазҳабига асос солдилар, яъни ҳокимиятга фақат пайғамбар хонадонидан бўлганларгина ҳақлидир. Уларнинг ақидасига кўра, халифа ва имомни сайлаш ҳалқ қўлида бўлмаслиги лозим. Кейинчалик улар имомни хато ва адашишлардан холи бўлган шахс сифатида илоҳийлаштирилар.

#### **6-§. Юнон мантиқий тафаккурини араб дунёсига ўтишига воситачилик қилган христианлар**

632 йилда пайғамбар Мұхаммад алайхисслом (570-632) вафотларидан кейин араблар ягона дин остида бирлашиб, ўз ярим оролларидан ташқарига исломни ўйиш учун юриш бошлаганларида улар биринчи бўлиб Сурия ва Ироқ ҳудудларида кўлга киритган нарсалардан энг муҳими қадимги Сурия тилида сўзлашувчи христиан аҳолиси эди. Ана шу ҳудудларда турли христианлик мазҳаблари (аввал насорийлар ва монофизитлар ёки якубийлар)

ўзларида Искандариядаги қадимги юон таълимотини мужассамлаштирган эдилар. Уларнинг қарашларини расмий христиан черковининг қудратли бошқа йўналишлари бидъатда айблар эдилар. Ушбу ақлиятни ташкил этган христиан мазҳаблари ислом ҳокимиятининг ҳомийлигидан баҳраманд бўлиб, улар яшайдиган ҳудудлар ўз-ўзини бошқарадиган ислом васийлигидаги жамоалар ҳисобланди (христианлар, яхудийлар, “сабиёнлар”).

Қадимги христиан мазҳабларидан табиблар, риёзидонлар (математиклар) ва астрономлар етишиб чиқди. Табобат илм-фан ва илоҳиёт орасида боғловчилик мақомида туар эди. Негаки, қадимги христиан илоҳиётчилари инсон жисмини ҳам, руҳини ҳам даволашга тайёрланар эдилар. Искандарияда ижод қилган буюк олим Жолинус (Гален) тавсиясига қўра, мантиқ фани табиблар тайёрлаш ўқув дастурининг муҳим қисми ҳисобланар эди.

Насоро ўқув юртлари ўз ўқув режаларини икки қисмга бўлиб, уч соҳанинг биридан жiddий фаолиятга тайёрлайдиган оддий дастур тузган эдилар: астрономия, табобат (медицина) ва илоҳиёт. Жундашопурдаги (Бағдоддан шарқроқда 170 км масофада) ўқув юртида табобат факультети (унга бириктирилган касалхона билан бирга) ва расадхонаси билан биргаликда астрономия факультети мавжуд эди. Риёзиёт билан бир қаторда мантиқ ўқув дастуридаги асосий мавзу ҳисобланиб, турли фан соҳаларини бир-бирига боғлашда муҳим ўрин тутар эди. Қадимги Сурия файласуфлари мантиқ, риёзиёт, физика (руҳшуносликни ҳам ўз ичига олар эди) ва илоҳиёт бўйича зўр салоҳиятга эга эдилар. Шундай ҳоллар учарар эдики, монофизит илоҳиётчиси Северус Себхоктга ўхшаб, баъзида айрим муаллифлар илоҳиёт соҳасида бўлгани каби мантиқ ва астрономияда ҳам рисолалар ёзар эдилар. Ана шундай хар томонламалик натижасида Сурия ва Ироқдаги сурияли христианлар томонидан Арастунинг мантиққа доир асрлари таржима қилиниб, ўрганилар ва таҳлил қилинар эди. Ушбу Сурияли анъана V-VI асрларда Искандария анъанасини давом эттируди.

Арасту мантигининг қадимги Сурия тилидаги таржималари ҳақида қўплаб маълумотлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги сақланган бўлиб, баъзилари нашр ҳам этилган (жумладан, Категориялар, Талқинлар ҳақида ва Биринчи аналитика). Порфирийнинг “Исогога” (“Исағужи”) асари “Органон”нинг бошида муқаддима сифатида жой олган.

Мантиқ табиблар тайёрлашда асосий ўрин тутища давом этди ва шу сабабли IX-XII асрлар давомида араб тили жорий бўлган мамлакатларда мантиқ фани тараққий этди. Бундай табобат-фалсафий анъанага Абу Бакр Муҳаммад Закариё Розий ва Ибн Синогина эмас, ҳатто XII асрда Испанияда ижод қилган Маймонид ҳам дучор бўлиб, йигитлик чоғида табобат машғулотларига тайёрланиш жараёнида мантиқ бўйича ҳам ўзининг ягона асарини яратди.

Юон мантигини арабларга ўтқазишда катта воситачилик хизматини насоро мазҳаби руҳонийлари бажардилар. Уларнинг Жундашопурдаги ўқув юрти юон мантиғи матнларини арабчага таржима қилувчилар биринчи авлодининг бешиги бўлди. Хорун ар-Рашид ва унинг вазири Жаъфар ибн

Бармакийнинг табиби бўлган Жибрил ибн Бактишу бу ерда таҳсил олган, кейинчалик ушбу ўқув юртининг бошлиғи ва касалхонанинг бошқарувчиси бўлган эди. Унинг ўриндоши бўлган Абу Закариё Яхъё (ёки Юханно) ибн Масовай Жибрилнинг таклифига мувофиқ Жундашопурдан Бағдодга сарой табиби сифатида чақирилди<sup>39</sup>.

Унга қўп китоблар алоҳида таржима қилиш учун топширилди. Халифа ал-Маъмун топширифига мувофиқ у таржима маркази бўлган Байт ал-Ҳикмани, афтидан Жундашопур ўқув юрти намунасида ташкил этди. Бу марказнинг бошлиғи сифатида унинг ўрнини машҳур олим Ҳунайн ибн Исҳоқ эгаллади. У ҳам ўша анъаналар руҳида тарбия топган эди. Бу муассасанинг гуллаб-яшнаган даври ибн Масовай, айниқса Ҳунайн ва унинг ўрнини эгаллаган ўғли Исҳоқ раҳбарлиги вақтига тўғри келдики, ўшанда ходимларнинг асосий қўпчилигини насоролар ташкил этар эди.

Монофизитлар (яқубийлар) араб тилидаги мантиқ тараққиётида камроқ ўрин тутдилар, аммо уларнинг хизмати шундаки, улар баъзи жиҳатларни киритдиларки, улар нутқнинг кўтаринки руҳда бўлишини таъминладилар. Насоролар Аммониус шарҳларини афзал, деб билсалар, яқубийлар Филопон шарҳларига таянар эдилар. Насоролар Искандария янги афлотунчилигининг аралаш-қуралаш ҳолатига таянгандилари туфайли бундай ҳолат арабларга ҳам ўтди. Афлотунга қизиқиш Абу Наср Форобий каби олимларда қўпроқ сезилар эди.

## **7-§. Аббосийлар сулоласи даврида мантиқий тадқиқотларнинг қўллаб-қувватланиши**

Уммавийлар даврида (661-750) “ажнабий фанлар” деярли қўллаб-кувватланмади, аммо Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши билан ҳамма нарса ўзгарди. Аббосийлар сулоласининг иккинчи халифаси бўлган Ал-Мансур (хукмронлик йиллари 754-775) астрономияга жуда қизиққанлиги сабабли, бу соҳадаги юононча асарларни ўрганишни қўллаб-қувватлади. У 765 йили ошқозони касал бўлганлиги муносабати билан юононлар табобатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Аббосийлардан бўлган бешинчи халифа Ҳорун ар-Рашид (хукмронлик йиллари 786-809) бундай тадқиқотларни қўллаб-кувватлашда давом этди. Бу мантиқ илми тараққиёти учун жуда муҳим эди.

Ушбу сулоладан чиққан еттинчи халифа Ал-Маъмун (хукмронлик йиллари 813-833) юононлар таълимотини ўзига хос зўр ташаббус билан қўллаб-қувватлар экан, айниқса, юонон фалсафасига алоҳида рағбат кўрсатди. У машҳур таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқка таржима қилган китоблари оғирлигига олтин билан ҳақ тўлади. Маъмун томонидан ташкил этилган Байт ал-ҳикма (Донишмандлик уйи) ўзига хос илмий-текшириш институти бўлиб, юонон фани ва фалсафасига доир хужжатларни таржима қилишга ихтисослашган эди. Биринчи бўлиб бу муассаса бошида насоро олими Яхъё (ёки Юханно) ибн Масовай (790-857) турган эдики, унинг ихтисоси табобатга доир асарларни таржима қилиш эди.

<sup>39</sup> Қаранг: Николас Решер. К истории арабской логики. –Питсбург. Изд-во Питсбургского университета. 1963.

Хунайннинг ўғли Исҳоқ ибн Хунайн (845-910) ўз отасининг ишларини давом эттириди. Бу даврда, айниқса ал-Мұтамид (869-892) ва ал-Мұтадид (892-902) халифалик қилған йилларда шундай тадқиқотларга катта ёрдам берилди.

Яхъё ибн Холид ибн Бармакий (740-805) Ҳорун ар-Рашиднинг машхур мураббийси ва вазири бўлиб, 790 йилларда “Алмажистий”нинг (“Алмагест”) илк таржимасини маблағ билан таъминлади. Унинг ўғли ва дадаси ўрнига Ҳорун ар-Рашид вазирлигига ўтирган Жаъфар ибн Бармакий ўзининг бутун обрў-эътиборини юонон фанларини ўрганиш ташвиқига бағишлиб, сарой эътиборини шу ишга қаратди.

Аслзода араб уруғидан ва қудратли доираларда алоқаси бўлган Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (805-873) ўзини юононча асарлар таржималарининг ҳомийси сифатида намоён қилди. Уларни ўрганишда у фаол иштирок этиб, мантиққа доир бир неча рисолалар ёзди. У Маъмун томонидан қўллаб-куватланиб, фалсафага доир асарларни юонончадан араб тилиги таржима қилинишига қарибди.

Аббосийлар хукмронлигининг биринчи асли давомида астрономия ва айниқса табобат (медицина) Бағдоднинг ислом дунёсига қўйилган биринчи қадамлари бўлиб, улар орқали юонон фани ва фалсафаси ўзининг ғолибона юришини бошлади. Бундай шароитда шарқий христиан олимлари томонидан тақдим этилган мантиқ, бошқа барча араб илмлари орасида марказий ўринга қўйилди.

### **8-§. Мантиқ бўйича 900 милодий йилгача араб тилида ёзилган асарлар**

Юонон мантиғи араб тилига Арастунинг “Органон” (“Арғанун”)ига кирган биринчи китоблар таржимаси билан 810-820 йилларда кириб келди. Шу даврда мантиқнинг тўрт китоби мазмунига бағишиланган изоҳли тўплам ҳам пайдо бўлди. Ушбу асарларни машҳур “Калила ва Димна” таржимони бўлган Абу Аъло ибн Муқаффанинг унчалик номи чиқмаган ўғли Абдулла ибн ал-Муқаффага тааллуқли, дейиш мумкин.

Байт ал-ҳикманинг биринчи даври охирида, яъни тахминан 835-840 йилларда мантиққа доир етти китобдан олтитасининг арабча таржимаси мавжуд эди. Арастунинг “Риторика” (“Илми балофат”) асари ҳам араб тилига таржима қилинган эди. Порфирийнинг “Исагога” (“Исоғужи”) асарининг таржимони Айюб ибн ал-Қосим ар-Раккий эди. “Категориялар” (“Маъқулот”) ҳам шу даврда, эҳтимол Яхъё (Юҳанно) ибн ал-Битриқ томонидан таржима қилинган эди.

Теодор араб тилига “Биринчи Аналитика”ни таржима қилди. Унинг таржимаси Хунайн ибн Исҳоқ томонидан текширилиб, шу ҳолатда умум томонидан эътироф этилди. “Топика”нинг ҳам таржимаси мавжуд бўлиб, унинг таржимони Тимотеус сифатида берилган. Абдал Масих ибн Абдулла ибн Наим тахминан 830 йилда “Софистика”ни қадимги юонон тилидан араб тилига таржима қилган. Унинг таржимаси кейинчалик (970) Абу Исҳоқ ибн

Иброҳим ибн Баккус ал-Ашарий томонидан тақриз қилиниб, тузатилган<sup>40</sup>.

Юкорида айтилган таржимонлар кўпинча қадимги суря тилидан арабчага сўзма-сўз таржима қилар эдиларки, бундай усулни Ҳунайн ибн Исҳоқ ҳақли равишда танқид қилиб, уни бошқача, мазмунга эътибор берадиган усул билан алмаштириди.

Ҳунайн ибн Исҳоқ юонон фалсафий матнларини арабча таржимасини тубдан ўзгартириди. У қуйидаги янгиликларни киритди:

- 1) юонон матнларининг тушунишга мувофиқларини тўғридан-тўғри арабчага таржима қилиш ёки уларнинг қадимги суря тилига қилинган таржималарини солиширилгандан кейин, улар юзасидан янги арабча таржимага қўл уриш;
- 2) ишончли матнга эга бўлиш учун турли қўллётмаларни таққослаб кўриш;
- 3) сўзма-сўз эмас, балки катта ифодалар мазмунига қўра, матнларни таржима қилиш.

Бундай буюк ишни бажариш (840-900) икки авлод вакилларига насиб этди.

Энг яхши юононча мантиққа доир матнлар араблар тушунчасига етиб келганлиги ва бунинг натижасида юонон фани ва фалсафасига қизиқиши ёйилганлиги туфайли Арасту мантифининг араб тилидаги равнақи бошланди. Бунда шарҳлар ва мустақил тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Бундай ишларни Абу Исҳоқ ал-Киндий бошлаб берди.

Ҳунайн ҳам, унинг ўғли ҳам мантиқ бўйича мустақил асарлар яратмадилар. Бу жиҳатдан ал-Киндийнинг биринчи издоши Собит ибн Қурра бўлиб, у Байт ал-ҳикмада у билан ҳамкасблик қилар эди. У араб тилида ўша вақтда мавжуд бўлган мантиққа доир барча асарларга шарҳлар ёзди. Ҳунайн вафотигача мантиқ соҳасида машхур бўлган араб муаллифларидан Ал-Киндийнинг шогирди Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ат-Таюб ас-Сераҳсий ва унинг замондоши Ҳабиб ибн Бозризни кўрсатиш мумкин.

877 йили Ҳунайн вафот этиб, араб тилидаги мантиқ ривожининг иккинчи даврида бурилиш юз берди. Ҳунайн юононча асарларнинг араб тилидаги яхши матнларини тайёрлаш билан ўзидан кейинги тадқиқотчилар учун ажойиб замин яратди. Унинг ишини давом эттирган мантиқшуносларнинг сони 25 кишидан ортади.

#### **Иккинчи боб юзасидан саволлар:**

1. Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё илк фалсафий тафаккурига Юонон, Искандария меросининг таъсири қандай бўлган?
2. Ғарб тадқиқотчиларининг ислом фалсафаси ҳақидаги изланишлари қачон бошланган?
3. Нима сабабдан Бағдодда фалсафий матнларнинг араб тилига таржимаси бошланган?
4. Ислом фалсафасига Эрон ва Ҳинд фалсафасининг таъсири борми?
5. Араб дунёсида қандай сиёсий ва мазҳабий мунозаралар рўй берган?

<sup>40</sup> Қаранг: Николас Решер. К истории арабской логики. (Араб мантиғи тарихига доир). –Питсбург. Изд-во Питсбургского университета. 1963. –С.26.

6. Юнон мантиқий тафаккурининг араб дунёсига ўтишига кимлар воситачилик қилган?
7. Аббосийлар сулоласи даврида нега мантиқий тадқиқотлар қўллаб-қувватланди?
8. Мантиқ бўйича 900 милодий йилгача араб тилида қандай асарлар яратилган?

### **Иккинчи бобга оид топшириклар:**

Қўйидаги асарларни ўқиб чиқинг:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Мўминов И.М. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1969.
4. Лега В. П. История западной философии. (Фарб фалсафаси тарихи). –Т., 1998.
5. ماجد فخری. سیر فلسفه در جهان اسلام. //موجед فاخری. Ислом оламида фалсафа давони. Техрон университети нашриёти. Ҳижрий 1372/1983. (форс тилида)
6. ابن ندیم، م: کتاب الفهرست. القاهره، بى تا، ۱۹۵۸. //Ібн Надим. “Китобе Ал-Фехрист” (“Рўйхат китоби”). –Қоҳира: Бито. 1958.
7. Николас Решер. К истории арабской логики. (Араб мантиғи тарихига доир). –Питсбург. Изд-во Питсбургского университета. 1963.
8. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. –Т.: Фан, 1967.
9. Шарқ тафаккури хазинасидан. Шеърлар, ибратли фикрлар. –Т., 1986.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Дебат ўтказишида “кейс-стади” инновацион методини қўллаш мумкин. “Кейс” тушунчаси бирон бир фикрни тасдиқловчи (исботловчи) ёки инкор этувчи қисқача мазмун ифодасини (сюжетини ёки мундарижасини) билдиради. Рақобатдаги командаларнинг спикерлари (ораторлари, нотиқлари) мавзунинг аспектлари ва бахс аргументлари акс этирилган кейсдан мунозара вақтида фойдаланадилар.

Кейс асосан икки шаклда – тасдиқловчи (исботловчи, маъқулловчи) ва инкор этувчи шаклда бўлади. Дебат олиб бориладиган гурух ҳам шунга кўра иккига ажратилади. Дебатда мазкур кейс шаклларидан бири (тасдиқловчи кейс) олдин (биринчи босқичда), иккинчиси (инкор кейси) кейин (иккинчи босқичда), яъни навбати билан қўллангани учун “стади” (босқич) тушунчаси қўшиб қўйилган.

Кейснинг структураси, масалан, қуйидагича бўлади.

Мавзу шархи:		
Мавзу долзарблигини асослаш:		
Асосий тушунчаларнинг таърифлари:		
1 аспект                          2 аспект                          3 аспект		
Аргумент                          Аргумент                          Аргумент	Аргумент                          Аргумент                          Аргумент	Аргумент                          Аргумент                          Аргумент
Исбот                                  Исбот                                  Исбот	Исбот                                  Исбот                                  Исбот	Исбот                                  Исбот                                  Исбот

Бу ерда “Аргумент” тушунчаси ишончли далилни, “Исбот” эса далилни қўллашга хизмат қиласдан фикрларни ифодалайди.

Кейсда бутун команда нуқтаи назари адекват (ҳеч кимнинг фикри ўзгартирилмасдан) тарзда ўз ифодасини топиши керак. Команда биринчи спикерларининг нутқларида мавзуни ва команда позициясини асословчи барча имконий стратегиялар бўлиши керак.

Кейс структураси мавзу шархидан (интерпретациясидан, талқинидан) бошланади. Мавзунинг умумий шархлари кўп бўлиши мумкин. Лекин дебат ташкил этилганида ҳар икки команда мавзунинг муҳим жихатларини яна бир бора аниқлаб олган бўлиши керак. Бу командалардан бири тоғдан гапирганда, иккинчиси боғдан гапирадиган бўлмаслиги учун зарур. Масалан, командалардан бири экологик муаммоларнинг фан-техника тараққиёти самараларидан бемеёр ва норационал фойдаланилиши муносабати билин келиб чиққани ҳақида гапириб турган пайтда иккинчи команда унга жавобан фан ва техника эришган буюк ютуқлар ҳақида гапириши тўғри эмас. Шунинг учун ҳам мавзу, унинг муҳокама этиладиган мавзу ва унинг асосий

тушунчалари ҳар икки команда спикерлари томондан аниқ талқин этилиши ва кейсда бу талқин ёритилган бўлиши керак.

Одатда тасдиқловчи команда дебатни бошлаб беради, яъни биринчи бўлиб гапиради. Шунинг учун мавзуу ва асосий тушунчалар талқинлари ва таърифларини биринчи бўлиб беради. Талқин ва таърифларнинг хажми асоссиз кенгайтириб ёки торайтириб юборилмаслиги керак. Агар шундай бўлса, иккинчи (инкор этувчи) команда бу ҳолни танқид қилиши мумкин. Талқин ва таърифлар тўғри чиқиши учун луғатлар, дарслеклар, асосий манбаълардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар умумий қабул қилинган “маданий норма” ҳисобланади. Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон бера олмаган талқин ва таърифларни ҳам бериши мумкин.

Келтирилган талқин ва таърифлар командалар кейси шаклига мувофиқ бўлишининг аҳамияти катта. Чунки, тасдиқловчи команда таъриш беришни бошлар экан, ишнинг бошланишидаёқ ўз командасининг мавзуга нисбатан позициясини ёритишга эришади. Шу маънода асосий тушунчаларнинг таърифларини мавзунинг талқинидан кейин оқ берилиши тўғри бўлади. Таърифлашни бошлашдан олдин тасдиқловчи команда спикери “биз ўз нуқтаи назаримизни (позициямизни) ” тўғри тушунтириш учун аввал мавзуга оид терминларнинг таърифини келтирамиз”, деб эслатилиши мақсадга мувофиқ.

Тасдиқловчи томон ўз талқин ва таърифларини бериб бўлганидан кейин инкор командаси бу талқин ва талқинларни маъқуллаши, ёки, агар улар тўлиқ ёки тўғри бўлмаса, шуни кўрсатиб, тўғри талқинларни бериши керак.

Тасдиқловчи команда ўз кейсининг аргументлаш қисмини тузиш учун дебатга тайёргарлик даврида ўз позициясини пухта ва аниқ асослаш мақсадида ўз олдига қуйидаги саволларни қўйиши керак:

- Биз нима учун бу мавзуни (фояни) таслиқлаймиз?
- Биз бу мавзуни (фояни) тасдиқлаш учун қайси кучли далилларни келтира оламиз?
- Мавзу (фоя) қандай асосий масалаларни олдинга сурган ва яна қандай масалаларни олдинга суриши мумкин?
- Инкор этувчи томон қандай қарши аргументларни келтириши мумкин?

Шу саволларга жавобан ишлар экан, тасдиқловчи томон ўзининг аниқ ва пухта ишланган стратегиясини ва уни акс эттирган ўз кейсини яратади. Буни биз конерет мисолларда кўрамиз.

Ҳар қандай дебатнинг энг муҳим қисми унинг бошланишида, аудитория диққат-эътиборини қозона олишдадир. Аудитория диққатини эса одатда ёрқин цитата, кутилмаган статистик материал, шунингдек, қизиқарли мисол ёки аналогия жалб этиши мумкин.

Масалан, агар мавзуу иқтисодий ёки экологик муаммоларга муаммоларга бағишлиган бўлса, тасдиқловчи команда спикери мавзунинг талқинида ёки асосий тушунчалар таърифидан олдин гапни Ш.Қаҳхорова “ҳозирги кунда экология муаммолари иқтисодий муаммоларга нисбатан ҳам долзарброқ ўринга чиқди”, деган фикрни олдинга сурди, деган фикр билан

бошлаши мумкин.

Тасдиқ кейсининг мазмуни, масалан, қуидагида бўлиши мумкин:

**Мавзу шархи** : Ғоялар ҳам гносеологик, ҳам онтологик реалликдир.

**Мавзу долзарблигини асослаш**: Ўтмиш мафкураси ҳукмронлиги вақтида бизнинг фалсафий тафаккуримиз ғоялар реллигини чекланган материалистик концепция нуқтаи назаридан талқин этиб қеоган эди. Ўз мустақиллигимизни қўлга киритиган бугунги кунда биз бу чекланган қарашлар доирасидан чиқиши имконига эга бўлдик. Энди бу масалани холисона таҳлил этиш вақти келди. Акс ҳолда ҳамон тоталитар социализм ғоялари ҳукмронлигидан чиқиб кета олмаймиз, тафаккуримиздаги мустақилликка эриша олмаганимизча қолаверамиз.

**Асосий тушунчаларнинг таърифи**: онтология, гносеология, хусусий ва умумий метафизика, субстанция, шакл, материя ва б. тушунчаларнинг Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Арабий, Насафий ва б. талқинида бериш мумкин.

**Тасдиқловчи фикрнинг аспектлари:**

**1 аспект**: Ғоянинг гносеологик аспекти.

**2 аспект**: Ғоянинг онтологик аспекти.

**3 аспект**: Ғоянинг ҳар икки аспектининг узвийлиги.

Шундан кейин ҳар учала аспектни тасдиқловчи аргументларни келтириш ва уларни тасдиқловчи далилларни (исботларни) келириш керак. Исбот, далиллар қаторига ҳозирги давр квантлар механикаси кашфиётларини, ЭПР парадоксини, голография, генетика ва фаннинг бошқа соҳаларидаги кашфиётлар киради.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси тасдиқ кейси мазмунида ёзилган бўлиши керак. Дебатда спикерлар ўз нутқларини шу мазмундан чиқариб оладилар. Бу кейснинг тақдимоти сифатида амалга ошади.

Тасдиқ кейсининг хулоса қисмида тасдиқда иштирок этган фикрларни умумлаштириш ва мавзуга қайтиш керак. Хулоса энг охирги, якунловчи фикр бўлгани учун у қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Масалан, юқоридаги мавзунинг хулосаси қуидагида бўлиши мумкин: Ғоя нималиги масаласини чуқурроқ таҳлил этиш шуни кўрсатадики, унинг онтологик реаллик экани гносеологик реаллик эканини инкор этмайди, балки бу ҳар икки аспект ғоянинг реаллик сифатидаги тўлиқ маъносини очиб беради.

### **3. Инкор позицияси ва уни тайёрлаш жараёни.**

Инкор командасининг позицияси тасдиқ команданинг кейсини ва унинг воситасида унинг позицияси асоссиз эканини кўрсатишдан иборатдир. Бунинг учун инкор командаси тасдиқ кейсининг барча кучсиз томонларини аниқлаши, буни кўрсатишда таяниш мумкин бўлган аргументларни (ишончли далилларни) топиши ва шу аргументлардан фойдаланган ҳолда уларнинг кучсизлигини исботлай олиши керак.

Инкор командаси, аввалги мавзуда айтилганидек, даставвал тасдиқ

командасининг мавзу шархига эътибор беради ва уни маъқуллаши ёки маъқулламаслигини бидиради ҳамда тасдиқловчи команданинг мавзу ва асосий тушунчалар талқини ва таърифидаги тўғри ва нотўғри жихатларни кўрсатади ва тегишли аргументлар келириб, ўз фикрларини исботлайди. Бу йўлда у аввалроқ ўзи тайёрлаган кейсдан фойдаланади. Бу кейс тасдиқловчи команданинг мавзу хусусидаги нуқтаи назари тўғри эмаслигига тегишли аспект, аргумент ва исботларнинг тартибланган тизимидан ташкил топади.

Инкор вазифасини ўз зиммасига олган команда қуидагиларга эътибор бериши зарур:

- Инкор нутқида тасдиқ нутқининг барча компоненталарига (икирчикирларига ҳам) эътибор билан қараш керак. Дебат характеридан келиб чиқиб, инкор команда томонидан келтирилган таърифларга, талқинларга ёки амалий фаолият режаларига реакция тарзида амалга ошиши мумкин.
- Энг олдин тасдиқ нутқининг структурасига муносабат билдириш керак. Масалан, “тасдиқ гурухи экология масалаларининг долзаблигига эътибор бераркан....., деган фикрни билдиришди. Биз бунга ўз муносабатимизни билдириб, ....” тарзида нутқ сўзланади.
- Кейинги босқичда тасдиқ кейсидаги мантиқий изчилликка эътибор қаратилади. Инкорда аниқ-равшанлик бўлиши учун кейснинг бошидан охирига (юқори сатрлардан пастга) қараб пунктма-пункт тушиб бориш керак.
- Тасдиқ кейсининг ҳар битта аргументига, агар уни инкор этиб бўлмаса ҳамки, жавоб қайтарилиши шарт. Масалан, “тасдиқ гурухи....масалани олдинга сурганида...аргументларни келтирди. Биз бу борада булардан муҳимроқ аргументлар ҳам борлигини айтишимиз мумкин... ”
- Кейснинг аспектларига нисбатан ҳам шу стратегияни қўллаш мумкин.
- Инкор кейси таслиқ кейсини қандай инкор этишини қиёслар ёрдамида кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу инкорнинг дебатлар учун қанчалик муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

#### **4.Инкор даражалари (1,2, 3,4 даражалар талқини).**

Инкор позицияси ёки инкор командасининг тасдиқ командасига “хужумлари” бирқанча даражаларда амалга ошади.

**1 даражадаги “хужум”.** Ушбу даража мавзунинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашга хизмат қиласди, яъни “тематик” характерга эга бўлади. Лекин хужумнинг бу даражасида инкор этувчи томонга унчалик қатъий талаб қўйилмайди, яъни “хужум” ихтиёрий бўлади. Бошқача айтганда, инкор командаси ўз ишини тасдиқ командаси резолюцияси (тасдиқ сифатида эълон қилган ғояси)нинг шарҳини “савалашдан” иш бошлиши шарт

эмас. Фақат бу шарҳларнинг нотўғри эканига қатъий ишонч бўлган ҳолдагина “хужум” қилиш мумкин.

Бу босқичда асосан тасдиқловчи томон мавзуни шарҳлайди, асосий тушунчалар таърифини беради. Шу билан у дебат чегараларини белгилайди. Бунда инкор командаси асосан таърифлар тўғри берилганига ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қила олади. Лекин таъриф нотўғри ёки нотўлиқ бўлиши ҳам мумкин. Нотўғри ёки нотўлиқ таърифнинг хиллари кўп. Шунга кўра тематик инкор хиллари ҳам турлича бўлади:

- Тасдиқ кейсидаги таъриф нотўғри деб ҳисоблангани сабабли инкор этиш.
- Альтернатив таърифни олдинга сурувчи инкор.
- Инкор кейсидаги таъриф тўлиқроқ деб ҳисоблангани сабабли инкор этиш.

Инкор кейси таърифларига оид далиллар ишончлилигини исботлаш усуллари қуйидагicha:

- Соҳа мутахассислари берган таъриф.
- Мавзу контекстига мувофиқ келувчи таъриф.
- Тушунча мазмунини ноўрин торайтириб ёки кенгайтириб юбормаган таъриф.

Тўғри тузилган ва ифодаланган тематик аргументлар команда ғалабасини таъминлайди. Лекин, агар тасдиқловчи команда таърифи нотўғрилиги шубҳали бўлса, бу ҳолда “хужумдан” тийилган маъкул, албатта.

## **2 даражадаги “хужум”.**

Инкор этувчи томонда рақиб томон тасдиқлаётган фикр аспектларини танлаш имконияти бўлади. Бунда у, биринчидан, аспектнинг ўзини қабул қилиши, лекин аргументларнинг унга мос келиши ё келмаслиги хусусида бахслашиши, инкорий муносабатда бўлиши мумкин. Иккинчидан, аспектни маъқулламаслиги ва ўзининг аспектини таклиф этиши мумкин. Масалан, “Жамиятда иқтисодий ўсишга нисбатан демократик институтларнинг ривожланиши муҳимроқ” деган мавзуни олайлик. Тасдиқловчи томон мавзунинг аспекти сифатида “Миллат узоқ муддат барқарор ҳаёт кечириши” аспектини лиши тасдиқланаётга фикр тақдим этган бўлсин. Инкор этувчи томон танлайди: у ё бу аспектни қабул қилиши ва айни пайтда миллай барқарорликка иқтисодий ўсиш орқали эришиш мумкин, деган аргументни олдинга суриши мумкин.

Инкор этувчи томон мавзунинг тасдиқловчи томон тақдим этган аспектини албатта инкор этиши шарт эмас. У бу аспектнинг кейси мазмунини танқид қилиши ва ундан ўз кейсини тузишда фойдаланиши мумкин.

Лекин тасдиқловчи томон аспектининг кейси ўз нуқтаи назари афзаллигини таъминлаш мақсадида ифодаланган бўлади. Шунинг учун кўп ҳолларда уни рад этиш керак бўлади. Бунинг учун аспектнинг заиф томонларини аниқлаш керак. Улар қуйидагicha бўлиши мумкин:

Тасдиқловчи томон кейсида тақдим этилган аспект

- мавзуни очишга ярамаслиги;
- аниқ таърифланмаган бўлиши мумкин;
- асосий ғоя олдинга сурilmаган бўлиши мумкин;
- оптимал мақсад кўзланмаган бўлиши мумкин.

Масалан, дебат “БМТ фаолиятининг самарадорлиги” мавзуси бўлсин. Тасдиқловчи томон мавзунинг аспекти сифатида “Миллий низоларни олдини олиш мақсади” олдинга сурилган, деб фараз қиласлик. Инкор этувчи томон “халқаро низоларнинг бартараф этилиши эришилиши керак бўлган оптимал мақсад эмас”, деган фикрга асосланиб, ўз аспекти сифатида “ўзаро ҳамкорлик аоқаларини яхшилаш керак”, деган ўз аспектини таклиф этиши мумкин.

Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон олдинга сурган аспектни инкор этар ва ўз аспектини олдинга сураркан, буни асослаши ҳам керак бўлади.

**3 даражадаги “хужум”.** Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон аргументларига улар қай тартибда қўйилган бўлса, шу тартибда муносабат билдириши, жавоб бериши керак. Шуни ҳам назарда тушиб жоизки, инкор этувчи томоннинг мақсади аргументларни “қўпориб ташлаш”, “йўқ қилиш”дан иборат эмас, балки бу аргументларнинг тасдиқловчи томон нуқтаи назарини исботлай олмаслигини кўрсатишдан иборатдир. Бунинг бирқанча стратегияси бор:

- Аргумент томон тасдиқловчи томон олдинга сурган мавзуга ёки унинг аспектига мос келмаслигини кўрсатиши мумкин.
- Инкор этувчи томон тасдиқловчи томонаргументларидан ҳам кучлироқ аргументларни тақдим этиши мумкин. Масалан, агар тасдиқловчи томон БМТнинг тинчликни қарор топтириш мақсадида сафарбар этаётган кучлари жуда қимматга тушиши аргументини олдинга суруб, унинг фаолиятини танқид қилса, инкор этувчи томон бу кучлар кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолаётгани аргументини олдинга суруб, эътиroz билдириши мумкин. Ваҳоланки, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш ишининг салмоғи (аргументи) баландроқ. Инкор этувчи томон кўп холларда ўз кейсида шу каби аргументлардан фойдалана олади.
- Тасдиқловчи томон олдинга сурган аргумент ноизчил, зиддиятли бўлиши мумкин. Масалан, у “Атроф мухитни ҳимоя қилиш иқтисодий ўсишдан ҳам мухимроқ” деган мавзуни ҳимоя қилаётганида, аргумент сифатида юқори технологиялар тараққиётининг салбий оқибатларини олган бўлиши ва айни пайтда бошқа аргумент доирасида қуёш қувватидан фойдаланадиган технологияларни рағбатлантириш фойдали, деган фикрни олдинга сурини мумкин. Инкор этувчи томон бу ноизчилликни кўрсатиши керак.

**4 даражадаги “хужум”.** Бу даражада инкор этувчи томон

тасдиқловчи томоннинг аргументларини исботловчи ва қувватловчи ғояларни танқид қиласи. Бунда у тасдиқловчи томонга қуидаги савол билан мурожаат қилиши мумкин: “Тасдиқловчи томон ўзининг бу даъволарини (фикр, ғояларини) тўлиқ асослаб (далиллаб, тушунтириб) бера оладими?”, “Келтирилган мисоллар тасдиқланаётган фикрни исботлашга яроқлими?”, “Келтирилган цитатанинг манбаига ишонса бўладими?”...

Ўзи қўйган шу каби саволларга жавоб оларкан, инкор этувчи томон бундан қуидагиларни аниқлаб олади:

- Аргумент ишончли далилларга, қувватловчи асосларга таянган ё таянмаганлигини.
- Аргументни ва асосларни бошқа ишончлироқ аргументлар орқали рад этиш мумкин ёки мумкин эмаслигини.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Юнон мантифининг араб дунёсига ўтишида кимлар воситачи бўлган?
2. Аристотел асарларининг таржима қилининиши қандай амалга ошган?
3. Араб тилида илмий атамаларни яратища қандай қийинчиликлар бўлган?
4. Шарқ перипатетиклари кимнинг мантикий таълимотини тарғиб қилганлар?
5. Беруний мантиқ илмига қандай муносабат билдирган?
6. Мантиқ илми билан биринчи бўлиб шуғулланган араб олими ким?
7. Ал-Киндий бошланғич билимларнинг қандай турларини кўрсатади?
- 8.Форобий мантиққа оид қандай асарлар ёзган?
9. Форобий Мантиқ фанига қандай таъриф берган?
10. Форобий Ҳукмнинг қандай турларини кўрсатган?

11. Форобий хулоса чиқаришнинг қандай турларини кўрсатган?
  12. Форобий бошлангич билимларга нималарни киритган?
  13. Форобий мантиқий хатоларнинг қандай турларини кўрсатган?
14. Ибн Сино мантиққа оид қандай асарлар ёзган?
15. Ибн Сино ҳукмнинг қандай турларини кўрсатган?
  16. Ибн Сино Ибн Сино хулоса чиқаришнинг қандай турларини кўрсатган?
17. Фахриддин Розий модал ҳукмнинг қандай турларини кўрсатган?
18. Фахриддин Розий хулоса чиқаришнинг қандай турларини кўрсатган?
19. Насириддин Тусий мантиқ фанига қандай таъриф берган?
20. Насириддин Тусий хулоса чиқаришнинг қандай турларини кўрсатган?
21. Насириддин Тусий мантиқий хатоларнинг қандай турларини кўрсатган?
22. Андалусиялик олимлардан кимлар мантиқ илми билан шугулланган?
23. Мусулмон Испаниясида мантиқ илмини ўрганиш қандай кечган?
24. Миршариф Журжоний мантиққа оид қандай асарлар ёзган?
25. Тафтазоний мантиққа оид қандай асарлар ёзган?

#### **Мавзуга оид топшириқлар:**

**Қуйидаги авторефератларни ўқинг ва республикамиз олимларининг, Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшунослари хақидаги илмий хуласаларини тахлил қилинг.**

1. Наимов Н. Философские и логические взгляды Фахриддина Рazi. Автореферат канд. дисс. Т., 1971.
2. Муртазаев С. Мировозренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Сафиуддина Тафтазани. Автореферат канд. дисс. Т., 1975
3. Қодиров М. Философские воззрения и логика Мир Саида Джурджани. Автореферат канд. дисс. Т., 1977.
4. Сайдахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Автореферат, ф.ф.н. дисс. Тошкент, 2009.
5. Файзиходжаева Д.И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари. Автореферат. ф.ф.н., дисс. Тошкент, 1999.

## ТЕСТЛАР

### **1. Формал мантиқ нимани ўрганади.**

А) Тафаккурнинг вужудга келишини. Б) Т афаккур тараққиётини. В) Тўғри тафакурлаш шакллари ва қонунларини Г) Фикрнинг конкрет мазмунини.

### **2. Тафаккур шакли нима.**

А) Фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули. Б) Фикрнинг яққол ифодаланиши. В) Фикрнинг тилда гавдаланиши Г) Тил ва тафаккурнинг бир-бирига тўла мос келиши

### **3. Тўлиқсиз индукцияда хulosанинг чинлиги.**

А) Зарурий характерга эга Б) Эҳтимолий характерга эга В) Зарурий характерга эга эмас  
Г) Тўғри жавоб йўқ.

### **4. Силлогизмнинг қайси фигурасида ўрта термин икала асосда предикат ўрнини эгаллади.**

А) 1- фигурада В) 2- фигурада С) 3- фигурада Д) 4- фигурада

### **5. Энтилемада нима тушиб қолдирилади.**

А) Фақат катта асос Б) Фақат кичик асос С) Фақат хulosса Д)  
Асослардан бири ёки хulosса

### **6. Индуктив хulosса чиқаришнинг қайси турида хulosса берилган синфа мансуб барча предметларни ўрганиш асосида хосил қилинади.**

А) Оммабоп индукцияда Б) Тўлиқ индукцияда С) Индукциянинг барча турларида  
Д) Илмий индукцияда

### **7. Исботлашнинг мақсади нима.**

А) Тезиснинг хатолигини кўрсатиш Б) Тезиснинг чинлигини кўрсатиш  
С) Аниқ жавоб бериб бўлмайди. Д) Тўғри жавоб йўқ.

### **8. Исботлаш усули – бу.**

А) Тушунча Б) Хукм С) Хulosса чиқариш Д) Назария

### **9. Силлогизмда “S” нимани ифодалайди.**

А) Субъектни Б) Катта терминни С) Кичик терминни Д) Ўрта терминни

### **10. “Дутор ўзбек миллий чолғу асбоби ” деган таърифда қандай хатолик бор.**

А) Тенг хажмли Б) Айлана шаклда бўлиб қолган С) Кенг таъриф  
Д) Тор таъриф

### **11. “Марсда ҳаёт бўлиши мумкин ” ибораси қандай хукм.**

А) Воқеалик хукм Б) зарурийлик хукм С) дизъюктив хукм  
Д) эҳтимоллик хукм

### **12. Силлогизмда икита жузъий хукмдан қандай хulosса чиқади**

А) Жузъий хукм тарзида Б) Умумий хукм тарзида С) Инкорхукм тарзида  
Д) Тўғри хulosса чиқмайди

### **13 . Хукм деб нимага айтилади .**

А) Предмет ёки ходисаларининг белгиларини тасдиқловчи ёки инкор этувчи

фикрга

- Б) Предмет ёки ходисаларнинг мавжудлигин қайд этувчи
- С) Биронта предмет ёки ходиса тўгрисида билдирилган чин ёки хато фикрга
- Д) А.Б.С.холларда

**14. Силлогизмнинг 3- фигурасидан инкор хукм тарзида хulosса чиқадими.**

- А) Чиқмайди
- Б) Баъзи холларда чиқади
- С) Барча холларда инкор тарзида чиқади
- Д) Аниқ жавоб йўқ

**15. Ўрганилаётган предмет хақида бир вақтнинг ўзида бир неча фаразларни илгари суриш мумкинми.**

- А) Мумкин.
- Б) Мумкин эмас
- С) А ва Б жавоб
- Д) тўғри жавоб йўқ

**16. Куйидагилардан қайси бирида тушунчаларни чегаралаш амали тўғри бажарилган.**

- А) Олий ўкув юрти- институт-факультет.
- Б) Сиёсий ташкилот- партия- “Адолат партиси”.
- С) Тинч океани- Орол денгизи – Амударё
- Д) Китоб- ўкув қўлланма- дарслик.

**17. Бўлиш тенг хажмли бўлмаганда қандай хатоларга йўл қўйилади.**

- А) Бўлиш тўлиқсиз бўлади
- Б) Бўлиш ортиқча бўлади
- С) А ва С холларда
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**18. Тушунчанинг мазмунини нималар ташкил этади.**

- А) Предметнинг мухим ва умумий белгилари хақидаги ахборот
- Б) Предметнинг мухим ва номухим белгилари хақидаги ахборот
- С) Предметнинг мавжуд белгилари хақидаги ахборот
- Д) Фақат предметнинг бевосита намоён бўлган белгилари хақида.

**19. Тафаккур қонуни нима.**

- А) Фикр юритиш қойидалари
- Б) Фикр юритиш усуллари
- С) Фикрлаш элементлари ўртасидаги ички зарурӣ алоқадорлик
- Д) Фикрлаш шакли

**20 “Ҳамма врачлар олий маълумотли”, демак “Ҳеч бир олий маълумотсиз киши врач эмас”.**

- А) Айлантириш асосидаги хulosса
- Б) Алмаштириш асосидаги хulosса
- С) Предикатга қарама-қарши кўйиш асосидаги хulosса
- Д) Мантиқий квадрат асосидаги хulosса

**21. Дедуктив хulosса чиқаришда фикрнинг харакат йўналиши қандай**

- А) Жузъийликдан умумийликка томон
- Б) Умумийликдан жузъийликка томон
- Жузъийликка томон
- Д) Умумийликдан умумийликка томон

**22. “Ер Қуёш атрофида айланиши фан томонидан исботланган”, Бу мулоҳазада етарли асос қонуни талабига риоя қилинганми.**

- А) Қисман риоя қилинган
- Б) Риоя қилинмаган
- С) Риоя қилинган.
- Д) А.Б.С холларда

**23. “Математика - ақл гимнастикаси.” Деган таърифда қандай хато бор.**

- А) Таъриф аниқ равшан эмас
- Б) Таърифда айлана хосил

- бўлиб қолган. С) таъриф teng хажмли эмас  
Д) Таъриф ўта мавхум бўлиб, реал мазмунга эга эмас.
- 24. Хар бир тўғри қурилган силлогизм нечта терминга эга бўлади.**  
 А) 4 та ва ундан ортиқ      Б) 3 та терминга      С) 2 та терминга      Д) 1 та терминга
- 25. Силлогизм 2 фигурасидан тасдиқ хукм шаклида хulosса чиқадими.**  
 А) Чиқади      Б) Баъзан чиқади      С) Чиқмайди      Д) Тўғри жавоб йўқ
- 26. Силлогизм 1 фигурасидан жузъий хукм шаклида хulosса чиқадими**  
 А) Зарурий тарзда барча холларда      Б) Чиқмайди      С) Баъзан чиқади  
Д) Тўғри жавоб йўқ
- 27. “ Билдирилган фикр ё чин, ё хато бўлади ”.**  
 А) Конъюктив хукм      Б) Дизъюнктив хукм      С) Имплекатив хукм      Д) Эквивалент хукм
- 28 . Бевосита хulosса чиқаришда асослар сони нечта .**  
 А) Битта      Б) Иккита      С) Учта  
Д) Тўртта
- 29. Айлантириш орқали бевосита хulosса чиқаришда берилган хукмнинг сифати ўзгарадими.**  
 А) Ўзгармайди      Б) Ўзгаради      С) Баъзи холларда ўзгаради  
Д) Аниқ жавоб бериб бўлмайди
- 30. Алмаштиришда “ А ”**  
 А) “ J ” га ўзгаради      Б) “ A ” га ўзгаради      С) “ J ” ва “ A ” га ўзгаради  
Д) “ E ” га ўзгаради
- 31. Асослар микдорига кўра хulosса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд.**  
 А) Зарурий хulosса чиқариш.      Б) Эҳтимолий хulosса  
чиқариш.      С) Бевосита ёки билвосита хulosса  
чиқариш      Д) А.Б.С холатларда
- 32. Айлантиришда жузъий тасдиқ фикр “ J ”.**  
 А) “ О ” га айланади      Б) “ Е ” га айланади      С) “ J ” га айланади      Д)  
“ А ” ва “ О ” га айланади
- 33. Классификация оддий бўлишдан нимаси билан фарқ қилади**  
 А) Битта умумий асосга эгалиги билан      Б) Бўлиш аъзоларидан хар  
бирининг бошқаларга нисбатан қатъий ўринга эгалиги билан.      В) Мухим  
белги бўйича амалга оширилиши билан  
Г) Кўп асосларга эгалиги билан.
- 34. “Файласуф – фалсафани ўрганувчи киши ” таърифидан қандай хатога йўл қўйилган**  
 А) Таъриф аниқ равшан эмас      Б) Таърифда айлана хосил  
бўлган      В) Таъриф teng хажмли эмас  
Г) Таъриф зиддиятли мазмунга эга
- 35. “ Ҳаракат назария ва амалиётининг жонли бирлигидир ”. (Арасту).**  
 А) Содда хукм      Б) Мураккаб хукм      С) Мавхум хукм      Г) Нисбий хукм
- 36 Илмий индукция оммобоп индукциядан нимаси билан фарқ қилади**  
 А) Фарқ қилмайди      Б) Хулосани зарурий тарзда бўлиши билан фарқ

қиласи      В) Хулосалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни ўрганишга тегишили бўлиши билан .      Г) Тўғри жавоб йўқ

**37. Исботлаш ва рад этишнинг марказий элементи**

А) Тезис                    Б) Асослар                    В) Тўғри жавоб                    Г)

Исботлаш ёки рад этиш

**38. Агар тезис исботлаш ёки рад этишда бошидан охиригача бир хил маънода ишлатилмаса қандай хатога йўл қўйилади.**

А) Тезис алмасиб кетади                    Б) Тезис аниқ ва равшан бўлмайди      В) Исботлаш ва рад этишда изчиллик бўлмайди  
Г) А.Б.В. холларда хатолар бўлади

**39. Ўрганилаётган предмет хақида билдириган тахминий , асосланмаган фикр нима.**

А) Илмий факт                    Б) Фараз                    В) Назария                    Г) Тўғри жавоб йўқ

**40. Силлогизм тўртта терминдан иборат бўлиши мумкинми.**

А) Бўлиши мумкин                    Б) Бўлиши мумкин эмас  
В) Баъзида бўлиши мумкин                    Г) Баъзида бўлиши мумкин эмас

**41. Қўйидаги энтилемада нима тушиб қолдирилган. “Бадий асарлар ижод маҳсулидир, демак “Шайтанат” ижод маҳсулидир”**

А) Катта асос тушган      Б) Кичик асос тушган      С) А ва Б тушган      Д)  
Умуман асос йўқ

**42. Қўйидагилардан қайси бири бўйсимиш муносабатдаги тушунчалар.**

А) Институт- факультет                    Б) Республика –вилоят  
В) Ўқитувчи- ўқувчи                            Г) Университет - ЎзМУ

**43 . Муаммо нима.**

А) Ечиш усули маълум масала      Б) Ечиш усули номаълум бўлган янгича ёндашишни талабқиладиган масала      В) ҳар қандай масала      Г) Ҳеч қандай асосга эга бўлмаган масала

**44. “Дангаса ” тушунчasi қайси турга мансуб.**

А) Якка тушунча      Б) Тўпловчи      В) Нисбатдош      Г) Конкрет

**45. Қўйидагилардан қайси бири бирга бўйсимиш муносабатидаги тушунчалар хисобланади.**

А) Бадий асар- роман- шеърий роман      Б) Асар персонажлари-бош қаҳрамон- салбий қаҳрамон      В) Ўқув адабиёти- дарслик-ўқув қўлланма  
Г) Ўзбекфильм- сценарий- режиссёр

**46. Қўйидагилардан қайси бири бўш хажмли тушунча хисобланади.**

А) Учар гилам      Б) Идеал газ      В) Реал мавжуд бўлган предмет.      Г)  
Абстракт тушунча

**47. Илмий назария нима.**

А) Предмет (предметлар синфи) хақидаги илмий тушунчалар, конунлар,принциплар системаси

Б) Системага солинган ҳар қандай билим

В) Фақат мутлоқ хақиқат статусига эга бўлган билимлар йиғиндиси

Г) Фақат нисбий хақиқатга асосланган фикрлар йиғиндиси

**48. Мантиқда аргументлашсиз қатъий илмий, мустаҳкам эътиқодни шакллантирса бўладими**

- А) Бўлади      Б) Бўлмайди      С) баъзида бўлади      Д) Тўғри жавоб йўқ

**49. “Моҳинур синовдан ўтиши керак, чунки у 56 дан кўпроқ балл тўплаган”. Бу энтилемада**

- А) Катта асос тушган      Б) Кичик асос тушган      С) Хулоса тушган  
Д) Б ва С тушган

**50. “Ёки- ёки” формуласи тафаккурнинг қайси қонунини ифодалайди.**

- А) Айният қонуни      Б) Зиддият қонуни  
В) Учинчиси мустасно қонуни      Г) Етарли асос қонуни

**51 Тилсиз фикр юритиб бўладими.**

- А) Бўлади      Б) Бўлмайди      В) Баъзи холларда .      Г)  
Б ва В холларда

**52. Тушунчада нима акс этади.**

- А) Фақат предметнинг умумий белгилари      Б) Фақат предметнинг индивидуал белгилари  
Б) Предметнинг умумий ва муҳим белгилари      Г) Предметнинг барча белгилари

**53. “Сайд одобли , демак у одобсиз эмас”.**

- А) Айлантириш орқали хулоса чиқариш      Б) Алмаштириш орқали хулоса чиқариш  
С) Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали хулоса чиқариш      Д) Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқариш

**54. Дедуктив хулоса чиқаришда хулоса асослардан зарурий тарзда келиб чиқадими.**

- А) Келиб чиқади      Б) Келиб чиқмайди      С) Баъзида келиб чиқади  
Д) Тўғри жавоб йўқ

**55. Ўрта термин иккала асосда хам тўлиқсиз хажмда бўлганда тўғри хулоса чиқариб бўладими.**

- А) Бўлиши мумкин      Б) Баъзида бўлиши мумкин      С) Бўлиши мумкин эмас  
Д) Тўғри жавоб йўқ

**56. Силлогизмда иккита инкор хукмдан қандай хулоса чиқади.**

- А) Тўғри хулоса чиқмайди      Б) Инкор хукм тарзида хулоса чиқади  
С) Жузъий тарзда хулоса чиқади  
Д) Якка хукм тарзида хулоса чиқади

**57. Мантиқда аргументлашсиз фикрни чин деб қабул қиласа бўладими.**

- А) Баъзида бўлади      Б) Бўлади      С) Тўғри жавоб йўқ  
Г) Бўлмайди

**58 . “Қонунни бузмоқ жиноятдир. Фуқаро эса қонунни бузган”. Бу энтилемада.**

- А) Катта асос тушган      Б) Кичик асос тушган      С) Хулоса тушган      Д) Б ва С тушган

**59. Индуктив хулоса чиқариш нимага асосланади.**

- А) Фақат кузатиш натижалари      Б) Фақат умумлаштиришга  
С) Фақат эксперимент натижаларга

Д) А,Б,С холларни барчасига

**60. Мураккаб хукмлар ёрдамида силлогизм қуриб бўладими..**

- А) Бўлади      Б) Бўлмайди      С) Савол нотўғри берилган      Д) Тўғри жавоб йўқ

**61.Илмий индукция методини топинг.**

- А) Моделлаштириш      В) Идеаллаштириш.      С) Қиёслаш.      Д) Тафовут .

Е) Тўғри жавоб йўқ

**62. Билвосита исботлашда тезиснинг чинлиги қандай асосланади.**

- А) Антитетиснинг хатолигини кўрсатиш орқали.      Б) Тезисни рад этиш орқали

С) Тезисни тўғрилаш орқали      Д) Тўғри жавоб йўқ

**63. Софизм қаерда учрайди.**

- А) Тушунчада      В) Хукмда      С) Исботлаш ва рад этишда      Д) Гипотезада

Е) Тўғри жавоб йўқ **64. Аналогияда фикр қандай йўналишда харакат қиласиди.**

- А) Умумийдан жузъийга      В) Жузъийдан умумийга      С) Жузъийдан жузъийга      Д) Савол нотўғри қўйилган      Е) Тўғри жавоб йўқ

**65. Силлогизмнинг 2- фигурасидан тасдиқ хукм тарзидаги хулоса чиқадими.**

- А) Чиқади      В) Чиқмайди      С) Баъзихолларда      Д) Савол нотўғри

Е) Тўғри жавоб йўқ

**66 . Аналогия – бу:**

- А) Зарурий хулоса чиқариш.      В) Эҳтимолий хулоса чиқариш . С) Бевосита хулоса чиқариш      Д) Хулоса чиқариш эмас.      Е) Тўғри жавоб йўқ.

**67. Силлогизмда иккита инкор хукмдан қандай хулоса чиқади.**

- А) Инкор хукм шаклида хулоса      Б) Тасдиқ хукм шаклида хулоса

С) Баъзи холларда инкор хукмдаги хулоса      Д) Хулоса чиқмайди

Е) Тўғри жавоб йўқ

**68. Силлогизмда “ М ”нимани ифодалайди.**

- А) Субъектни      Б) Катта терминни      С) Кичик

терминни      Д) Ўрта терминни      Е) Тўғри

жавоб йўқ

**69. Тушунчанинг хажмида нима ифода қилинади .**

- А) Предметнинг эгаллаб турган жойи      Б) Тушунчада акс этган предметлар йиғиндиси      В) Миқдор жихатдан аниқ бўлган

предметлар Г) Тушунчадаги предметлар мохияти

**70. Қўйидагилардан қайси бири мавхум тушунча.**

- А) Гўзаллик      Б) Қитъа      В) Адабий жанр      Г)

Қўёш системаси

**71. Илмий назария билишдаги қандай вазифаларни бажаради .**

- А) Фақат мавжуд билимларни системага солади      Б) Фақат уларни ривожлантиради      В) Фақат олдиндан башорат қилиш имконини беради.      Г) А.Б.В. холларда

**72. Хулоса қандай холларда чин бўлади..**

- А) Асослар чин хукмлардан иборат бўлса.      Б) Хулоса чиқариш

қоидаларига риоя қилинса  
бүлганды

В) Асослар кўп  
Г) А ва Б холларда

**73 . Индуктив йўл билан сабабий алоқадорликни аниқлаб бўладими.**

А) Бўлади                  Б) Бўлмайди                  В) Базан бўлади                  Г) Тўғри жавоб йўқ

**74. Тўлиқ индукцияда берилган синфга мансуб предметларнинг барчасини ўрганиш .**

А) Зарур                  Б) Зарур эмас                  В) Баъзида зарур                  Г) Тўғри жавоб йўқ

**75. Энтилемани тўла силлогизм холига келтириб бўладими.**

А) Бўлади                  В) Бўлмайди                  С) Фақат баъзи холларда бўлади                  Д) Аниқ жавоб бериш қийин жавоб йўқ.

**76.Илмий индукция методини топинг.**

А) Моделлаштириш                  В) Идеаллаштириш.                  С) Қиёслаш.                  Д) Тафовут .  
Е) Тўғри жавоб йўқ

**77. Мантиқда аргументлашсиз қатъий илмий, мустаҳкам эътиқодни шакллантирса бўладими**

А) Бўлади                  Б) Бўлмайди                  С) баъзида бўлади                  Д) Тўғри жавоб йўқ

**78. Илмий назария билишдаги қандай вазифаларни бажаради .**

А) Фақат мавжуд билимларни системага солади                  Б) Фақат уларни ривожлантиради                  В) Фақат олдиндан башорат қилиш имконини беради.                  Г) А.Б.В. холларда

**79. Ўрта термин иккала асосда хам тўлиқсиз хажмда бўлганда тўғри хулоса чиқариб бўладими.**

А) Бўлиши мумкин                  Б) Баъзида бўлиши мумкин                  С) Бўлиши мумкин эмас  
Д) Тўғри жавоб йўқ

**80. Силлогизмда иккита инкор хукмдан қандай хулоса чиқади.**

А) Инкор хукм шаклида хулоса                  Б) Тасдиқ хукм шаклида хулоса  
С) Баъзи холларда инкор хукмдаги хулоса                  Д) Хулоса чиқмайди  
Е) Тўғри жавоб йўқ

**81. Тушунчанинг хажмида нима ифода қилинади .**

А) Предметнинг эгаллаб турган жойи                  Б) Тушунчада акс этган предметлар йиғиндиси                  В) Миқдор жихатдан аниқ бўлган предметлар  
Г) Тушунчадаги предметлар мохияти

**82. Қўйидагилардан қайси бири мавхум тушунча.**

А) Гўзаллик                  Б) Қитъа                  В) Адабий жанр  
Қуёш системаси

**83. Агар тезис исботлаш ёки рад этишда бошидан охиригача бир хил маънода ишлатилмаса қандай хатога йўл қўйилади.**

А) Тезис алмашиб кетади                  Б) Тезис аниқ ва равшан бўлмайди  
В) Исботлаш ва рад этишда изчиллик бўлмайди  
Г) А.Б.В. холларда хатолар бўлади

**84. Ўрганилаётган предмет хақида билдириган тахминий , асосланмаган**

**фикр нима.Б**

- А) Илмий факт                          Б) Фараз                          В) Назария                          Г) Тўғри  
жавоб йўқ

**85. Силлогизм тўртта терминдан иборат бўлиши мумкинми.**

- А) Бўлиши мумкин                          Б) Бўлиши мумкин эмас  
В) Баъзида бўлиши мумкин                          Г) Баъзида бўлиши мумкин  
эмас

**86. “Ҳамма ўқитувчилар олий маълумотли”, демак “Ҳеч бир олий маълумотсиз киши ўқитувчи эмас”.**

- А) Айлантириш асосидаги хулоса    Б) Алмаштириш асосидаги хулоса    С)  
Предикатга қарама-қарши қўйиш асосидаги хулоса    Д) Мантиқий квадрат  
асосидаги хулоса

**87. Дедуктив хулоса чиқаришда фикрнинг харакат йўналиши қандай**

- А) Жузъийликдан умумийликка томон                          Б) Умумийликдан  
жузъийликка томон    С) Жузъийликдан жузъийликка томон.  
Д) Умумийликдан умумийликка томон

**88. “Агар, у холда” формуласи тафаккурнинг қайси қонунини ифодалайди.**

- А) Айният қонуни    Б) Зиддият қонуни    В) Учинчиси мустасно қонуни    Г)  
Етарли асос қонуни

**89 Тилсиз фикр юритиб бўладими.**

- А) Бўлади    Б) Бўлмайди                                  В) Баъзи холларда .                          Г)  
Б ва В холларда

**90. Агар тезис исботлаш ёки рад этишда бошидан охиригача бир хил маънода ишлатилмаса қандай хатога йўл қўйилади.**

- А) Тезис алмасиб кетади    Б) Тезис аниқ ва  
равшан бўлмайди    В) Исботлаш ва рад этишда изчиллик бўлмайди  
Г) А.Б.В. холларда хатолар бўлади

**91. Силлогизмда М нимани ифодалайди.**

- А) Субъектни    Б) Катта терминни    С) Кичик терминни    Д) Ўрта  
терминни

**92. Бевосита хулоса чиқаришнинг қандай мантикий усуллари мавжуд.**

- А) Айлантириш    Б) Алмаштириш    С) Предикатга қарама-қариши қўйиш    Д) А  
ва Б холлар

**93. Силлогизм таркибий кисми қандай.**

- А) S- урта термин Р-предикат М-катта термин                          Б) S- кичик термин Р-  
предикат М-конъюкция  
С) S- кичик термин Р-катта термин М-урта термин    Д) S- урта термин Р-  
кичик термин М-катта термин

**94. «Баъзи S-P эмас», Ҳеч бир S-P эмас формуласи қайси жавобда**

- А) Катъий хукм    Б) Умумий инкор хукм    С) Инкорнинг мураккаб тури    Д)  
Умумий ва кисман инкор шаклидаги хукм.

**95. Тезис нима.**

- А) Исбот талаб килувчи хулоса.    Б) Исбот учун келтирилган фикр.    С)  
Исботланиши керак булган фикр.    Д) Исбот учун келтирилган асос.

**96. Карим Ахмад билан тенг булса, Ахмад Рахмат билан тенг булса бу кандай хукм**

А) Мавжудлик хукм Б) Муносабат хукм С) Атрибутив хукм Д) Инкор хукм

**97. Тушунчалар мазмунига кура неча турга булинади.**

А) 2та      Б) 3та      С) 4та      Д) 5та

**98. Тушунчаларда таснифлашни нечта тури бор.**

А) 3та      Б) 4та      С) 5та      Д) 2та

**99. А ва Е хукмлар кандай хукм**

А) Умумий инкор ва Жузъий тасдик. Б) Умумий тасдик ва умумий инкор С) умумий тасдик ва жузъий инкор Д) Умумий тасдик ва Жузъий инкор.

**100. Тушунчалар хажмига кура нечага булинади.**

А) 2 га      Б) 3 га      С) 5 га      Д) 4 га

**101. Зид тушунчалар тушунчаларнинг кайси турига киради.**

А) Таккосланадиган Б) Таккосланмайдиган С) Сигишадиган Д)  
Сигишмайдиган.

**102. «Ё аслинг каби курин, ё куринганинг каби курин» ушбу мисол кайси конунга мос келади.**

А) Айният конуни Б) Нозидлик конуни С) Истисно конуни Д) Етарли асос конуни.

**103. Иккита хато хукмдан кандай хукм келиб чиқади.**

А) Тугри      Б) Хато      С) Ноаник      Д) Аник

**104. Тушунчалар неча хил булади.**

А) Якка ва умумий Б) Мухим ва номухим С) Кундалик ва илмий Д)  
Умумлашган ва чегараланган.

**105. Баъзи сиёсий партиялар уз дастурига эга, бу кандай хукм**

А) Умумий тасдик Б) Жузъий тасдик С) Жузъий инкор Д) Умумий инкор.

### **Вариантларнинг тўғри жавоблари**

1- вариант	2- вариант	3 – вариант	4- вариант	5- вариант	6-
вариант					
1- В Д	1- Б	1- С	1- А	1- Д	1-
2- А Д	2- С	2- А	2- А	2- А	2-
3- Б Г	3- А	3- Б	3- Б	3- С	3-
4 - В С	4- С	4- Б	4- А	4 - С	4-
5- Д Д	5- А	5- Б	5- Б	5- В	5-
6- Б Б	6- Б	6- В	6- Б	6- В	6-
7- Б	7- С	7- А	7- В	7- Д	7-

<b>A</b>					
<b>8- С</b>	<b>8- Д</b>	<b>8- Г</b>	<b>8- А</b>	<b>8- Д</b>	<b>8-</b>
<b>Г</b>					
<b>9- С</b>	<b>9- Б</b>	<b>9- Б</b>	<b>9- А</b>	<b>9- Б</b>	<b>9-</b>
<b>Б</b>					
<b>10-С</b>	<b>10- С</b>	<b>10-Б</b>	<b>10- С</b>	<b>10- А</b>	<b>10-</b>
<b>Б</b>					
<b>11- Д</b>	<b>11- А</b>	<b>11- Б</b>	<b>11- А</b>	<b>11- Г</b>	<b>11-</b>
<b>А</b>					
<b>12- Д</b>	<b>12- Б</b>	<b>12- Г</b>	<b>12- Д</b>	<b>12- Г</b>	<b>12-</b>
<b>Б</b>					
<b>13- А</b>	<b>13- А</b>	<b>13- Б</b>	<b>13- С</b>	<b>13- В</b>	<b>13-</b>
<b>Г</b>					
<b>14- Б</b>	<b>14- Б</b>	<b>14- В</b>	<b>14- Г</b>	<b>14- А</b>	<b>14-</b>
<b>Б</b>					
<b>15- А</b>	<b>15- С</b>	<b>15 – В</b>	<b>15- А</b>	<b>15- А</b>	<b>15-</b>
<b>Г</b>					

### **7-вариант**

- 1-Д**
- 2-Д**
- 3- С**
- 4-Д**
- 5-С**
- 6-Б**
- 7-С**
- 8-Б**
- 9-Б**
- 10-А**
- 11- Д**
- 12- А**
- 13-А**
- 14- С**
- 15 -Б**

## VII. ГЛОССАРИЙ

**АЙИРУВЧИ ИСБОТЛАШ** – бавосита исботлашнинг бир туридир. Унда тезис соф айиравчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади.

**АЙЛАНМА ИСБОТ** (лот. *circulus in demonstrando*) – исботлашда учрайдиган хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса шундай хатога йўл қўйилади.

**АЛЬТЕРНАТИВА** (лот. *alter* – иккidan бири) – бир-бирини инкор этувчи икки ва ундан ортиқ имкониятлардан бири, бу имкониятлардан бирини танлаш.

**АНТИТЕЗИС** (грек. *anti* – қарама-қарши) – тезисга қарама-қарши бўлган тезис.

**АПАГОГИК ИСБОТ** (грек. *apagoge* – хулоса, *apagogos* – бурувчи, чиқарувчи) – тезис (а) ва антитетис (а) ўртасидаги муносабатга асосланадиган бавосита исботлаш тури бўлиб, тезиснинг чинлиги антитетиснинг хатолигини кўрсатиш орқали исботланади.

**АРГУМЕНТ** (лот. *argumentum* – исбот асоси) – далилланиши (исботланиши) талаб қилинган тезис (мулоҳаза, назария)ни асослаш учун келтириладиган бир ёки ундан ортиқ ҳукм.

**АРГУМЕНТЛАШ** – (лот. *argumentatio* – далил, аргумент келтириш) илгари сурилган фикрга нисбатан бошқа томон (аудитория, якка шахс ва б.)нинг ижобий муносабатини (маъқуллаши, қабул қилиши) шакллантириш мақсадида далиллар, аргументларни келтириш.

**АСОСЛАШ** – бирор концепция ёки мулоҳазани қабул қилиниши учун ишончли аргументлар ёки далилларни келтириш.

**БАВОСИТА ИСБОТЛАШ** – тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланадиган исботлаш тури.

**БАҲС** – ҳар икки субъект фаоллик кўрсатадиган коммуникатив модел бўлиб, пропонент ва оппонент (коммуникация субъектлари) ўртасида қайта алоқа мавжуд бўлади. Баҳс иштирокчиларидан бири савол беради, бошқаси эса унга муносабат билдириб жавоб беради.

**БЕВОСИТА ИСБОТЛАШ** – тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланадиган, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайдиган исбот тури.

**ДЕДУКТИВ ИСБОТ** – традицион мантиқда исботнинг шаклларидан бири бўлиб, айрим, якка ҳукмлардан иборат бўлган тезис умумий қоидага асосланиб исботланади. Бундай исботда, берилган якка ёки хусусий факт мансуб бўлган умумийликнинг чин эканлиги ҳақида сухбатдошнинг розилиги олинади ва бу умумийлик исботланаётган тезисга татбиқ қилинади.

**ДЕМОНСТРАЦИЯ** (лот. *demonstratio* - кўрсатиш) – аргументлардан тезиснинг чин ёки хатолигини келтириб чиқариш жараёнини кўрсатувчи

мантиқий фикрлаш бўлиб, ҳар қандай далиллаш, исботлашнинг таркибий қисмларидан биридир.

**ДИАЛОГ** (грек. *dialogos*- сұхбат) – савол-жавоб кўринишидаги муроқот. Диалог интерактив ўзаро таъсир бўлиб, унинг мақсади ва натижаси тушунишдир.

**ДИСКУССИЯ** (лот. *discussio* – текшириш, таҳлил қилиш, мунозара) – бирорта муаммони мухокама қилиш, у бўйича тортишув, мунозара ўтказиш; шундай коммуникация моделики, унда бир неча актив субъектлар умумий муаммога нисбатан ўзаро боғланган бўладилар.

**ЖАВОБ** – предмет хақидаги аввалги билимни қўйилган саволга мувофиқ ҳолда аниқлаштирадиган, тўлдирадиган янги хукм. У саволнинг асосини ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда янги билим олишга имкон беради.

**ИСБОТЛАШ** – бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғлиқ бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амал. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.

**ИСБОТЛАШ ВА РАД ЭТИШДА УЧРАЙДИГАН ХАТОлар** – мухокама юритиш жараёнида исботлаш ёки рад этиш қоидаларининг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган нотўғри, хато фикрлар.

**ИСБОТЛАШ ВА РАД ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ** – аргументлаш жараёнини тўғри ва муваффақиятли ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган қоидадар. Булар тезисга, аргументларга ва исботлаш усулига тааллуқли қоидалардир.

**КЕЛИБ ЧИҚМАЙДИ** – (лот *–non sequitur*) – исботдаги хатолардан бири бўлиб, бундай хато етарли асос қонунини бузиш натижасида келиб чиқади. Бу хатонинг моҳияти шундан иборатки, тезиснинг исботи учун келтирилган асослар тўғри, чин бўлса - да, бироқ у тезиснинг исботи учун етарли эмас. Шунинг учун бу хато “асослардан тезиснинг чинлиги келиб чиқмайди” деб аталади.

**КИМКИ КЎП ИСБОТЛАШГА ИНТИЛСА, У ХЕЧ НАРСАНИ ИСБОТЛАМАЙДИ** (лот. *qui nimium probat, nihil probat*) – исботдаги хатолардан бўлиб, исбот жараёнида тезиснинг исботи учун жуда кўп асослар келтирилади, бу асослар тезиснинг исботи учун етарли бўлибгина қолмай, балки ортиқча ҳисобланади.

**МИСОЛ** – бирон-бир фикр, муроҳаза (тезис)нинг чинлигини исботлаш, асослаш учун тушунтириш, ойдинлаштириш ёки далил (аргумент) сифатида қўллаш мақсадида келтирилган, конкрет ҳодисани ифодаловчи факт.

**НОФОРМАЛ МАНТИҚ** (*informal logic*) – табиий тилда аргументлашни қуриш ва баҳолашнинг ноформал стандартларини, уни талқин қилишнинг усуллари ва мезонларини ишлаб чиқувчи норматив фан; XXасрнинг 70-йилларида формал мантиқ имкониятларини танқид қилиш асосида шаклланган йўналиш.

**ОППОНЕНТ** – баҳс, мунозара чоғида мухокама қилинаётган тезисга қарши

чиқувчи, эътиroz билдирувчи, баҳо берувчи шахс.

**ПАРАДИГМА** – (грек.- *paradeigma-* мисол, намуна) ниманидир исботлаш, қиёслаш учун тарихдан келтирилган мисол. Парадигма –илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган ва қувватланган ва унинг кўпчилик аъзоларини бирлаштирган фундаментал илмий йўл-йўриқлар, тасаввур ва терминларнинг йиғиндиси бўлиб, фан тараққиёти ва илмий ижоднинг ворисийлигини таъминлайди.

**ПАРАДОКС** (грек. *para* – қарши ва *doha* - фикр) – чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикр. Мак. “Ўйиннинг фақат битта қоидаси бор, у ҳам бўлса ҳеч қандай қоида йўқ.”

**ПАРАЛОГИЗМ** – фикр юритиш жараёнида билмасдан йўл қўйилган мантикий хато.

**ПРОПОНЕНТ** – баҳс, мунозара чоғида муҳокама қилинаётган мавзууни, тезисни ҳимоя қилувчи шахс.

**РАДДИЯ** – исботни бузишга қаратилган мантикий амал.

**РЕЦИПИЕНТ** – (лот. *recipiens*-қабул қилувчи ) коммуникатив моделнинг монолог турида аргументлаш қаратилган шахс ёки бир гурӯҳ шахслар (баъзан аудитория деб ҳам номланади).

**САВОЛ** – билимларимиздаги ноаниқликларни, шубҳаларни йўқотиш ҳамда аниқроқ ва тўлароқ билимлар ҳосил қилишга бўлган эхтиёжни қондиришга хизмат қиласидиган фикрлаш воситаси, мантикий реалликнинг ўзига хос алоҳида кўриниши.

**СОФИЗМ** – (грек. *sophisma* – ўйлаб чиқарилган, муғамбирлик) –шаклига кўра тўғри бўлган, лекин мазмунида мантикий хато яширинган, ёлғонни чин деб тасдиқловчи фикрлаш.

**СОФИСТ** – исботлаш жараёнида атайлаб (қасдан) хатога йўл қўювчилар, кўпинча сўзларнинг кўп маънолигидан фойдаланиб, суҳбатдошини чалғитишига ва турли ҳийлаларни қўллаб, баҳсда ютиб чиқишга ҳаракат қилувчилар. Софистлар қадимги Гречияда диалектикани ривожлантиришда «сўз устаси» ўқитувчилари сифатида катта роль ўйнаган. Уларнинг таълимоти софизм деб аталади.

**ТЕЗИС** (грек. *thesis* – ҳолат, тасдиқ) – чинлиги исботланиши талаб қилинган фикр. қ. *аргументлаш назарияси, исботлаш*.

**ФАКТ** (лот. *factum* –бўлиб ўтган) – 1. Ҳақиқат тушунчасининг синоними бўлиб, ҳақиқатда бўлиб ўтган якка, аниқ воқеа-ҳодисани ифодалайди. 2. Мантиқ ва илмий билиш методологиясида эмпирик билимларни қайд этувчи мулоҳазаларни ифодалайди. Факт эмпирик билим шакли сифатида назария ва гипотезадан фарқ қиласи.

## **VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Расмий ҳужжатлар.**

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2015. 76 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. / Халқ сўзи. 2006 йил 27 август
6. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль

### **Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари.**

- 10.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 11.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 12.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз – Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 13.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т. Ўзбекистон, 2011. – 56 б.
- 14.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 15.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 16.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
- 17.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
- 18.Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

### **Ўқув адабиётлари**

1. Файзихўжаева Д. Мантиқ илми ривожи тенденциялари. Ўқув қўлланма. (қўлёзма ҳуқуқида), 2016.
- 2.Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. Ташкент, 1981.

### **Кўшимча адабиётлар**

- 27.Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал- машрикийа// Избранное. Т.1. Ашгабат 2003.

- 28.Абу Али Ибн Сина. Даниш-намэ//Избранное произведения. Душанбе, 1980.
- 29.Абу Али Ибн Сина.Указания и наставления..//Избранные произведения.-Т.1. Душанбе, 1980.
- 30.Абу Али Ибн Сина. ал-Хикма ал-машрикийа. //Избранное т.1. Ашгабат, 2003.
- 31.Абу Хомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. //Илм китоби. 1-китоб.Т., 2003.
- 32.Абу Хомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. Тошкент, 2005.
- 33.Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
34. Аль-Фараби. Диалектика// Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата, 1985.
35. Аль-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, 1975.
36. 10.Аль-Фараби.Философские трактаты. Алма-Ата, 1973.
- 37.11.Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005.
38. 12.Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т..1974.
- 39.13.Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ Ҳоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент, 1995.
- 40.Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе, 1965.
- 41.15.Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока.Москва, 1961.
42. Койре А. Очерки истории философской мысли. – М.: Прогресс, 1985.
43. 17.Мантиқ ҳақида сабоқлар. (ёки Исогўжий шархи). Тошкент, 2008.
44. 18.Насыров Р.Н. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. Ташкент,1988.
45. 19.Роузентал Ф. Торжество знания. Москва 1978.
- 46.20.Радхакришнан. История индийской философии. т.1,2. М.,1956
47. Усманов М. Закарий ар-Рази // Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока-Т.: 1972-С, 199-233.
- 48.Файзихўжаева Д. Абу Наср Фаробий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида. Т.: NISHON-NOSHIR, 2013.
49. 23.Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари- Тошкент,1963.
50. 24.Хайруллаев М.М. Муталибов С.А. Теория суждения Фараби и ее влияние на логические воззрения Ибн Сины // Общественные науки в Узбекистане 1979.-8-сон, 15-24.
51. 25.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971.
- 52.26.Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Т., 2010.(ўқув қўлланма)

### **Диссертациялар**

1. Наимов Н. Философские и логические взгляды Фахриддина Рази. Автореферат канд. дисс. Т., 1971.

2. Муртазаев С. Мировозренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Сафиуддина Тафтазани. Автореферат канд. дисс. Т., 1975
3. Қодиров М. Философские воззрения и логика Мир Саида Джурджани. Автореферат канд. дисс. Т., 1977.
4. Сайдахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Автореферат, ф.ф.н. дисс. Тошкент, 2009.
5. Файзиходжаева Д.И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари. Автореферат. ф.ф.н., дисс. Тошкент, 1999.

### **Интернет ресурслар**

basesoflogic.narod.ru  
www. disserrcat. Com  
ru.wikipedia.org